

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 821.512.133.09-1

СУЛТОНҚУЛОВА ФЕРУЗА БОБОНАЗАРОВНА

**УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР
ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: Юлдашев Нормат,
филология фанлари номзоди, доцент**

ЖИЗЗАХ – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси.....)	3
I БОБ. УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ МЕТАФОРИКЛАШУВИ.....	13
1.1.§. Метафорик образнинг моҳияти ва адабий-назарий асослари.....	13
1.2.§. Анъанавий образларнинг метафориклашуви.....	28
Биринчи боб бўйича хулосалар	47
I БОБ. УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР СТРУКТУРАСИ.....	48
2.1.§. Кўчим даражасидаги метафорик образлар.....	48
2.2.§. Образ даражасидаги метафоралар табиати.....	69
2.3.§. Фольклоризм асосида яратилган метафорик образлар.....	85
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	102
III БОБ. ШОИРНИНГ МЕТАФОРИК ОБРАЗ ЯРАТИ МАҲОРАТИ.....	105
3.1.§. Пейзаж тасвирида метафорик образларнинг қўлланилиши.....	105
3.2.§. Метафорик образларда тасвирий воситаларнинг қўлланилиши.....	123
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	140
ХУЛОСА.....	141
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	144

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон шеъриятида кенг қўлланилган ва бадийликнинг тури сифатида қаралаётган метафорик образ кўплаб соҳалар қатори адабиётшуносликнинг ҳам муҳим масалаларидан бири ҳисобланиб келинмоқда. Бадий образ табиати талқини, унинг асос ва мезонларини белгилаш, бадийликнинг муҳим хусусияти бўлган метафорик образ табиати бўйича қатор амалий ишлар юзага келмоқда. Метафора ва метафорик образ алоҳида бадий ҳодиса ва махсус феномен сифатида метафорология, тилшунослик, фалсафа, мантик, психология, семиотика, когнитология каби кўплаб йўналишлар интеграциясида моҳиятни намоён этишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Дунё илмий-назарий тафаккурининг кейинги тараққиёти жараёнида оламни эстетик идрок этиш ва сўз қўллаш санъатида метафорик образ талқини масаласига оид материалларга асосланган тадқиқотлар кенгайди. Метафоранинг моҳияти, унинг бадий тафаккурдаги ўрни, структураси, хиллари ва кўринишлари борасида янги-янги қарашлар пайдо бўлди. Бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар жаҳон шеъриятида метафорик образ муаммосини ёритишда муайян давр поэзиясининг бадий-поэтик кўламини белгилаш, ижодкор услуби, бадий образ яратишда ижодий индивидуаллик ва адабий таъсир, поэтик тил имкониятлари, унинг экспрессивлиги, шунингдек, даврнинг маданий онги билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ижодкор бадий-эстетик концепциясини ўрганишда илмий-назарий асос вазифасини ўтайди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги фани тараққиётида янги босқич бошланиб, ҳозирги шеъриятдаги энг муҳим вазифалардан бири бадий образ ва унинг хусусиятлари, жумладан, олам ва одамни англашда бадий адабиётнинг асосий эстетик белгиси бўлган метафорик образ тадқиқи ижодкорнинг давр руҳияти билан яқинлиги каби масалаларга оид қатор илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдида улкан вазифалар кўйиб, келажак сари ишонч

билан бораётган халқ”¹ имиз миллий тафаккурини ўстиришда бадий адабиётнинг ўрни бекиёслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу эса ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий образ ва унинг хусусиятлари, жумладан, шеъриятга хос бўлган метафорик образ талқини ижодкор концепциясини давр руҳига бўлган муносабати каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини билдиради. Шу маънода, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятида а) метафорик образлар талқини, б) метафориклик ижодкор услубини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлиги, в) шоир ижодини янгича бадий-эстетик қарашлар контекстида тадқиқ этиш ҳамда бунда жаҳон адабиётшунослигининг илғор тадқиқот усулларини қўллаш, г) шоир шеъриятида метафорикликни атрофлича ёритиш эҳтиёжи, д) рамзий-мажозий тимсоллар моҳиятини ёритиш каби янги поэтик масалаларни жаҳон талаблари даражасида амалга ошириш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали масросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2021 йил 1 сентябрь.

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий образнинг тури сифатида қаралаётган метафорани буюк юнон олими Аристотель эстетик тил бирлиги ва поэзиянинг эстетик формаси сифатида баҳолайди². Унинг қарашлари кейинги асрларда жаҳон метафорологиясининг вужудга келиши, филологик соҳаларда бўлгани каби турли йўналишларда метафора тадқиқи учун асос бўлди. Метафора ва метафорик образ табиати жаҳон шеършунослигида етарли даражада ўрганилган бўлиб³, ўзбек адабиётшунослигида бу илмий муаммога назарий муносабат XX асрнинг 80-90 йилларида шаклланди⁴. Мавзу юзасидан И.Қурбонбоев, Н.Мирзаева, О.Каримовларнинг⁵ филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш

²Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1980. – 149 б.

³Гегель. Эстетика в 4-х томах. – М.:1986.– 676 с.; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. –М., Наука, 1976. –С. 344.; Боров Ю. Эстетика. – М.:Политиздат, 1987. – 496 с.; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Издательство, Наука, 1977. – 413 с.; Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. / Общ. ред. Н.Д.Арутюновой и М.А.Журиной. – М.: Прогресс, 1990. – 512 с.; Блэк М. Метафора. “Models and Metaphors”(1962) / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.– 153-172.; Хосе Ортега и Гассет. Две великие метафоры / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – с. 68-81.; Кассирер Э. Сила метафоры / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.– с. 33-43.; Дэвидсон Д. Что означают метафоры. / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.– с. 173-194.; Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. пер. с фр. / Г.К.Косикова. – М.: Прогресс, 1989 – 616 с.; Томашевский Б.В. Теория литература. Поэтика. – М.: Аспект-Пресс, 1996. – 334 с.; Женетт Ж. Работы по поэтике: Фигуры: том 1-2. – М.: Изд.-во им. Сабашников, 1998. – 472 с.; Дж.Лакоффа и М.Джонсона. Метафоры, которыми мы живем. Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. – М.: Эдиториал УРСС, 2004. – 256 с.; Парандовский Ян. Сўз кимёси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 464 б.

⁴Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 462 б.; Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978 – 238 б.; Акрамов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 183. б. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004. – 43 б. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси (рисола). – Т.: Ғ. Ғулом, 2003. – 72 б.

⁵Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятда образлилик: Филол. фан. номз...дисс – Т., 2005. – 133 б.; Мирзаева Н.Б. XX аср шеърятда метафорик образ муаммоси (Гарсия Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърят)

учун олиб борган илмий изланишларида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим илк ижод намуналари билан илмий ва адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Унинг ижодига Б.Назаров, И.Ғафуров, А.Абдуллаев, Н.Каримов, И.Ҳаққулов, Ш.Ризаев, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, Д.Қурононов, Т.Шермуродов, К.Муллахўжаева ҳамда О.Тошбоев каби адабиётшуносларимиз⁶ муносабат билдирганлар. Айниқса, мустақиллик йилларига келиб, шоир ижодига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Усмон Азим ижоди адабиётшунослик⁷ ва тилшунослик⁸ бўйича қўйилган масалаларни ўрганиш учун манба бўлиб

мисолида): Филол. фан. докт...дисс. – Т., 2006. – 132 б.; Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеърлятида метафорик образлар тизими. Филол. фан. номз...дисс. – Т., 2012. – 140 б.

⁶Назаров Б. Ҳаётчилик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 175 б.; Ғафуров И. Оҳанграбо қаерда? // Ўзбекистон маданияти, 1979 йил, 13 февраль.; Шуқуров Н. Сўз сеҳри – шеър меҳри. – Самарқанд, 1992.; Ғафуров И. Салом чироқ! Салом Усмон./ 2010.27.04.; Каримов Н. Некбин рух, ҳаётсевар гоҳ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. № 47.; Абдуллаев А. Шеъримда узоқ бир ишқнинг шарҳи бор (Усмон Азим ижодига чизгилар...). / Шарқ юлдузи, 2010. №1. – Б. 172-177.; Ҳаққулов И. Ғуссали юрак – ёлқинли юрак. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996 йил 11 октябрь.; Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 31-34.; Солижонов Й. Уйғониш ва уйғотиш истаги. / Шарқ юлдузи, 2009. № 2. – Б. 154-156.; Ризаев Ш. Қийноқ сенга бўлсин шараф. // Шарқ юлдузи, 2010. №6. – Б. 154-162.; Йўлдошев Қ. Туйғулар ҳайкириғи // Гулистон, 2010, № 4.; Йўлдошев Қ. Кўнгил юксакликларида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2020.9.10. №39.; Солижонов Й. Покиза ниятнинг нурли йўллари // Кўзгудаги ҳаёт: адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013. – Б. 84-95.; Муллахўжаева К. Юракнинг аъмоли. // Азим У. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулум, 2016. – Б. 3-29.; Тошбоев О. Шоирлари ёлғон айтса ўлади эл / Азим У. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 3-23.

⁷Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. – Тошкент, 1994.– 57 б.; Сувонова Ж. Усмон Азим шеърлятида бадий тафаккур теранлиги. Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. - 96 б.; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. – Тошкент: Навоий, 2000. – 48 б.; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва бадий изланишлар. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2004. 24 б.; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърляти бадий тафаккури тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри. (DSc) ...дис. автореф. – Тошкент, 2017.– 88 б.; Шарипова Л. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърляти бадий тараққиётида фольклор. Филол. фан. д-ри. (DSc) ...дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 38 б.; Қурононов С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси (шеърлят ва рангтасвир санъатлари мисолида). Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ...дис. – Фарғона, 2018.; – 155 б.; Абдурахмонов А. Ўзбек шеърлятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси (анъана ва новаторлик асосида): Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ...дис. автореф. – Фарғона, 2018. 53 б.; Тажибаева Д. XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеърлятида поэтик услуб муаммолари: Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ...дис. автореф. – Фарғона, 2018. – 24 б.; Холова М. Ўзбек модерн шеърляти поэтикаси: Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2018. – 51 б.; Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеърлятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърляти мисолида): Филол. фан. д-ри. (DSc) ...дис. автореф. – Самарқанд, 2019. – 68 б.; Эшқобилов А.Ўзбек балладасининг назарий-поэтик таҳлили (XX асрнинг 70-90-йиллари мисолида) Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.; Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърлятининг медитатив табиати: Филол. фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 88 б.

⁸Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърлятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз.. дисс. автореф. – Тошкент, 2004.; Махмараимова Ш. Оламнинг лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг коогнитив аспекти: Филол. фан...фалс.докт. (PhD) дисс. – Қарши, 2018. –52 б.;

хизмат қилган бўлса-да, шоир шеърлятидаги метафорик образлар масаласи монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон “Ҳозирги адабий жараён масалалари” (2017-2021) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Усмон Азим шеърлятидаги метафорик образлар моҳияти, образлар табиатига доир назарий умумлашмалар яратиш ҳамда метафориклик шоир поэтик услубининг ўзига хослигини белгиловчи бош омил эканлигини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Усмон Азим ижоди, адабий-эстетик концепциясини белгилашда метафорик образ асосий эстетик категория эканлигини асослаш;

Усмон Азим шеърлятига хос бадий тафаккурда метафорикликнинг устуворлиги, халқ оғзаки ижоди шоир шеърлятида метафорик образлар яратишда етакчи манбалар сифатида намоён бўлиши, уларни умумлаштириш ва тизимли ўрганиш;

инсон ва табиат уйғунлигини ифодалашда метафорик образларнинг ролини аниқлаш;

шоир шеърлятида халқ оғзаки ижоди ва фольклоризмларнинг турли кўринишлари, диний-мифологик образлар ва макон тимсолларини яратишда метафорик образлардан фойдаланиш маҳоратини ўрганиш;

шоир шеърларининг бадий-ифодавий хусусиятларида метафорик образларнинг ўрни ва ундаги мажозийликни очиб бериш;

шоирнинг метафорик образ яратишда бадий тасвир ва ифода воситаларидан фойдаланиш маҳоратини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Усмон Азимнинг шу кунга қадар яратилган шеърлари, жумладан, “Сайланма” (1995), “Куз” (2001), “Соғинч” (2007), “Юрак” (2009), “Фонус” (2010), “Жимлик” (2012), “Коллаж” (2018) ва “Кўнгил” (2019) китоблари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Усмон Азим шеъриятида метафорик образларнинг қўлланилиши, уларнинг ижтимоий-эстетик функциялари ҳамда шоирнинг метафорик образ яратиш маҳорати, шунингдек, шоир шеърларида метафорик образларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда герменевтик, биографик, фалсафий, қиёсий-типологик, психологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётидаги метафориклашув ҳодисасининг Усмон Азим шеъриятида кузатилиши, шоир шеъриятига хос бадиий тафаккурда метафорикликнинг устуворлиги ижодкор адабий-эстетик концепциясини белгилайдиган асосий поэтик восита эканлиги далилланган;

Усмон Азим ижодига халқ оғзаки ижоди (“Алпомиш” достони ва халқ эртакларидаги) образларнинг метафориклашуви ҳамда стилизацион фольклоризмлар асосида яратилган диний ва мифологик метафорик образлар ҳамда анъанавий образларнинг метафориклашувида фольклорнинг таъсири кучли эканлиги кўрсатиб берилган;

метафорик образ яратишда табиат унсурларининг етакчилиги, пейзаж лирикасига хос бўлган интим, ижтимоий ва тасаввуфий оҳангларда инсон ва табиат муносабатлари боғ (дарахт, барг), гуллар (қизғалдоқ, бойчечак), табиат ҳодисалари (ёмғир, йил фасллари) метафорик тасвирлари талқинида намоён бўлиши далилланган;

Усмон Азимнинг метафорик образ яратишдаги поэтик маҳорати метафора (истиора), эпитет, синекдоха, анафора (такрор), рамз, муболаға бадиий тасвир воситаларининг бир вақтда қўлланилиши ва шеър маъносини

кучайтириш, таъкид, эстетик таъсирчанликни ошириш, фикр қамровини кенгайтириш, ўқувчида эстетик завқ уйғотиш, унинг бадий дидини ўстириш каби бадий-эстетик функциялар бажариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек шеърияти 70-йиллар адабий авлодига мансуб ижодкор Усмон Азимнинг миллий шеъриятимизда тутган ўрни, шоир шеъриятидаги метафорик образлар талқини масаласи бугунги адабиётшунослик нуқтаи назаридан аниқланган;

шоир шеърияти асосида метафорик образлар структураси аниқланиб, кўчим даражасидаги метафоралар, образ даражасидаги метафоралар ва фольклоризм асосидаги метафорик образлар таснифи очиб берилган;

шоир шеърларида инсон ва табиат уйғунлигининг метафорик образлар воситасида ифодаланиши далилланган;

шоирнинг сўз қўллаш, инсон руҳий ҳолатларини тасвирлаш маҳорати метафорик образлар таҳлили жараёнида кўрсатиб берилган.

Усмон Азим асарларида илгари сурилган ғоялар жамиятнинг маънавий, ахлоқий, этик-эстетик такомилида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, диссертация режасининг тўғри тузилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, герменевтик, биографик, социологик, аналитик, қиёсий-тарихий ва бадий-эстетик таҳлил каби тадқиқот усуллари билан асосланганлиги, замонавий ўзбек шеъриятида Усмон Азимнинг тутган ўрни, шоир шеъриятида етакчи омил бўлган метафорик образлар талқинини очиб беришда адабиётшуносликнинг замонавий илмий ютуқлари акс этган ишончли манбаларга таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Усмон Азим ҳаёти, ижодий биографияси, шунингдек, метафорик образларнинг бадий талқинини кенг қўламда монографик тадқиқ қилиш

орқали ўзбек адабиёти, хусусан, шеърияда янги илмий-назарий билимларнинг тўлдирилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган адабиёт назарияси, ўзбек адабиёти тарихи ҳамда ҳозирги адабий жараён фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига, мутахассислик фанларидан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини бойитишга манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Усмон Азим шеърияда метафорик образлар талқинини тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

жаҳон адабиётидаги метафориклашув ҳодисасининг Усмон Азим шеърияда кузатилиши, шоир шеърияга хос бадиий тафаккурда метафорикликнинг устуворлиги ижодкор адабий-эстетик концепциясини белгилайдиган асосий поэтик восита эканлиги ҳақидаги хулосалардан ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 22 ноябрдаги 17.01/29-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий қисмининг Усмон Азим ижодидаги ўзига хослик ўзбек ва қорақалпоқ шеъриядаги бадиий тафаккурнинг янгиланиш ҳодисасини вужудга келтирганлиги, халқ оғзаки ижоди, мумтоз анъаналар ҳамда жаҳон шеъриядаги сўнгги изланишлар ҳақидаги хулосалар билан бойитилган;

Усмон Азим ижодига халқ оғзаки ижоди (“Алпомиш” достони ва халқ эртакларидаги) образларнинг метафориклашуви ҳамда стилизацион фольклоризмлар асосида яратилган диний ва мифологик метафорик образлар ҳамда анъанавий образларнинг метафориклашувида фольклорнинг таъсири кучли эканлигига доир илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини

тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 22 ноябрдаги 17.01/29-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий қисмининг мустақиллик даври ўзбек ва қорақалпоқ халқлари адабиётида халқ оғзаки ижодидан озик олган замонавий давр адабиёти ва шеърини услуби ҳақидаги илмий хулосалар билан бойитилишига хизмат қилган;

метафорик образ яратишда табиат унсурларининг етакчилиги, пейзаж лирикасига хос бўлган интим, ижтимоий ва тасаввуфий оҳангларда инсон ва табиат муносабатлари боғ (дарахт, барг), гуллар (қизғалдоқ, бойчечак), табиат ҳодисалари (ёмғир, йил фасллари) метафорик тасвирлари талқини тўғрисида хулосалардан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунос–лиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 22 ноябрдаги 17.01/29-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ халқлари халқ оғзаки ижодининг ўзаро муштараклиги, Усмон Азим шеърини тадқиқ қилишда халқ оғзаки ижодининг таъсири, метафорик образлар талқини муаммолари очиқ берилган;

Усмон Азимнинг метафорик образ яратишдаги поэтик маҳорати метафора (истиора), эпитет, синекдоха, анафора (такрор), рамз, муболаға бадиий тасвир воситаларининг бир вақтда қўлланилиши ва шеър маъносини кучайтириш, таъкид, эстетик таъсирчанликни ошириш, фикр қамровини кенгайтириш, ўқувчида эстетик завқ уйғотиш, унинг бадиий дидини ўстириш каби бадиий-эстетик функциялар бажариши ҳақидаги маълумотлардан Сурхондарё телерадиокомпаниясининг “Мунаввар кун” кўрсатувида фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 сентябрдаги 01-15/732-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувнинг қизиқарли ва жонли бўлиши, замонавий ўзбек адабиёти,

хусусан, шеърятда шоир ижоди мавзусининг кенг ёритилишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифадан иборат.

I БОБ. УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ МЕТАФОРИКЛАШУВИ

1.1.§. Метафорик образнинг моҳияти ва адабий-назарий асослари

XX асрнинг 70-йиллари ўзбек шеъриятига бир гуруҳ истеъдодлар кириб келди. Бу авлод намояндалари ўз салафларидан фарқ қилган ҳолда ижтимоий ҳаёт манзараларини бадиий мушоҳада этишда рамзийлик, метафоризм каби поэтик воситалардан самарали фойдаланди. Айниқса, бу адабий ҳодисалар Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Азим Суюн ва Усмон Азим каби шоирлар ижодида ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятида энг аввало, юрт тақдири, унинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи алоҳида мавзу қилиб олинган. Ижодкор шеърларидаги оташин юрак исёни, эрк ва озодлик изҳори, ҳақиқат ва адолат умиди – шиддат ва ғалаёнга тўлаллик, “рамзлар тилида сўзлашиш”, бетакрор поэтик образлар ҳамда ёрқин метафораларда яққол кўзга ташланади. Шоир шеърларида бадиий ғоя ва мақсад ифодаси, бадиий-эстетик таъсирчанликни ошириш, услубидаги индивидуаллик ва бадиий маҳоратни белгилашда метафорик образлар алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, антик даврданоқ поэтикада метафора масаласи тадқиқ этиб келинмоқда. Изократ, Квинтилиан, Цецерон ва Аристотель⁹ каби қадимги юнон олимлари ўз асарларида у ҳақидаги дастлабки назарияларни ёзиб қолдирган. Буюк юнон олими Аристотель ўз қарашларида уни эстетик тил бирлиги ҳамда поэзия тилининг белгиловчи хусусияти сифатида баҳолайди ва уни “нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга ёки турдан жинсга ёхуд турдан турга кўчирилган, ёинки ўхшатиш билан сўздир” деб таърифларкан, сўз қўллашда ундан ўринли фойдаланишнинг аҳамияти катта”¹⁰ лигига тўхталиб ўтган. Унинг қарашлари кейинги асрларда жаҳон метафорологиясининг вужудга келишига, филологик соҳаларда бўлгани каби турли йўналишларда

⁹ Махмараимова Ш. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи. – Термиз: Сурхон-Нашр, 2020. – Б.12.

¹⁰ Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1980. – Б. 47.

метафора тадқиқи учун асос бўлди. Поляк олими Ян Парандовский таъкидлаганидек метафора “...турли тил ҳодисалари ўртасидаги ўзаро алоқалар, яқинлик, ўхшашлик, муқоясалардан ташкил топган илмий тадқиқотнинг дастлабки, энг қадимий бир тури ҳисобланади”¹¹. Бироқ жаҳон илм-фани тараққиётида унинг тадқиқи тугаган эмас. XX аср Ғарб олимлари томонидан риторика, фалсафа, мантиқий, психология, психоанализ, семасиология, ономасиология, когнитология, лингвистика ва психоллингвистика йўналишлари доирасида чуқур текширилган метафоранинг адабиётшунослик нуқтаи назаридан поэтик асос, образлилиги тадқиқ этилиб келинмоқда¹². Шунингдек, асосан шеърятда Х.О.Гассет, Э.Кассерер, Р.Якобсон, В.Шкаловский, В.Жирмунский, Р.Барт, Б.Томашевский, Ж.Женнет, Ян Парандовский¹³ каби олимларнинг бу борадаги изланишлари аҳамиятлидир. Мазкур масалада жаҳон олимлари томонидан олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар “Метафора в языке и тексте” (“Тил ва матнда метафора” 1988) ва “Теория метафоры” (“Метафора назарияси” 1990) тўпламларида ўз аксини топди. Илмий адабиётларда метафора ҳақида нафақат адабиётшунос олимлар, балки унинг яратувчилари бўлган – шоирлар, ёзувчилар ва рассомлар ҳам ўз муносабатини билдириб ўтган. Машҳур испан шоири Гарсиа Лоркадан шеърят ҳақида сўрашганда “метафорасиз у яраланган оху”¹⁴, – дея жавоб беради. Метафора – поэтик

¹¹ Парандовский Ян. Сўз кимёси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – Б. 305.

¹² Гегель. Эстетика в 4-х томах. – М.:1986.– 676 с.; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. –М., Наука, 1976. –С. 344.; Боров Ю. Эстетика. – М.:Политиздат, 1987. – 496 с.; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Издательство, Наука, 1977. – 413 с.; Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. / Общ. ред. Н.Д.Арутюновой и М.А.Журиной. – М.: Прогресс, 1990. – 512 с.; Якобсон Р. Избранные работы по поэтике. – М.:Прогресс, 1985. ; Теория метафоры: Сборник: Пер. С англ., фр., нем., исп., польск. яз./Общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. – М.: Прогресс, 1990.-512с.;

¹³ Блэк М. Метафора. “Models and Metaphors”(1962) / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.– 153-172.; Хосе Ортега и Гассет. Две великие метафоры / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – с. 68-81.; Кассерер Э. Сила метафоры / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.– с. 33-43.; Дэвидсон Д. Что означают метафоры. / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.– с. 173-194.; Барт Р. Избранные работы: Семиотика: Поэтика: пер. с фр. / Г.К.Косикова. – М.: Прогресс, 1989 – 616 с.; Томашевский Б.В. Теория литература. Поэтика. – М.: Аспект-Пресс, 1996. – 334 с.; Женетт Ж. Работы по поэтике: Фигуры: том 1-2. – М.:, Изд.-во им. Сабашников, 1998. – 472 с.; Дж.Лакоффа и М.Джонсона. Метафоры, которыми мы живем. Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. – М.: Эдиториал УРСС, 2004. – 256 с.; Парандовский Ян. Сўз кимёси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 464 б.

¹⁴ Теория метафоры: Сборник: Пер. С англ., фр., нем., исп., польск. яз./Общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. – Москва: Прогресс, 1990. – С. 18.;

фикрни образли ифода этишнинг энг кучли воситаси сифатида XX аср жаҳон шеърлятида фаол қўлланилди. Айниқса, рус символик шеърлятининг вакиллари ижодида метафорик тафаккур ва метафорик образ алоҳида ажралиб туради¹⁵.

Маълумки, Шарқ поэтикасида метафора “истиора” атамаси билан қўлланилган бўлиб, у ҳақидаги назарий қарашлар VIII-XV асрларда мумтоз поэтикада илми саное, илми бадое доирасида ўрганилган. Шарқнинг улуғ шеършунослари Ибн Халдун, Умар Родуёний, Рашиддин Вотвот, Шамсиддин Қайс Розий, Атоуллоҳ Ҳусайний ва Шайх Аҳмад Тарозий асарларида шеърлий санъат тури сифатида истиоранинг асосий хусусиятлари талқин қилинган. Жумладан, Рашиддин Вотвот у ҳақида “Бу санъат ҳамма тилларда тез-тез учраб туради, қачонки яқин ва табиий (иккинчи бир маъно англатса, бу билан нутқ зийнатланган бўлади”¹⁶ деб ёзади. Атоуллоҳ Ҳусайний ундаги бошқа жиҳатга эътибор қаратади: “Истиора мажознинг бир навъидур. Ҳақиқат лафзни, ўз ясоғи, яъни нимани мўлжаллаб ясагон бўлсалар ўшул маънода қўлламоқтин ибораттур. Мажоз лафзни ўз ясоғидин ўзга маънода ясоғу лафзу ўшал маъно орасиндаги бирор алоқа-ю муносабатга асосланароқ қўлламоқтин ибораттур, ўз ясоғида тушунмакка моний бўлғучи жумладоши келтирмак шарти била. Масалан, шер дерлар андин юраклиг кишини ифода этарлар... Истиора... сўзнинг мукаммал зийнатидур ва фасоҳату балоғат арбоби қошинда ҳақиқаттин яхшироқтур”¹⁷. Шайх Аҳмад Тарозий истиорани “... бир лафзини ҳақиқий маънодан элитиб, яна ўзга ерда орият тариқи бирла келтурурлар”¹⁸ деб таърифлайди.

Фитрат таърифича истиора “Бир сўзнинг ўз маъносидан бошқа бир маъноси учун ишлатилмакидир, шул шарт биланким, у сўзнинг ўз маъноси билан янги маъноси ўртасида бир турли ўхшашлик бўлсун”¹⁹. Бугунги

¹⁵ В. М. Жирмунский. Метафора в поэтике русских символистов. // НЛО. 1999. №35.

¹⁶ Шарқ мумтоз поэтикаси. / Нашрга тайёр: Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – Б. 259.

¹⁷ Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Фафур Фулом, 1981. – Б. 219.

¹⁸ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. №-5. – Б. 68.

¹⁹ А.Фитрат. Танланган асарлар. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Маънавият, 2006. IV Ж. – Б. 64.

кунда ҳам мумтоз поэтикада метафоранинг эквиваленти бўлган истиора шеърӣ матн доирасидаги вазифасидан келиб чиқиб, истиоравий-рамзий тасвир усули ва лафзий санъат тури деб ўрганиб келинмоқда²⁰. Шеършунос олим Ёқубжон Исҳоқов истиорани ўз хусусиятларига кўра ёпиқ истиора ва очик истиора турларига ажратади. Очик истиорада ўхшатилаётган нарса объекти тилга олинмай фақат истиораланувчигина кўрсатилса, ёпиқ истиорада, аксинча, у “зикр этилмайди, балки унинг бирор сифати, хулқ атвори, узв аъзоси изофат сифатида келтирилади”²¹.

Кейинги даврларда метафорага асосан ўзбек адабиётида кўчма маънода ишлатиладиган сўз деб қараб келинди. Адабиётшунос олим Иззат Султон унда ўхшаган нарса тушириб қолдирилиши, ўхшатиш нарса ва ўхшаган нарсанинг сифатигина сақланишини ҳисобга олиб, уни қисқартирилган, ихчам ўхшатиш деб атайди²². Б.Акрамов уни тилдаги “универсал ҳодиса”²³ сифатида баҳолайди. Метафора фақатгина нутқда воқеаланиб қолмайди. Унинг функциялари бадиий матнда тўлиқ намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида метафора бадиий услуб ва бадиий тасвир воситаларига бағишланган тадқиқотлар доирасида ўрганилиб, кўчимларнинг бир тури сифатида қайд этилади.²⁴ Шунингдек, уни ўрганишда анъанавий ҳамда поэтик метафоралар ажратилади.²⁵ Лексик метафораларда лексик маъно бир сўз доирасида англашилиб, унинг номинатив (аташ) функцияси англашилса, бадиий метафоралар анча кенг, матндаги бошқа сўзларнинг маънолари таъсирида мазмунини кенгайтиради

²⁰ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 126 б.; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиийат малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Шарқ, – 240 б. Мирхайдаров Х. Тафаккур гавҳари. – Хўжанд: Нури маърифат, 2006. – 278 б.

²¹ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б. 23.

²² Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 227.

²³ Акрамов Б. Шеърят гавҳари. (Лирикада образ муаммоси) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 25.

²⁴ Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994.–94 б.; Усмонов С. Метафора. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964. № 4.; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973.; Муродий Т. Истиора. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, № 6.; 25 б.; Умуркулов Б. Бадиий наср жозибаси. – Тошкент: Мухаррир, 2021. –

²⁵ Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994. – Б. 20.

ва эстетик функция бажаради. Масалан, Эркин Воҳидов “Тонг лавҳаси” шеърда куёшни ўзига хос тасвирлайди:

Уфқларга қўйиб гулдаста,
Тоғ ортидан кўтарди-да бош,
Пастга боқди чўққидан аста,
Олтин қалам тутган бир наққош²⁶.

Кўрамизки, шоир тонг тасвирини яратишда жонлантириш билан бирга қўллаган “олтин қалам тутган бир наққош” метафораси орқали ўқувчи тасаввурида куёшни уйғотмоқда. Айтиш мумкинки, бадиий нутқ образлилиги кўчма маъноли сўзларга асосланади. Сўзларни кўчма маъноларда қўллаш шеъринг нутқнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи воситалар бўлиб, нутқий ранг-барангликни таъминлаш, фикрнинг эстетик таъсирчанлигини кучайтиришни таъминлайди. Бадиий метафораларга хослик дастлаб оригиналлик ва индивидуаллик билан белгиланади, токи бу хусусиятлар бадиий метафоранинг нутқий вазифасини намоён этувчи жиҳатлардандир²⁷.

Маълумки, шўролар даври ўзбек адабиётшунослигида бадиий образга бир томонлама ёндашиб келинди. Айниқса, бадиий асарларда поэтик образдаги эстетик таъсирчанликдан кўра фақат ғоявийлик нуқтаи назаридан текширишга эътибор қаратилди. Шу боис ҳам бу давр ижодкорлари учун мажозий усул, эзоп тилидан фойдаланиш, рамз ва метафораларни қўллаш адабий ҳодисага айланди. Бадиий образ тури сифатида қаралаётган метафора, метафорик образ муаммосига илмий-назарий муносабат ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг 70-90 йилларида шакллана бошлади²⁸. Бу даврда яратилган тадқиқотларда асосан кўчим тури деб қараб келинган метафора бўйича “поэзияга хос образли ифода яратиш”²⁹ воситаси сифатида

²⁶ Воҳидов Э. Сайланма. 3-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.106.

²⁷ Умурқулов Б. Бадиий наср жозибаси. – Тошкент: Мухаррир, 2021. – Б.233.

²⁸ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 462 б.; Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978 – 238 б.; Акрамов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 183. б. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004. – 43 б. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси (рисола). – Т.: Ғ. Ғулом, 2003. – 72 б.

²⁹ Акрамов Б. Шеърят гавҳари. (Лирикада образ муаммоси) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.25.

назарий хулосалар чиқарилди. Мазкур давр ўзбек адабиётида, хусусан, шеърятда метафоранинг бадиий-эстетик функциялари кучайганлиги, шунингдек, “...ижтимоий муҳит эрксизлиги, сиёсий тузум тазйиқлари кучайган даврларда ҳам метафориклашув жараёни тезлашган”³⁰ини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигида метафора, метафорик образ муаммоси бўйича илмий-назарий тадқиқотлар яратилди³¹. Сўзнинг истиоравий кўчимига асосланган бадиий тасвир ва ифода ўта даражада фавқуллодлик касб этади, деб ёзаркан адабиётшунос олим Б.Саримсоқов метафорани яратилишига кўра икки турга ажратади: 1. Анъанавий метафоралар. 2. Индивидуал метафоралар. Олим анъанавий метафораларни халқ мулкига айланганини, ижодкорлар уларга тез-тез мурожаат қилишади, деб таърифласа, индивидуал метафоралар у ёки бу ижодкор томонидан илк бор яратилиб, унинг кўчма маъноси кўпчиликка тушунарли бўлавермайди”,³² дейди. Метафора оламни, дунёни шоирона идрок этиш... ижодкорнинг воқеаликка муносабатини кўрсатувчи поэтик ҳодиса³³ дея талқин қилинаркан, ундаги ўхшашлик асосида нарса-ҳодисаларга янгича ном бериш, янгича сифатлаш кўз олдимизда янгича суратларни намоён қилади. “Поэзия образли тафаккур қилиш ва образли ифода” бўлса, унда метафора қисқа ўхшатиш эмас, балки бадиий тафаккур механизми³⁴ га айланади. Метафоранинг функциялари кенгайганлигини ҳисобга олсак, мунаққид айтганидек: “метафора нарса-ҳодисани шунчаки атабгина

³⁰ Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърятининг медитатив табиати: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 5.

³¹ Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятда образлилик: Филол.фан.номз...дисс. –Тошкент, 2005. Мирзаева Н.Б. XX аср шеърятда метафорик образ муаммоси (Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърят мисолида): Филол. фан. докт...дисс. – Т., 2006. – 132 б.. Каримов О. Абдулла Орипов шеърятда метафорик образлар тизими. Филол. фанл.номз...дисс. – Тошкент, 2012. Кўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора. /“Sharq yulduzi”, 2011. №2. – Б. 158-161. Фазлиддинов Б. XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърят (Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор ва Рауф Парфи ижоди мисолида) Филол.фанлари бўйича фалс. док. (PhD) ил. дар. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 18.

³² Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент, 2004. – Б. 43.

³³ Мирзаева Н.Б. XX аср шеърятда метафорик образ муаммоси (Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърят мисолида): Филол. фан. докт...дисс. – Т., 2006. – Б. 23.

³⁴ Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеърятда метафорик образлар тизими. Филол.фанл.номз...автореф.– Тошкент, 2012. – Б. 10.

қўймайди, балки уни бошқа нарса-ҳодисага қиёсан тавсифлайди, онгимизда аталаётган нарса ҳақида жонли тасаввур –образ яратади. Таъкидлаш керакки, бу образ поэтик нутқдагина асл ҳолича, яъни образ сифатида қабул қилинади, нутқнинг бошқа кўринишлари доирасида эса унинг пировард мақсади номинация бўлиб қолаверади ва тушунча сифатида қабул қилинади”³⁵. Метафорик образ ўз табиатига кўра ҳаёт воқеалари кишилар ва уларнинг ўй-туйғуларига нисбатан аниқ ва жонли акс эттиришда муҳим аҳамият касб этади³⁶. Зеро, ҳар қайси ижодкор инсон ҳаёти ва унинг руҳиятига мос борлиқ ҳодисотларидан ўхшашликлар топади, янгича поэтик образлар яратишда метафорага мурожаат қилади.

Бадий образ сўз воситасида яратиларкан, метафорик образ сўзни ўз маъносидан кўчма маънода ўхшашлик асосида қўлланилишига асосланади.

Адабиётшунос Д.Қуронон талқинича “...бадий образга хос муҳим хусусиятлардан бири метафориклик саналади. Фақат бу ўринда “метафориклик”ни бирмунча кенг маънода тушуниш, уни ўхшашлик тушунчасининг ўзи билан боғлаб қўймаслик керак. Яъни метафориклик деганда бадий образнинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади. Санъаткор биз учун қутилмаган ички ўхшашликни инкишоф этадики, натижада ўша биз билган нарса-ҳодиса кўз олдимизда буткул янгича бир тарзда суратланади, ўзининг бизга ноаён қирраларини намоён этади”.³⁷ Жаҳон поэтикасида метафоранинг ўрганилиш тарихини чуқур текширган О.Каримов унинг бадий адабиётда маъно кўлами кенгайганлигига эътибор қаратиб, “биргина сўзни ҳам, матннинг бир бўлаги (мисра, банд, жумла, абзац)да ифодаланувчи образни, баъзан бутун бошли асарни ҳам тўлалигича метафора...кейинги икки ҳолни “ёйиқ метафора” баъзан “метафорик

³⁵ Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси.// Жаҳон адабиёти, 2014. №-8. – Б.187.

³⁶ Мирзаева Н.Б. XX аср шеърисини метафорик образ муаммоси (Гарсия Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърисини мисолида): Филол. фан. докт...дисс. – Т., 2006. – Б. 5.

³⁷ Қуронон Д. Адабиёт назарисини асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018. – Б. 94.

образ”³⁸ деб аниқлаштириб олади. Демак, бадий образнинг икки ёқлама хусусияти (конкрет ва умумийлик)дан келиб чиқиб, образларни аниқ ва метафорик турларини қайд этиш мумкин. Метафора шеърятнинг асоси сифатида қараларкан, унда умумлаштириш кучлилигини Иззат Султон ҳам қайд этади³⁹. И.Қурбонбоев мустақиллик даври адабиётида, хусусан, ўзбек шеърятинида метафоранинг бадий-ғоявий вазифалари ҳақида “кечинманинг фалсафий қамрови – туйғулар чексизлигини белгилаш, сиқик, равон ва аниқ, бадий ифодани шакллантириш, сўзнинг ҳиссий кўлами – оҳангдошлик, бўёқдорлик, таъсирчанликни таъминлашда муҳим” деб ёзади⁴⁰.

XX аср ўзбек шеърятинида метафорик образ муаммосини ўрганган тадқиқотчи Н.Мирзаева ўзбек шеърятинида метафорик образнинг ранг-баранг қирраларини Ғарб шеърятини таъсирида намоён бўлмоқда, дея фикрлайди⁴¹. Тадқиқотчи объектидан келиб чиқарган бундай хулоса ушбу давр шеърятининг халқ оғзаки ижодидан сув ичганини, давр ва ижодкор масаласига эътибор қаратмаганини кўрсатади. XX аср 70-йиллар ўзбек шеърятинида маълум бир поэтик мақсад ифодаси, даврнинг ижтимоий масалаларини ёритиш, Эрк ва ҳақиқат ғояларини куйлаш учун фольклор материалларидан ижодий фойдаланиш, ёзма адабиётнинг халқ оғзаки ижоди билан стилизация қилинганлиги кузатилади. Шакл ва мазмунга хос бундай ўзгаришлар поэтик образларнинг янгиланишида ҳам яққол кўзга ташланади. Шоир Абдулла Орипов ҳам бу даврда ёш шоирларнинг “халқ оғзаки ижоди манбаларига мурожаат этишлари ...самарали бўлмоқда”,⁴² – деб ёзади. Бу давр шеърятинида анъанавий ва индивидуал метафоралар халқ оғзаки ижоди, мифология, ижодкорнинг борлиқни тасаввур қилиш ва уни тасвирлаш услуби билан боғлиқ юзага келган. XX асрнинг 70-йиллари ижод

³⁸ Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеърятинида метафорик образлар тизими. Филол.фанл.номз... ..автореф – Тошкент, 2012. – Б. 10.

³⁹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 227.

⁴⁰ Қурбонбоев И. Метафоранинг ғоявий-бадий вазифалари. Тил ва адабиёт.2005.№1. – Б. 166.

⁴¹ Мирзаева Н.Б. XX аср шеърятинида метафорик образ муаммоси (Ғарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърятини мисолида): Филол. фан. докт...дисс. – Т., 2006. – Б. 7.

⁴² Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б. 44.

оламига кириб келган шоир ва ёзувчилар ижодида тоталитар тузумнинг ижтимоий манзараларини ёритиш, эрк ва истиқлол ғояси, миллат ва ватан ҳақиқатларини ёзиш учун фольклорга мурожаати кучайиши бунинг асосий омилларидан эди. Зеро, “истиорларда халқ руҳи ўзининг янаям чуқурроқ ифодасини топади”⁴³.

Истиқлол даври шеърлятида медитативликни текширган Г.Эрназарова бу ҳақида шундай ёзади: “...метафора майдонга келиши учун уч нарса зарур бўлади: биринчиси, реал воқелик; иккинчиси, диний, мифологик, хаёлий тасаввурлар тизими; учинчиси, шоир, муаллиф субъекти”⁴⁴. XX аср жаҳон адабиётида рўй берган адабий ҳодисаларга назар ташласак, машҳур ва илғор ёзувчилар аргентиналик ёзувчи Хоре Луис Борхес (1899-1986), испан шоири ва драматурги Федерико Гарсиа Лорка (1883 – 1936), олмон адиби Франц Кафка (1883 – 1924), бразилиялик ёзувчи Пабло Коэло (1947 йилда туғилган) ва рус шоирлари Александр Александрович Блок (1880–1921), Сергей Александрович Есенин (1895 – 1925), Анна Ахматова (1889-1966), хитой адиби Лу Син (Чжоу Шужэн) (1881 – 1936), ҳинд адиби ва шоири Робиндронатх Тҳакур (1861 – 1941), турк ижодкорлари, жумладан, Ризо Тавфиқ Фикрат (1869-1915) ижоди жаҳон бадиий тафаккури даражасини белгилаб берган, ўз халқи миллий адабиётини ривожлантиришга, адабий оқим ва йўналишлар хилма-хиллигига, бадиий тафаккурида реал воқеликнинг турли мажозий ва рамзий талқинларининг юксак намуналари яратилишига ўз вақтида катта таъсир қилди. Мазкур давр адабиётида юзага келган метафора ҳодисаси Шарқ поэтикасига хос бўлган мажозийликнинг янгиланган кўринишларидан эди. Зеро, “Метафора, рамз, тимсол – адабиётнинг яшаш имконидир”⁴⁵.

Инсон фикрлашни бошлаган ибтидоий даврлардаёқ унинг борлиқ ва ундаги воқеа-ҳодиса, нарса ва инсонларга бўлган муносабатида метафорик

⁴³ Парандовский Ян. Сўз кимёси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – Б. 236.

⁴⁴ Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърлятининг медитатив табиати. Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 27.

⁴⁵ Назар Эшонкул. Мендан “мен”гача. /Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2014. – Б. 297.

тафаккур тарзининг илк куртаклари мавжуд эди. “Инсониятнинг мифларни ижод қилиш қобилияти унинг борлиқни тушунишга бўлган астойдил интилишларини исботлайди, ваҳоланки, мифлардаги мавжуд образлар одамзотнинг яхшилик ва эзгуликка нисбатан қайсидир маънодаги жавоби хамдир. ...Метафора мифологик дунёқарашни изоҳлашда фаол иштирокчи, мифик тасаввур эса, рамзларсиз шарҳланмайди”.⁴⁶

Ўзбек адабиётшунослигида Усмон Азим ижодининг турли қирраларини очиб беришга қаратилган ишлар амалга оширилган. Бирок ҳали шоир ижодини ўрганилмаган қирралари, очилмаган сир-асрорлари жуда кўп. Унинг шеърлятида метафора масаласига айрим адабиётшуносларимиз томонидан шоир ижоди, айниқса, бадиий маҳоратига бағишланган илмий мақолаларда⁴⁷ тўхталиб ўтилган бўлса-да, кенг планда монографик тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу жиҳатдан қараганда, ўтган асрдп “жаҳон адабиёти поэзиясидаги каби ўзбек шеърлятида ҳам ижтимоий-публицистик руҳ бадиий-фикрий теранлик билан қўшилиб, янги ўзанларга юз бурган 70-йиллар” ўзбек шеърлятини юқори ракурсга олиб кирган шоирлар ижодида метафорик образларнинг ёрқин ифодаси кўзга ташланади. Бу айниқса, Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Усмон Азим шеърлятида алоҳидалик касб этади. Шоирнинг поэтикаси замонавий ўзбек шеърлятида катта бир хазинани ташкил этади. Шоир шеърляти поэтик образлар жиҳатидан ранг-баранг. Айниқса, метафорик образларни

⁴⁶ Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. –Тошкент: Чўлпон, 2018. – Б. 4.

⁴⁷ Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – .; Ғафуров И. Оҳанграбо қаерда?// Ўзбекистон маданияти. – 1979 йил, 13 февраль. Шуқуров Н. Сўз сеҳри – шеър меҳри. – Самарқанд, 1992; Ҳаққулов И. Ғуссали юрак – ёлқинли юрак // ЎзАС, 1996 йил, 11 октябр.; Ғафуров И. Салом чирок!Салом Усмон! // 2010.27.04. Каримов Н. Некбин руҳ, ҳаётсевар ғоя. // ЎзАС, 2010. 19 ноябрь, № 47.; Абдуллаев А. “Шеъримда узок бир ишқнинг шарҳи бор”(Усмон Азим.. ижодига чизгилар...) // Шарқ юлдузи. 2010. №1. – Б. 172-177.; Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 31-34. Солижонов Й. Уйғониш ва уйғотиш истаги. // Шарқ юлдузи. 2009. № 2. – Б.154-156.; Ризаев Ш. Қийноқ сенга бўлсин шараф // Шарқ юлдузи. 2010. №6. – Б. 154-162. Йўлдошев Қ. Туйғулар хайқириғи. // Гулистон, 2010, №4.; Йўлдошев Қ. Кўнгил юксакликларида:// ЎзАС, 2020 йил, 9 октябр. №39. Солижонов Й. Покиза ниятнинг нурли йўллари. // Кўзгудаги ҳаёт: адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013. – Б. 84-95. Муллаҳўжаева К. Юракнинг аъмоли. // Усмон Азим.. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2016. – Б. 3-29. Тошбоев О. “Шоирлари ёлгон айтса ўлади эл” /Усмон Азим.. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 3-23.

таҳлил ва тадқиқ қилиш ўзбек адабиёти ўқувчилари ва кенг омма учун ибратлидир.

Халқимиз ўтмишини, миллий қадрият, урф-одатларини асрлар оша авлодларга етказиб беришда фольклор дурдоналарининг ўрни бекиёсдир. Ёзма адабиёт билан фольклор ўртасидаги ижодий алоқалар ўзига хос бадий анъана бўлиб, муайян эстетик қонуниятлар доирасида кечадиган жараёнлир. Бу ижодий алоқалар натижасида халқ оғзаки ижодиётида юзага келган кўплаб сюжет, мотив ва образлар, мавзу ва бадий деталлар ёзма адабиётга кўчиб, ижодкор бадий нияти ва поэтик иқтидорига боғлиқ ҳолда ўзига хос тарзда талқин қилина бошлайди⁴⁸. Усмон Азим ижодининг асосини халқ оғзаки ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир ижодининг дастлабки йилларидаёқ халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналари бўлган дoston ва эртаклардаги фольклор мотивларига мурожаат қилди. Шоир шеърятининг манбаларидан бири Она табиат бўлса, иккинчиси халқ оғзаки ижодидир. Шоирнинг “Бахшиёна” туркуми – халқ дostonлари, “Чапани ёхуд жайдари шеърлар” – халқ кўшиқлари, “Алпомишнинг қайтиши” (драма) – “Алпомиш” дostonи, “Тош пари”, “Балладалар”и (“Сайланма” 1995 йилда нашр этилган китобига киритилган 15 та баллада)га эртак мотивлари асос қилиб олинади.

XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърятинида уч авлод етакчилилик қилди: 1) Гафур Гулом мансуб авлод, 2) Э.Воҳидов мансуб авлод, 3) Усмон Азим мансуб авлод.⁴⁹ Шоир ўзбек шеърятинида қатор новаторликка кўл урдики, булардан бири унинг ижодида поэтик жанр ва образлар хилма-хиллиги бўлса, иккинчидан, фольклор анъаналаридан фойдаланиб, халқ оғзаки ижодидаги жанр ва образлар стилизацияси ҳамда “бахшиёна” руҳнинг юксак бадий ифодаси, шунингдек, фалсафий интеллектуаллиги ҳам ана шу

⁴⁸ Жўраев М. Нарзуллаева М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 6.

⁴⁹ Шаропова Л. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятини бадий тараққиётида фольклор. Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Бухоро, 2019. – Б. 11.

бахшиёна услубининг ҳосиласи⁵⁰ эканидир. Бахшиёналик, ундаги ўйноқлик, соддалик билан бирга у яратган образлар халқ руҳига янада яқин бўлди. Шоир услубидаги бу ўзига хослик ўзбек шеъриятида янги бир йўналиш яратилишига туртки бўлди. Унинг бу услуби “...Миртемир келиб тўхтаган нуқтадан бошланади”⁵¹.

Шоир шеърларида туғилган шахри Бойсуннинг бетакрор ва гўзал табиат манзаралари, унда кечирган болалик ва ўсмирлик дамларининг хотиралари ҳамда бу юрт доврўғини дунёга танитган “Алпомиш” достони, мард ва олийжаноб бахшилар образини акс этади. ...“Бахшиёна” деган сўзнинг ўзиёқ, ўқувчи хаёлини узун тунлар дostonлар куйлайдиган, термалар тўқийдиган бахшиларнинг ижоди томонга йўналтиради⁵². Тили ҳақгўй ва жўн, қалби иймонли ва ғурурли, феълида шижоат ва қайсарлик устувор Элбек бахши образи шоир ижодининг юксак чўққисидир. Халқнинг чинакам жонкуяри бўлган Элбек бахшининг маслаги “Ҳақ деб куйлаш!” Зеро, шоир Ҳақ ва адолат ғояларини айни шу образ орқали истифода этади. Халқ дардини, Ватан тақдирини ёниб куйлаган шоир, унинг тилидан ўқувчига Ватанни танитишни, уни илк бор ҳис этишни ва жондан севишни ўргатади. Бахшиёна услуб ва дoston мотивларининг янги талқини Усмон Азим шеъриятида фавқулодда кутилмаган янги сифат ўзгаришлари ва оригиналликни вужудга келтирган бўлса, афсонавий улуғ юрт – Бойсун “шоир шеърларининг бир лейтмотиви”⁵³ га айланди. Унинг болаларча “Кўрдим. Кездим. Бу дунёда Бойсундай жой йўқ экан”, – дея беғубор мақтаниши бежиз эмас. Кўплаб шеърларида Бойсунни мадҳ этган шоир “Хотирам Бойсунда...” деб бошланувчи шеърда бугун ўзгарган Бойсун қиёфасини “Усмон Азимнинг шеърларига кетгандир бу хотиранинг

⁵⁰ Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеъриятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим., Икбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Кутбиддин шеърияти мисолида) Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б. 17.

⁵¹ Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий изланишлар (У.Азим ижоди мисолида). НД. Т., 2000. –Б 48-49.

⁵² Пардаев З. Истиқлол даври шеъриятида халқона пафоснинг янгилиниши. Филол. фан. ...фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 33.

⁵³ Усмон Азим.. Танланган асарлар. // К.Муллаҳўжаева. Юракнинг аъмоли. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016. Ж. 1. – Б. 15.

Бойсуни”⁵⁴ метафорасида ифодалайди. “Унинг Бойсун манзаралари акс этган ёки Элбек бахши айтганидек ҳайқириб ўқиладиган шеърларидаги шашт ҳам ўқувчининг дилига кўчади ва селдай шиддат қошида шошиб қолади”.⁵⁵ “Менинг Бойсунимда туғилар булут...” шеърида ана шу руҳ ўқувчи қалбидан чуқур жой олади:

Менинг Бойсунимда тентакдир баҳор,
Селларни қувади сойдан ошириб.
“Эна” деб Алпомиш келар ҳар наҳор,
Эртақлар улашар дилга бош қўйиб⁵⁶.

Шоир лирик қаҳрамон қалбидаги ҳис-кечинмаларни кўчимлар воситасида ниҳоятда гўзал ҳамда таъсирчан ифодалайди.

Фольклорнинг йирик жанри бўлган “...достонлар шунчаки бадиий асар эмас, балки халқнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тафаккур тарзини ўзида мужассам этган миллий қомус ҳамдир. “Алпомиш” достони нафақат ўзбек, балки дунё достончилигида алоҳида мавқега эга, тарихий асослари қадимий, бадиий жиҳатдан юксак эпик ижод намунаси ҳисобланади”.⁵⁷ Шоирнинг адабиётга бўлган дунёқарашини, сўзга муносабатини, бадиий-эстетик маънавиятининг шаклланишида бу достоннинг таъсири беқиёсдир. Халқимизнинг миллий руҳи, дунёқарашини, турмуш тарзи, қадриятлари, фалсафасини ўзида мужассам этган мазкур достонни шоир ниҳоятда пухта ўрганди ва уни собиқ шўролар тузуми давридаёқ ўз шеъриятига сингдира бошлади. Шоир шахси ва ижоди эътирофида ҳам у достон бош қаҳрамонига қиёсланади: Бойчибор бўлмаганида Алпомиш бўлмаганидек, шеърият бўлмаганида Усмон Азим ҳам бўлмасди. Алпомишдек қудратга эга бўлган, халқ баҳодирига илдиз бўлган, унинг мардлигини дилига кўчирган уйғоқ шоири – Усмон Азими

⁵⁴ Усмон Азим Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 155.

⁵⁵ [https:// telegraf.uz](https://telegraf.uz) Шодмонкул Салом.Тоғ бошига қор тушибди қор. // Эссе. – 2019, 26 октябрь.

⁵⁶ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001, – Б. 167.

⁵⁷ Жаббор Эшонкул. Фольклор миллатнинг боқий тарихи /Суҳбатдош: Г.Мўминова. Ёшлик. Тошкент, 2014. №-8.

бор⁵⁸. Маълумки, унинг илк ижодидан то ҳозирги кунгача яратилган шеърларидаги образлар тизимида дoston бош қаҳрамони Алпомиш алоҳида ўринга эга. Унинг насрий ва драматик асарлари каби шеърларида ҳам дoston руҳи, Алпомиш ва Барчин образлари чуқур сингиб кетган. Таъкидлаш жоизки, шоир шеърларидаги метафорик образларнинг кўлами ва омили сифатида биринчи ўринда “Алпомиш” дostonини айтиш мумкин. (Биз буни кейинги фаслимизда батафсил ёритиб ўтамыз).

Анҳорнинг ранги – синик,

Осмон баланду тиник.

Гўдак куз боғда хомуш.

Август билмайми-билиб,

Ёзги шаробга тўйиб,

Чоҳга тушган Алпомиш.

Зар тортади илк барглар,

Тўлиб боради дардлар,

Юрагим – **ярадор ғоз,**

– Қайдасан? – Бу шўр жарчи

Эҳтимол **Барчин?**

– **Барчин!**

Йўқотмоқ кузакка хос....⁵⁹

Шеърнинг дастлабки бандида дoston бош қаҳрамони **Алпомиш**, иккинчи бандда Бойсун-қўнғиротни хатардан қутқариб, хатни етказган **ғоз** ва **Барчин** тимсоли метафорик образ яратишга хизмат қилган. Куз манзараси тасвирланган ушбу шеърда шоир ўзига хос оригиналликка эришиш учун дoston қаҳрамонлари орқали табиат ва инсон ҳаётини муқояса қилади. Вақт ўтиши асносида инсон умр поёнини сезмай қолиши – “**Чоҳга тушган Алпомиш**”, яшаб ўтилган бу умрнинг афсусу ўкинчлари – “юрақдаги дард” дostonдаги “ярадор ғоз” ва “Барчин” ҳолатига қиёс

⁵⁸ Умурув Ҳ. Эҳтиёж тафти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 53.

⁵⁹ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Фафур Фулом, 2003. – Б. 28.

қилинади. Метафорик табиатга эга мазкур шеър ўқувчига шоирнинг дoston воқеаларига асосланган “Тонг отган тарафларда” драмаси ҳамда “Ғоз” ҳикоясидаги воқеаларни ёдга солади. Унинг “Гўрўғли ва Алпомиш” шеърида Чамбил юртига эгалик қилган халқнинг доно сардори Гўрўғли, Қўнғирот элини қалмоқ зулмидан озод қилган Алпомиш жасоратини метафора тарзда қўллайдики, улар орқали халқни бирлаштируви катта куч юртпарвар, одил, адолатли юрт сардорига эргашиш экани таъкидланади.

Бир зўр берган — чекинар тақдир,
"Худо" дегин — пирларинг кўпдир..
Гўрўғлисиз эл бўлмас, ахир,
Алпомишсиз мамлакат йўқдир"⁶⁰.

“...мажозий, тимсолли образлилик ҳақ сўзни айтишнинг, воқеликни рамзлар воситасида реалистик идрок этишнинг шаклларида бири”⁶¹ – деб ёзади адабиётшунос Н.Раҳимжонов. Шоир ижтимоий ҳаёт манзаралари тасвирланган шеърларида мажоз дунёсига бой эртақлардаги сюжет ва образлар асосида метафорик образлар яратди. Масалан: жаҳон халқ эртақларида кенг тарқалган ойна (кўзгу) мотиви асосида шоир “Подшоҳ ғазабланди...” деб бошланувчи шеърида қийшиқ ойна метафорасини яратади. “Тўғри ойна”ни синдирган подшоҳга уста “қийшиқ ойна” тақдим этади: “Ҳамма енгил тортар. Ҳукмдор хурсанд. *Қийшиқ юзларида Қийшиқ табассум*”. Шеър номланмаган бўлса-да, шоир “Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама” халқ мақолини эпиграф қилиб келтиради.

Хотира қийшиқдир,
Ўй-хаёл қийшиқ,
Юраклар қийшайган
Қибла қийшайган
Ҳатто қийшиқ қилиб айтилар қўшиқ,
Шиор: “Тўғри юрма!

⁶⁰ Усмон Азим. Сайланма.-Тошкент:Шарқ, – Б.412.

⁶¹ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 64.

Чалкаштир!

Айлан!⁶²

Қийшиқ ойна метафораси ҳақиқатни кўрмаётган, юқоридан туриб буйруқ берувчи тузумнинг алдовларига ишониб қолган айрим амалдорлардаги худбинликни фош қилади. Ёлғондан иборат бўлган шўролар сиёсий тузумининг халқ бошига ёғдирган аёвсиз кулфатлари нафақат “қийшиқ юзларида”ги “қийшиқ табассум”ли подшоҳнинг сохтакор ғоялари, тўғри “ойналарни синдириб ташлаш”и, “қийшиқ қилиб айтилар кўшиқ” ва “қийшиқ шиор” каби метафораларда аниқ намоён бўлади. Юқорида келтирган таҳлиллардан намоён бўлмоқдаки, метафорик образ шоир шеърларида поэтик мазмунни ифодалаш воситаси бўлибгина қолмай, унинг ижодий манерасини белгилашда ҳам муҳим жиҳат эканини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср жаҳон шеърятининг адабий ҳодисаси бўлган метафорик образлар Усмон Азим шеърятида ҳам етакчилик қилади. Шоир шеърятида метафорик образларни юзага келтирган омил сифатида халқ оғзаки ижодини кўрсатиш мумкин. Халқ дostonлари ва эртаклардаги образларнинг метафора асосида кўчирилиши, ижодкорнинг давр манзараларини тасвирлаш, эрк ва озодлик ғояларини ифодалашга хизмат қилади. Бу эса ижодкорнинг ички “мен”и, тафаккур тарзи, маслак ва эътиқоди, ҳаётда тутган принципини ифодалаш билан бирга унинг бадиий-эстетик концепциясини ифодалаган.

1.2-§. Анъанавий образларнинг метафориклашуви

XX аср ўзбек шеърятига назар ташлаганимизда метафорик образларнинг таркибий хусусиятлари мумтоз шеърятимиз анъаналарига яқинлиги ва уларни ривожлантириш йўлидан борилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин⁶³. Атоқли адабиётшунос Наим Каримов бу давр ҳақида

⁶² Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 222.

⁶³ Мирзаева Н.Б. XX аср шеърятида метафорик образ муаммоси (Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеъряти мисолида): Филол. фан. докт...дисс. – Т., 2006. – Б. 8.

шундай таъкидлаб ўтади: “Ўзбек мумтоз шеърятининг энг гўзал намуналари ажойиб поэтик топилмалари, чуқур маъноли образлари, ташбеҳлари, мусикий наволари билан товланиб туради. XX асрнинг 20-йилларида мумтоз аруздан замонавий бармоққа ўтилганда, ана шу рангинлик “феодал давр лирикаси”нинг белгиси сифатида шўро даври шеърятига йўналтирилмади. Чўлпон соф лирик туйғу билан йўғрилган шеърларида шу рангинликни таъминловчи айрим поэтик унсурларидан маҳорат билан фойдаланди. Ойбек Чўлпон анъанасини давом эттириб, истиорани ўз лирикасининг рангинлигини белгиловчи муҳим воситага айлантирди. Орадан бир қанча йиллар ўтиб, “соф лирика”га қарши кураш алангалари сўнгач, дастлаб Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, сўнгра Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азимлар авлоди ўзбек шеърятдаги фикр ва туйғу ифодасининг нафислашишига ёрдам берувчи тасвир усули ва воситаларига кенг мурожаат этди. Рауф Парфи ва Усмон Азимнинг шу борадаги изланишлари натижасида истиоранинг ўзбек шеърятдаги бадиий вазифаси беҳад даражада ошди”⁶⁴. Шоир шеърятдаги образлилик, мумтоз назмимиздаги қатор анъанавий образларнинг метафориклашуви унинг ижодида ўзининг турли қирраларини намоён эттиради. Мумтоз шеърятимизда кенг истифода этилган гул истиораси гўзал ёр, дилбар маъшуқа маъносида қўлланилгани маълум. Усмон Азим ҳам мазкур анъанавий истиорадан унумли фойдаланади. “Баҳор тўла гуллар эди...” деб бошланувчи шеърда “Бир гулни суйдим...” деб ёр сўзи ўрнида очик истиора қўллайди ва мазкур истиора орқали ўқувчига ёрнинг аҳволидан тасаввур уйғотади: “Қовжиратди гул жисмини ҳижроннинг ёзи”⁶⁵. Ёрнинг айрилиқ азобидаги ҳолати гулнинг қовжирашига қиёсланмоқда. Кўринадики, шоир шеърларида гул истиорасини фаол қўллаб, у орқали ёшлик, муҳаббат, ҳижрон туйғуларини ифодалашда мумтозларимизга хос бадиий гўзал тасвирлар яратади: “Эй, гул қачон келиб кетдинг?

⁶⁴ Каримов . Некбин руҳ, ҳаётсевар ғоя. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. 19 ноябрь, №-47.

⁶⁵ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарк, 2018. – Б. 7.

Тушларимда ғубордайсан. Баҳор ўтди, Нечун менга бўйларингни юборгайсан?”⁶⁶.

Мумтоз шоирларимиз кўп қўллаган “**чоҳ**” сўзи шоир шеърларида метафорик кўчим сифатида ишлатилган. “Чоҳ” ўз маъносида “зиндон”, “ўра”, “чуқурлик” ва шу билан бирга инсонлар томонидан атайлаб қилинган сунъий жойдир. Улуғ форс шоири Ҳофиз Шерозий дунёни айшу лаззатига (запахдон) интилаётган кўнгилга насиҳат қилиб, бу йўлдан қайт, унда чоҳ (инсонга қўйилган тузоқ) бор, унга тушсанг қутулишинг қийин, солиҳ учун эса унга тушиш бор йиққан-терганидан ажрашишдек гап, дея насиҳат қилади:

Югурма олма запахдонга, **чоҳ** йўл устидадир,
Қаён борурсан, эй кўнгил, бу хил шитоб қаён?⁶⁷

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий мазкур “сўз”дан кўплаб поэтик фикрларни ифодалашда кенг фойдаланган. Шоирнинг лирик қаҳрамони шом тушиши билан ёр соғинчида ёна бошлайди, “У”нинг кўринмаётганидан парвонадек жони ҳалак, тун келиши билан осмонлар юлдузларга тўлаяпти, куёш ҳам отини миниб қўздан қочди, энди у баттар ёлғиз, тинмай “куёш”ининг келишига интиқ, бир лаҳза унинг нурларисиз қолиш азоб, борлиққа чўккан зулмат эса жаҳонни бир (қоронғи) **чаҳга (чоҳ)** айлантириб қўйди, у бу зулматда “ёруғ”исиз ўлар ҳолатда, шундан уни соғинчи янаям ортмоқда, шу сабаб ёрига мурожаат қилиб, Хизр каби менга йўл кўрсат, ул “оби ҳайвон”ингдан бир қултум бер, дейди:

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, куёш ҳам тушди ашҳабдин,
Келиб тушмасму маркабдин менинг хуршиди рахшоним.
Жаҳонни зулмат этти **чаҳ**, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним⁶⁸.

Усмон Азим шеърятига бу образнинг кириб келиши “Алпомиш” достони билан ҳам боғлиқ. Маълумки, Алпомишни душманлари банди

⁶⁶ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарк, 2018. – Б. 177.

⁶⁷ Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. – Тошкент, Шарк, 2006. – Б. 34-36.

⁶⁸ Алишер Навоий. Бир пари пайкар ғами. – Тошкент: Шарк, 2006. – Б. 52.

килиб чоҳда сақлайди. Шоирнинг “Чоҳда чириб ётмасанг – Алпомишлик кайдадир?” деган мурожаатида “чоҳ”нинг ўз маъноси, яъни зиндонлиги тўғридан-тўғри англашилади ва ўз-ўзидан бу образга нисбатан китобхонда ёмон таассурот уйғонади.

Занжирларни уздим,
Ғулларни буздим.
Охир **зиндон**ни ҳам айладим вайрон.
Эркин ҳаво билан ҳур базм қурдим –
Ўйнадим беармон,
Кулдим беармон...⁶⁹ –

деганида эса лирик қаҳрамон чоҳда эмас, у озодликда юрибди. Унда қандай килиб, у йўқ занжирларни узди, ғулларни бузди, “зиндон”ни эса вайрон қилди? Унда бу “йўқ, кўринмас” зиндон қаерда? Бу зиндон (чоҳ) унинг ичида, яъни қалбида. Шоир зиндон, яъни “чоҳ” истиоравий тасвири орқали жамиятдаги кишилар ўзидаги энг ёмон иллатларни кўпориб ташлашни, бу ёмонликларнинг илдизи эса ташқарида эмас, инсон ботинида (зиндон) эканлиги ва унинг руҳиятидаги “чоҳ”ни вайрон қилишликни тарғиб этади. Бундай “вайрона”дан кейингина инсон “тоза ҳаво”га чиқиши, руҳ озодлигига эришиши мумкинлиги таъкидланади.

Шафқат танни забт этди-олди,
Чоҳдан чикди ҳамма сўзларим⁷⁰.

Мазкур мисраларда шоир “чоҳдан чик”қан “ҳамма сўзлар”и орқали Истиқлолга эришганимиз, Мустақиллик ижодкорга берган сўз эркинлиги, ҳақиқат ва ростликни куйлаш мумкинлиги ҳақида ёзади. Чунки мустабид тузумда “ёлғонлар” улуғланиб, “чин сўзлар” “чоҳ”га солинди. “Чоҳ” метафораси шоирга даврнинг ижтимоий манзараларини ифодалашга хизмат қилган. Унинг лирик қаҳрамони Эрка йўл излайди ва ўзлигини топишга

⁶⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 382.

⁷⁰ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 158.

уринади, қалбини “пок”лаб, ҳақиқатга етган озод инсон қалбидаги эврилишлар суратини **чоҳ** (зиндон) метафорасида ифодалайди:

Оғир дардлар ўтди юракни тешиб!
Йўл қурдим юракка – руҳимни эшиб,
Қандай асир эдим ўзлик **чоҳи**да –
Охир бу **зиндон**дан топдим бир эшик,
Чикқани кўнгилнинг чексиз роҳига...⁷¹

Шоир инсон умри қиёсини “чоҳ” метафорасида келтиради: “Умр – чоҳдир! Узун **чоҳ!**” Шоир бутун бир инсоният, балки бутун борлиқнинг эгаси бўлмиш ягона “Аллоҳ”га бўлган ишқини, унга бўлган меҳрини, унинг хаёлида туйган ҳолатини, ишқини шу билан бирга давр ҳақиқатини чоҳ сўзининг турли кўчма маъноларида беради. Шунинг учун шоир ижодида бу “сўз”нинг ўрни беқиёс.

Мумтоз шеърятимизда маъшуқа камон қошини қиёслашда неча минг асрлардан буён **қилич** тимсоли қўлланиб келинган. Шоир ушбу анъанани давом эттиради: “Қошингни чимирдинг...энди роҳат йўқ, Қошларинг – қадимги **ханжар** – қайрилма”⁷². Мазкур анъанавий образнинг **пичоқ**, **тиғ** каби кўринишларига шоир янгича маъно юклаб, у орқали истибдод зулмини кўрсатишда фойдаланади:

Дўстларимнинг азиз бошида
Айланади **қилич** сояси – ...
...Қайрилади ғаюркор **тиғлар**.
Бузилади ғаним матлаби⁷³.

У ижодкор қалбидаги улуғвор вазифасини кўрсатишда ана шу метафора имкониятларидан фойдаланади. “Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак, Қалбга санчиб шеърятнинг **пичогини**”.

Алишер Навоий “Ўн саккиз минг олам ошуби...” матлаъли ғазалида:

Тан анга сийму ичинда **тош** музмар кўнгилдин,

⁷¹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995., – Б.233.

⁷² Усмон Азим. Коллаж:Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 148.

⁷³ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 233.

Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичи тошиндадур⁷⁴ –

мисраларида **тош** сўзининг турли маъно жилоларини кўрсатиб берган. Ёрнинг танаси шундай кумуш ва гўзалликдан тузилганки, ҳар кўз тушганда қаҳрамонни юз жабру жафога гирифтор қилади. У қанча зебо бўлмасин кўнгли **тош**дек қаттиқ, “ул **ой**”нинг барча ниҳонлиги (сири) ана шу **тош** калбида. Бобур Мирзо тақдир тошларидан шикоят қилиб, ёзади: “Ғайр тоши захмидан дардимни изҳор этмадим, Ичташ пинҳон ғамим тоштин намудор этмадим”⁷⁵.

Усмон Азим шеърлятида **тош** анъанавий образи ўзига хос тарзда истиоралашиб боради. Унинг шеърларида “тош”лар бироз бошқача, умуман “девор орқасида”ги манзараларга ўтиб кетади. Ўз маъносида одатда тошлар мавжудликнинг жуда кўп қисмини ташкил этиб, уларнинг ҳам “дунё” умрида ўз “восита”чилик ўрни ва вазифаси бор. Ундан уй қуришади, девор кўтаради, рақибга захм етказиш учун уни отади. Хуллас, ҳаётимизда унинг ўз ўрни бор. Шоир замондошларининг бефарқ ва лоқайд қиёфасини яратишда уни қуйидагича кўчма маънода қўллайди: “Кўкрагимдан келиб босади, **Тош** тунларнинг бефарқ **тошлиги**”⁷⁶. Айрим инсонлар борки, улар ўз атрофида бўлаётган воқеаларга бефарқ қарайди.

Кўпинча отилган “тош”лар ҳамиша ёмон, ғийбатчи, тубан инсонлар томонидан яхшиларга қарата отилиб, уларга кўп зиёнлар етказди. Тарихимизда Ҳазрат Навоийга Маждиддин ва унинг одамлари томонидан отилган “тошлар” каби. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўтган асрнинг 60-йилларда бу тошлар ҳақида қуйиниб: “Хушёр бок, то фоний умр кечади, Тегрангда турфа хил тошлар учади. Бири қора ҳасад ё ғараз тоши, Бири ёвуз тухмат, ё мараз тоши”⁷⁷ деб ёзади. Шоир Усмон Азим эса “тош” отади. Унинг отган “тоши” ҳижрон эмас, ғийбат эмас ёки бирор ёмонлик учун эмас, балки “Ҳақиқат” учун отилган “тош”. Халққа раҳнамо султонлар ҳақиқатни четга суриб, элни алдаб, ўз манфаатини ўйлаётган бўлса, у

⁷⁴ Алишер Навоий. Бир пари пайкар ғами. – Тошкент, Шарқ, 2006. – Б. 16.

⁷⁵ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 39.

⁷⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 219.

⁷⁷ Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1987. – Б. 345.

“қуёш”га “Ҳақиқат тош”ларини отаман, агар у гуноҳкор бўлса, “тош” қайтиб тушмайди, осмон бундан ғазабланиб, “тош”ни қайтариб отса, отсин, ундан кўркмайман, чунки ҳақиқат мен томонда, қолаверса, бу бошим тоғлардан улкан, дейди:

Осмонга ҳам отгум **тош**,
Гуноҳкор бўлса қуёш.
Гуноҳкор бўлса қуёш,
Қайтиб тушмагайдир **тош**⁷⁸.

Шоир “Эллик йил аввал ҳам у чечан эди...” деб бошланувчи шеърида лирик қаҳрамоннинг сотқин, чақимчи, лаганбардор қиёфасини ўқувчига тош метафораси орқали таништириб боради:

Шошиб борар эди чайқар эди бош,
Кимни эслатишса отар эди тош⁷⁹.

“Абдулла Қодирийни миллатчи” деган, Ойбекка “йиғлоқи” деб унвон берган, касбини ўзгартирмаган “туҳматчи, сотқин” “Энди тошларини пусиб отади”. “Кечаси мўйловдор суратга боқмай, Эски қоғозларни” титиб турганда кўрамизки:

Сурат-чи буюрар шошилмай эркин,
– Қани, **тошларинг**ни қайтариб бергин.
– Йўқ, дейди у одам, – Керак ўзимга!
Сўнг **отар тошлар**ни сурат юзига.

Ҳаётда ҳар бир киши бу дунёнинг “дала”сига нимадир экади, ундан келажакда нимадир кутади, шоир лирик қаҳрамони эса “**тошга юрак экади**”. “Кимлар нима экди – Оллоҳу қисматнинг измида эркин?.. Парча ер топмадим мен нолаларга – **Тошга юрак** экдим”. У тошнинг бежону беруҳ ва шу билан бирга қаноатда тенги йўқ умрига ҳавас билан қарайди, айниқса, ҳаётнинг равишига тиз чўкмайдиган кучига, унга берилган бурчни бемалол бажараётганига қараб ҳайратланади.

⁷⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 15.

⁷⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995, – Б. 228.

Экилмаган ниҳол – ҳамиша аза!..
Менинг ҳам қолмади ўзимда эрким,
Таваккал ғуссадан ясаб хулоса,
Гулдай юрагимни мен **тош**га экдим.
Бу **тош** тоғ бўлади, худо хоҳласа...⁸⁰

Шоирнинг инсон қаноати, фитрату фозиллигининг юксаклигини, руҳ озодлигини кўрсатувчи тош метафораси Шавкат Раҳмоннинг “гуллаётган тош” оксимарон бирикмасини ёдга солади:

Тош ҳам гулларми деб
Минглаб калтабин
Гурзисин дўлайиб йиғилган пайтда
Мардона илжайиб, кўрасиз, дедим
Бир куни гуллайди бу тош, албатта⁸¹.

Эркини англамай яшаётган авлоднинг уйғонишига ишонч билан ёзилган мазкур шеърларда тош метафораси умумлашмалик касб этиб, бир даврда ижод қилган икки шоир маслағи, қарашлари, адабий таъсирдорлигини намойиш эттиради.

Ижодкор ҳар бир яратган поэтик образида катта маъно умумлаштиради. Таниқли мунаққид И.Ғафуров айтганидек: “Унинг барча шеърларидан “тош” метафораси ҳеч қандай вазиятда уни тарк этмай, лейтмотив бўлиб ўтади”⁸². Шоир ижодкор ва ижоднинг машаққатли йўлини ёритишда ҳам ундан фойдаланади:

Худога минг шукур етди саботим,
Шеърнинг **тошларига** чўқди ҳаётим,
Тошнинг метин қаъри нақадар мунгли,
Шу мунгда юрагим гул каби унди.
Ҳар сўзга уруниб бор умрим тушди,

⁸⁰ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарк, 2010. – Б. 49.

⁸¹ Шавкат Раҳмон. Гуллаётган тош. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – Б. 12.

⁸² Ғафуров И. Салом, Чироқ! Салом, Усмон! Ёш куч, 2010 йил, 27 апрель.

Тош ичра тирналиб, минг синиб учдим⁸³.

“Шеърнинг тошларига чўк”кан шоир ҳаёти машаққатли ҳаёт, аммо “Тошнинг метин қаъри” шундай “мунгли”ки, ундаги “мунгда” юраги “гул каби ун”ган шоир ҳаёт машаққатларида “тирналиб”, “минг синиб, уч”са-да гўзалликлар ярата олган – Ижодкор. Ҳаёт ва ижод машаққатларини тортган шоир саботи шукронаси бежиз эмас. Зеро, шоирнинг Ҳақиқат ва Ҳақ сўзни айтмоқлиги чинакам жасоратдир. Аҳмад Яссавий айтганларидек: “Чин олим ёстуғин тошдин яратди”.

Мумтоз шеърятимизда анъанавий образлардан кенг истифода этилган **йўл** образи замонавий шоирларимиз ижодида кўп учрайди. Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби шоирлар **йўл** ва **йўлчи** образига кўп мурожаат этади. Маълумки, тасаввуф адабиётида бу **йўл** – “ишқ **йўли**, сир **йўли**, хуррият **йўли**”дир⁸⁴. Усмон Азим ушбу образнинг тасаввуфона **йўлидан** боради. “У одам йиқилар, У одам ўтар... У одам бор **йўғи** энди **йўлдир, йўл**⁸⁵. Ушбу парчада келтирилган **йўл** метафораси чуқур фалсафийликка эга. Аввало, халқимизда ҳар бир инсон яшаган вақт – умр **йўли** метафорасида ифодаланади. Юқоридаги мисраларда ана шу мазмун сингдирилиб юборилади. “**Йўл бўл**” деб инсонни яратар тангри, Ҳамма ўз **йўлида** мангу сайёддир” дея шоир инсоннинг дунёга келиши ва ҳаётда бир **йўловчи** мисоли яшаб ўтишига ишора қилса, бошқа шеърда “Энг юксак **йўл** – **оллоҳнинг йўли**, Энг оғир **йўл** эса инсоннинг умридир”, дейди. Унинг машҳур “Бир қадам **йўл**” драматик асарида бир инсон яшаб ўтган умр – бир қадам **йўл** метафорасида ифодаланиб, муаллиф асар мазмунини шу метафора асосида қуради.

Усмон Азим шеърят майдонига кириб келган ўтган асрнинг 70-йилларида мунаққид айтганидек: “... давр яна ўзгаришга юз бурди. Чунки Сталин вафотидан сўнг мамлакатда кўз очган илиқлик кайфияти секин-аста ўз мевасини бера бошлаганди. Натижада поэтик образнинг зиммасига

⁸³ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Фафур Фулом, 2009. – Б. 178.

⁸⁴ Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 109.

⁸⁵ Усмон Азим.. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 320.

юкланадиган бадий юк ҳам янгиланди. Дастлаб рус адабиётида ниш урган эркин тафаккурнинг куртаклари ўзбек шоирларининг шеърларида ҳам кўрина бошлади”⁸⁶. Мумтоз адабиётимизда ошиқнинг кўз ёшлари ифодаси сифатида қўлланиб келинган булут образи XX аср ўзбек шеърлятида катта ижтимоий дардни юклаган, даврнинг ижтимоий манзарасини ёритган етакчи образлардан бири бўлди. Мумтоз шеърлятимиздаги анъанавий образларга янгича маъно бериш миллий истиқлол даври адабиёти намояндалари, айниқса, Чўлпон ижодида кузатилади. Мавжуд истибдод тузуми ифодаси сифатида Чўлпон шеърлятида “қора булут” истиораси кўп қўлланилади.

Қора булут тўдасиким кўкларни

Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмишдир⁸⁷.

“Шарқни” парда янглиғ” ёпиб “кўкларни” қоплаган “қора булут тўдаси” – юрт бошига қарамлик балоларини ёғдирган мустамлакачиларга ишорадир. Булут образи Рауф Парфи шеърларида ҳам етакчи образлардан биридир. “Абдурауф Фитрат” шеърлятида шоир ушбу образни рамз-метафора тарзда қўллайди:

Айтадир ой дардин булут кўйнида,

Булутлар хурпайган, на-да қорадир⁸⁸.

Мазкур шеърлий мисраларда “булут кўйнида” “дардин” айтган “ой” – шоир, “хурпайган” “на-да қорадир” “булутлар” – унинг машъум қисматига сабабчи бўлган мустабид тузум ифодаси. Рауф Парфи рус символист шоири Александр Блокка бағишланган шеърлятида ҳам мавжуд ҳукмрон тузумни булут метафорасида кўрсатади:

Қора булутларин ўйнар осмон.

Олис юлдузларнинг сирли шуъласи⁸⁹.

Чўлпон ва Рауф Парфидан фарқли халқона услуб эгаси бўлган шоир Миртемир ушбу образни анъанавий қут-барака рамзи сифатида қўллайди.

⁸⁶Хамдамов У. XX аср ўзбек шеърлятида поэтик образ ва унинг тадрижи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. –№ 4. – Б. 5.

⁸⁷Чўлпон. Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013. Ж. I. – Б. 86.

⁸⁸Рауф Парфи. Сакина: (шеърлар). – Тошкент: Muharrir, 2013. – Б. 251.

⁸⁹Рауф Парфи. Сакина: (шеърлар). – Тошкент: Muharrir, 2013. – Б. 182.

Кўк юзида *пага булут, оқ булут,*
Оқ булутдан сут ёғарми ёки қут.

Усмон Азим шеърларида булут образи бадий-эстетик вазифаларни бажаришга, инсон қалбидаги энг эзгу ва инжа туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган ўзига хос метафорик табиатга эга образдир:

Саратоннинг самоватида
Қовжираган бир парча абр –
Дунё – қуёш оташгоҳида
Вужудини ёқар бесабр...⁹⁰

Эътибор қилинса, шоир “самоват” ҳақида сўз очмоқда, яъни “саратоннинг самовати” бирикмаси шунчаки саратон осмони эмас. Унинг шеърларида кўп бора тилга олинган “нариги” “у дунё” – “самоват” билан ифодаланади. Қарангки, у дунёдаги инсонлар “қовжираган бир парча абр”. Биз англамоғимиз қийин бўлган Ҳақиқат “бир парча абр” – булут” метафорасида яширинган. Бу оддий булут эмас. Унда курашувчан инсоннинг ҳаракати мужассам. Шоирнинг асл ғояси кейинги сатрларда англашилади:

Ёнган эдим саратонсиз ҳам! –
Баттар куйдим, кул бўлдим баттар.
Нақ кўксимни мўлжаллаб бу дам
Қуёш олов найзалар отар.

Шундай яратилган инсонлар борки, улар учун ёнмоқ, ёниш қисмати азал. “Олов ичра руҳга бор”ишлик уларнинг касби. “Саратонсиз ҳам” ёнган, “баттар” “кул” бўлиб, “нақ кўкси”га “мўлжаллаб” “Қуёш олов найзалар от”ган метафорик тасвирда ХХ аср ўзбек адабиётининг қайғули фожиаси улуғ Туркисоннинг эрк ва озодлиги йўлида курашган сиймолари – Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту каби адабиёт намояндаларининг аччиқ қисмати ётади. Кўриниб турибдики, булут метафорик образидан шоир асл

⁹⁰ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 344.

бадий ниятини ифодалаш учун фойдаланади. Бу айниқса, банд метафора тузилишига эга бўлган мазкур шеърнинг охири сатрида ёрқин акс этади.

Ҳозирча мен ёзги осмонда

Қовжираган бир парча булут.

Маълумки, мумтоз шоирларимиз ижодида йил фасллари анъанавий образ сифатида қўлланилади. Айниқса, Алишер Навоий бошлаб берган фасллар тасвири Бобур, Огаҳий ва Фурқат каби шоирларимиз ижодида кенг давом эттирилган. Бобурнинг “Ҳазон япроғи янглиғ...” деб бошланувчи ғазалида инсон кўнгил кечинмалари куз манзаралари билан уйғун тасвирланади:

Ҳазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,

Кўриб раҳм айлагил, эй лола руҳ, чехрайи зардим⁹¹.

XIX аср Хива адабий муҳитининг етакчи шоирлари Мунис ва Огаҳий ижодида фасллар, айниқса, баҳор ва қиш фаслига бағишланган ғазаллар кўп. Яшариш, тириклик фасли сифатида баҳорни Огаҳий қуйидагича тасвирлайди:

Ўйла еткурди жаҳонга зийнати оро баҳор

Ким, бори ер юзин этти жаннатул маъво баҳор⁹².

Баҳор ўз зийнати билан жаҳонга шундай оро берадики, унинг келиши билан ер юзи жаннатга ўхшаб боради. Огаҳий қиш образини давр манзаралари, турмуш қийинчиликларини ёритиш мақсадида қўллайди. “Қотиғроқ келмади ҳаргиз жаҳонга ушбу қишдин қиш”⁹³.

Фурқат “куз”ни “тавба” фасли, дейди ва тасаввуфий маънода, инсон ўзни бир жойга йиғиб ҳушёр тортиш вақти эканлигини таъкидлайди:

Ҳазон айёмида ул тавба қилғон бўлса ҳам майдин,

Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан бўлса⁹⁴.

Мумтоз анъаналарни давом эттирган шоир Усмон Азим шеърлятида йил фасллари етакчи образ даражасига кўтарилади. Барча фасллар шоир

⁹¹Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.38.

⁹²Огаҳий. Девон. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014. I Ж. – Б. 109.

⁹³Огаҳий. Девон. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014. I Ж. – Б. 153.

⁹⁴Классик адабиёт жанрлари серияси. “Ғазал бўстони”. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б. 132.

ижодида метафорик табиатга эга. Маълумки, Навоий ҳазратлари фаслларга атаб “Фусули арбаа”⁹⁵ (тўрт фасл) қасидасини яратган. Форс тилида ёзилган мазкур қасидада йил фаслларининг ўзига хос жиҳатлари тараннум этилиб, фаслларда кечадиган ҳаётнинг турли ҳолатлари, манзараларини инсон тийнати ва табиатдаги ҳаракат билан уйғунликда тасвирлаган. “Саратон – ёз”, “Ҳазон – куз”, “Баҳор – кўклам”, “Дай – киш” образларининг нодир бадий намуналарини инкишоф қилиб, бу тўрт вақт бўлагини бирлаштириб “Боғ” яратади. “Мажмуа тўрт қисм (қасида)дан иборат бўлиб, йил фаслларининг гўзал манзараси тасвирига бағишланган. Бу қасидалар мажмуаси... аслида бир бутунлик, яхлитлик касб этади”⁹⁶. Усмон Азим ҳам ана шу ижод силсиласини ўзига хос тарзда давом эттириб, дастлаб “Тазарру боғлари” (“Ғусса”, 1994) ва “Боғлардан келган шеърлар” (“Куз” 2001) шеърӣ туркумини яратди. Унинг мазкур ижодӣ туркуми Ҳаёт, инсон ва умр босқичининг фалсафӣ мушоҳадалари, ўзликни таниш, Навоий даҳосига чексиз ҳурматда бўлган шоирнинг адабий ворислиги, ушбу анъанавӣ образларни худди даҳо ижодкор каби сайқаллаштирганини кўрсатади. Т.Шермуродов айтганидек: “Тазарру боғлари” туркум шеърлари... шоирнинг ҳозирги йиллар шеърӣяти, шубҳасиз, ижодининг ажиб, янгича давоми. Услуби шундай паллага кирганки, мушоҳада миқёси, идрок тарзи, поэтик тимсоллари, маҳоратидаги аксар бойишлар ўзбек шеърининг янгиланишида сезиларли улушдир. Боғлар ҳақидаги туркуми миллий табиат лирикасида ажойиб саҳифадир”⁹⁷. Ҳазрат Навоийнинг “Фусули арбаа” қасидасида саратон, яъни ёз биринчи тартибланган бўлса, шоирнинг фасллар туркумида дастлаб “Қишки боғлар туркуми” ўрин олган.

Самоватда муз гулхан ёнди,

Ҳаволарда учкун отди қор.

Қаҳратоннинг ўтига солди,

⁹⁵ Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2003. Ж. 20. – Б. 330.

⁹⁶ Қуроноф С. Ифода ва ифодавийлик. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 61.

⁹⁷ Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб... – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 30-31.

Ер юзини гумбази даввор⁹⁸.

“Самоватда муз гулхан ён”иши, “ҳаволарда” қорнинг “учқун от”иши – ассоциатив тарзда воқеланиб, “муз гулхан” “қаҳратоннинг ўти” “гумбази даввор” истиоралари ўқувчи кўз олдига қишни жонлантиради. Шоир қишни “гумбази даввор” дея ўтмиш шоирларига хос истиора билан таърифлайди. Навоий ҳазратлари “дай” – қиш манзараларини шундай тавсифлайди:

Зи баски симфишон гашт абри симоби,

Зи сими барф замин шуд чу Қулзум симоб⁹⁹.

“Симобий булутлар кумушранг заррачаларни кўп сочгандан, ер қорнинг кумуш рангидан денгиз сатҳидай симобий тусга кирди”. Қиш бу ўринда табиатдаги мусаффоликни англатади. Одатда, шеърятда қишдаги оқ ранг мусаффолик, поклик рамзи деб қаралади. Навоий ижодида бу фасл донишмандлик сифатида ҳам келади¹⁰⁰.

XX аср жаҳон шеъряти, хусусан, рус шеъряти намояндалари ижодида қиш фаслининг турли рамз-метафорик тасвирлари учрайди. Жумладан, биринчи марта А.Вознесенский “Биринчи қор”и билан бу туркумни бошлаб берди. Ю.Тютчевда қиш – “туш”, “боқий ҳаёт рамзи”, Некрасовда “Мангу уйқу”, “Роҳат фароғат”, С.Есенинда эса қиш манзаралари орқали халқнинг турмуш манзаралари тасвирлари учрайди. Масалан: “қорли бўрон” – юрак изтироб; “енгил қор уюмлари” – вақт, тез ўтиб кетадиган ёшлик, бахт ва шодлик; “даладаги кумуш шаббода” – тетиклик, ҳаёт ғалаба даракчиси бўлса, қорнинг ҳам бир қатор метафорик ифодалари бор. Символик шеърятининг истеъдодли намояндаси А.Блок ижодида “ниқоб” сифатида тасвирланади.

Ўзбек шеърятида бундай поэтик усулнинг дастлабки намуналари Чўлпон ва Фитрат ижодида кузатилади. Чўлпон “Қор” шеърида қорга “кафан каби керилган”, Фитрат эса “Кучсиз титрок, аччиқ, томчи”

⁹⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 358.

⁹⁹ Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2003. Т. 20. – Б. 338.

¹⁰⁰ Куронов С. Ифода ва ифодавийлик. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 64.

сифатлашларини келтиради. Ойбек шеърларида қорни “Оқ гул” эпитети билан қўллайди: “Оғочларнинг косов қўли оқ гул тақди”¹⁰¹.

Усмон Азим “Қиш” ва “Қишки боғлар” шеърӣ туркумида инсон руҳияти кечинмалари, кўнгилнинг оғриқли, қувонч-у изтиробли ҳолатлари ва кайфиятнинг лаҳзалик эврилиши фурсатлари қиш ва қор образида мужассамлаштиради. Шоир устозларидан фарқли қиш ва қор тимсолининг ўзига хос метафорик тасвирини яратади. Унинг шеърларида “Қиш” ва “қор” билан боғлиқ янги метафоралар яратилган: қор – “оқтан фаришта”, “оқ учқун”; қиш – “мусаффо кенг оқлик”, “кумуш дарсхона”.

Эй, қиш! Англаганга сен ҳам бир мактаб!

Кумуш дарсхонангга боқдим – суюндим.

Шоир кўп ўринларда қорнинг “учқун” (“Лабларингга ноҳос қўяр лаб, Муз фалакдан кўчган бу учқун”), оқ учқун (“Оқ учқун танимни ўтди оралаб”) ва “биллуртан фаришта” (“Боққа кўнмиш – бир текис – Қор – биллуртан фаришта”) каби метафорик тасвирларини яратади. Бошқа бир ўринда эса мавжудликнинг белгиси сифатида лирик қаҳрамони тилидан ўзини “қорнинг битта учқуни”га ўхшатади.

Мен ҳам қорнинг битта учқуни,

Итармагин дунё кўксимдан¹⁰².

Усмон Азимнинг “Баҳорги боғлар туркуми”да мазкур фаслдаги унсурлар билан боғлиқ метафорик тасвирларни кўриш мумкин:

Менинг юрагимдан бошланди баҳор,

Қор кетди – жонимни ёмғирлар қучди.

Баҳор хабарини этгани ошкор,

Қалбимдан қалбларга турналар учди.

Бугун кўкка боқиб қолдим саросар,

Хазонда ғамим кўп айтгим келмайди.

Менинг юрагимдан учган турналар,

¹⁰¹ Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. – Тошкент: НДА, 1994. – Б. 35.

¹⁰² Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 135.

Менинг юрагимга қайтиб келмайди¹⁰³.

Одатда, шеъриятда уйғониш, янгилиниш ва яшариш баҳор образида мужассамлашади. “Юрак”дан “бошлан”ган “баҳор” тимсоли худди шу анъанани давом эттиради. Қалблардан “қалбларга” учган “турналар” мисрасида ёшликнинг бетакрор ва гўзал туйғулари ифодаланганки, кейинги бандда шоир “кўкка” “саросар” “боқиб”, “ҳазонда ғамим кўп айтгим келмайди” дейиши – ўша жўшқин ва боқира туйғуларнинг барҳам топиши, уларнинг ширин хотирага айланиши ва ёшлик қайтмаслигининг иқроридир. Шеър сўнггида “Менинг юрагимдан учган турналар” метафорик ифодаси умумийлик касб этган ва юракка қайтиб келмайдиган турналар тимсолида бебаҳо давр – ёшлик туйғуларининг қайтмас хотиралари, қалбдаги армонлар ифодаланади. Навоий ҳазратлари баҳор мадҳида ёзганидек:

Агар нашмурди онро муғтанам, инро шумур боре,

Ки инро ҳам наёби, то бичуи ҳамчунон к-онро.

(Мазмуни: агар уни ғанимат билмадинг, буни (баҳор дамларини) ғанимат билгин, кейин изласанг, буни ҳам тополмайсан, шунингдек, уни ҳам)¹⁰⁴.

Болари тентирар – гулларга чўри,

Капалак жонсарак – боққа хизматкор.

Қуёшнинг тилларанг жисмини сўриб,

Намхуш ҳаволарда кўкараб баҳор¹⁰⁵.

Юқорида кўрдикки, Усмон Азим қишда инсон умр палласининг бир фурсатини, ҳаёт машаққатларини тасвирлаган бўлса, баҳор ва у билан боғлиқ унсурларда инсон кўнгил оламидаги туйғулар, ўй-кечинмалари, Тириклик саодати, яшаш иштиёқи ҳақида таъсирчан мисралар яратади. Баҳордан фарқли ёз туркумида инсон фаолияти метафорик образларда акс эттирилади.

Боғда нуру соя ухлар айқашиб,

¹⁰³ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 150.

¹⁰⁴ Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2003. Т. 20. – Б.330.

¹⁰⁵ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б.160.

Қушлар қўшиқ айтар дилгир мақомда.

Тоза ҳаволарга юзин чайқашиб,

Рангу бўй бахш этар гуллар жаҳонга¹⁰⁶.

Умуман мисралардаги метафораларга диққат қилинса, улар ҳам фаолият билдирувчи сўзлардан ташкил топган: нуру соя *ухлар айқашиб* – соя ва нурнинг мавжудлиги; Қушлар *қўшиқ айтар* дилгир мақомда – қушларнинг сайраши; гулларнинг “тоза ҳаволарга юзин *чайқашиб*” – шамолда тебраниши; Рангу бўй *бахш этар* гуллар жаҳонга – гулларнинг хид таратиши.

Усмон Азим ижодида Куз образи алоҳида аҳамиятга эга. Шоир бу ҳақида ёзади: “...Куз жони жаҳонимни алоҳида ўртайди. Ҳар лаҳзада шеър ёзгим келаверади. Яна билмадим, аммо Куз ҳақида бирор бир шоир менчалик кўп ёзмаган бўлса кераг-ов”¹⁰⁷. Дарҳақиқат, у Куз ҳақида “кўп” ва “хўп” шеърлар яратди. Жумладан, “Кузги боғ I”, “Кузги Боғ II” “Кузги боғ III” ва “Кузги боғлардан келган шеърлар” туркуми. Мумтоз шеъриятимизда мазкур фаслда айрилик азоби, ошиқлар фожиаси тасвирланган. “Алишер Навоий қасидасида хазон фасли рассомлар мўйқаламида чизилгандек таассурот уйғотади. Ҳазрат ёзади:

Ҳама зарди нагў к-аз рўзи бозори нишоти дай,

Хазон ораста ачноси рангоранг дўконро.

Агарчи нест он мавсим, ки аз гулҳо шавад гулшан,

Чи суратхонаи Моний зуҳури суњи Яздонро.

“Барча сариқликларни дай ойининг хуррам бозор куни шарофатидан дема, куз ўз дўконларини ажойиб, ранго-ранг матолар билан безатган. Гарчи гулларнинг қийғос очилиши мавсуми бўлмаса-да, Аллоҳ қудратининг жилваси олдида Моний суратхонаси нима бўлибди¹⁰⁸. Улуғ шоир наздида биринчи байтда куз “аттор”лик дўконига ўхшатиш билан унинг фасл, вақт маъносидалиги англашилади. Иккинчи байтда эса унинг маъноси кенгайиб,

¹⁰⁶ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001, – Б. 167.

¹⁰⁷ Усмон Азим. Сўнгсўзлар. – Тошкент: Илм-зиё заковат, 2020. – Б. 507.

¹⁰⁸ Алишер Навоий. Девони Фоний. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2003. Т. 20. – Б. 348.

истиоралашгани кузатилади: Моний ижодхонаси не бўлибди Куз олдида. Куз Аллоҳ қудрати намойиш этувчи чексиз ранг ва жилваларида товланади.

Усмон Азим ижодининг бетакрор дурдонаси бўлган “Куз” (2001) тўплами ҳақида шундай дейди: “Бутун дунёга куз олаמידан қарайман. Шу боис мазкур китобни “Куз” деб номлаганман, мақтанчоқлик бўлса ҳам айтиб қўяй бу ўта нодир китоб. Лекин ҳамма ҳам тушунавермайди...”¹⁰⁹.

Куз – Навоий девони. Бедор.

Ўқи. Хўнгра – қийнаса дардлар.

Қатор-қатор кузги дарахтзор –

Даҳо ёзган фожиа байтлар.

Дил тақдирдан қайтишга мойил –

Хазон бўлдим! – қўллагин, наби!

Кезинаман боғда Навоий

Тополмаган ёлғиз сўз каби...¹¹⁰

Маълумки, шеърятда йил фасллари инсон умри босқичларини ифодалаш билан бирга ўзига хос рамзийликка эга: баҳор ва ёз – ёшлик, навқиронлик ва эзгулик; куз ва қиш – қарилик, умидсизлик каби. Унинг Куз фаслни даҳо шоир Навоий “Девон”ига ўхшатишида катта маъно мужассам. Улуғ шоир ўзининг машҳур “Чор девони”да умр босқичларини йил фаслларига қиёсан тартиб қилади ва номлайди. “Бадое ул-васат” девонида шоир умр фаслининг кузи – болалик ва ёшлиқдан кейинги ўрта ёшлик ҳақидаги шеърларини жамлайди. Инсоннинг болаликка мангу қайтолмаслиги, ёшлиқнинг ҳеч қачон қайтиб келмаслигини англаш, чорак йил яшаб ўтилган умрнинг қийноқли хулосаси, яқин келаётган қарилик палласини ҳис этиш – “Навоий девони”ни ўқиш ва уқишдек оғир. “Қатор-қатор кузги дарахтзорлар” қисматидаги гуллаб яшнашдан кейинги сарғайиш, сўлиш, хазонлик фасли – ҳар бир инсон умрининг аянчли палласидир. Шу боис ҳам шоир Куз ва кузги дарахтзорлар метафорик

¹⁰⁹ Кўнгилга сайр./ (Адабий-ижодий мавзудаги суҳбатлар. Суҳбатдош: Умид Али) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 48.

¹¹⁰ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 184.

образини қўллайди. Инсон ва унинг ўз ҳаёти ҳақидаги қалб кечинмалари, афсус ва армонга тўлган ҳис-туйғулари – “фожиали байтлар” орқали ифодаланади. Лирик қаҳрамоннинг “Хазон бўлдим! – қўллагин, наби!” дея ўтинчли илтижосидаги **хазон бўлишлик** инсоннинг тобора кексайиб бораётганлини кўрсатади. “Хазон бўл”ишлик метафорасида ҳаётий чуқур фалсафий маъно умумлаштиради. Ўқувчи бир ўқишдаёқ англамайдиган сатрларда Ҳаёт деб аталган улуғ бўстонда гоҳ шодлик, гоҳ азоб чеккан инсон ботинидаги эврилишлар метафорик тасаввур орқали идрок қилинади.

Бир тола оқ қўнар менинг бошимга,
Шамолдай учади сендан бир **япроқ...**
Биз шундай турамиз дунё қошида –
Кул билан **хазон**нинг суҳбати узок¹¹¹.

Шеърӣй парчада шоир лирик қаҳрамоннинг ҳолатини бошига “оқ қўниши” – сочининг оқариши метафораси, япроқнинг шамолдай учиши – ўхшатиш, япроқ – умрнинг бир палласи рамзи ва қарама-қарши маънодаги кул ва хазон сўзлари параллелизм ва улар ўртасидаги узок суҳбат – жонлантириш лексик воситаларини қўллаган. Шоир мазкур табиат фасли манзарасида инсон ҳолатини яратади. Кул ва хазон сўзларининг кўчма маъносида инсон умр босқичи ифодаланади.

Ҳар қайси ижодкор камолотида халқ оғзаки ижоди билан бирга мумтоз адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбек мумтоз шеърӣятининг улуғ намояндалари адабий мероси ва халқимизнинг улуғ шоири Алишер Навоӣй даҳоси ҳамда у қолдирган бой мерос ҳамиша шоирга илҳом манбаси бўлган. Унинг “Ҳамса”га шеърӣй татаббулар боғлаб, Ҳайрат, Ишқ, Ҳаёт, Дунё, Ўлим ҳақида чуқур фалсафӣй мушоҳадалар юритиши, йил фасллари билан боғлиқ тасвирларида адабий таъсирдорликни кўрамиз. Навоӣй номини чуқур эҳтиром билан кўп бора тилга олган шоир ўз олдига шундай вазифа

¹¹¹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, – Б. 378-379.

кўйган: “Навоийдек шоири бор адабиётда ижод қилишинг ҳам ўзига ярашиқ”¹¹².

Усмон Азим шеърлятида анъанавий образларга янгича бадий вазифа юклатилган, қайта талқин қилинган ҳамда уларнинг метафориклашуви бадий-эстетик таъсирчанлик билан бирга шоир услубининг индивидуаллигини белгилашда муҳимдир.

Биринчи боб бўйича хулосалар

XX аср жаҳон шеърлятида фаол қўлланилган метафорик образ Усмон Азим шеърлятида ҳам етакчи ўринда туради:

1. Бадий образ сўз воситасида яратиларкан, метафорик образ сўзни ўз маъносидан кўчма маънода ўхшашлик асосида қўлланилишига асосланади. Метафорик образ шеърлятнинг асоси сифатида ҳар бир шоир индивидуал услубида ўзига хослик ва адабий-эстетик дунёқарашни акс эттиради. Усмон Азим шеърлятида метафорик образларнинг яратилишида халқ оғзаки ижоди асосий ўрин тутади.

2. Шарқ мумтоз шеърлятимизнинг анъанавий образлари чоҳ, қилич, тош, йўл, булут, йил фасллари Усмон Азим шеърлятида метафорик табиатга эга. Гул анъанавий истиораси мумтозларга хос ёр маъносида қўлланилса, чоҳ кўчма маънода янгича ифода топади. Чоҳ – ёлғон сўз, чоҳ қалбидаги ёвузликни маҳв этиб, ўзликни топишга ишора қилувчи метафорадир. Қилич анъанавий образига шоир янгича поэтик вазифа юклаб, уни ижодкор қалбини ёритувчи тимсол ва ижтимоий манзараларни ёритишда қўллайди.

3. Турли маъно жилоларига эга тош метафораси шоир шеърлярида кўйидаги кўчма маъноларга эга: а) чақимчи, сотқин инсонлар тимсолини ёритишга хизмат қилган; б) зулмга қарши ҳақиқат учун отилади; д) матонатли, собит, қалбида эрк ва озодлик уйғонган инсон тимсоли; е) ижодкор ҳаёти машаққатини ифодаловчи метафорик образ. Унинг шеърлярида йўл анъанавий метафораси инсон яшаб ўтган умр маъноси

¹¹² <https://saviya.uz>. “Энди сўзга сизмас бизларнинг суҳбат”// Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан суҳбат. Суҳбатдош: Ситора Тожиддинова)

билан бирга таасаввуфий аҳамият касб этади. Булут анъанавий метафораси ижтимоийлик аҳамиятга эга бўлиб, унда собиқ мустабид тузумда ижодкорларга бўлган муносабат ифодаланган.

4. Усмон Азим шеърларида йил фасллари тасвири етакчилиги кузатилади. Алишер Навоий каби шоир ҳам йил фасллари образини инсон умри муқоясини келтиришда қўллайди. “Боғлардан келган шеърлар” туркумида буюк сўз даҳоси анъаналарини ўзига хос давом эттирган шоир инсон умр босқичи, унинг кўнгил оламидаги туғёнлар ва кечинмаларини йил фасллари билан боғлиқ метафораларда ифодалаган. Шоирнинг йил фасллари билан боғлиқ метафорик образлари Инсон ва унинг Ҳаёти, яшаш фалсафаси, умр босқичлари, Ўлим ва Тириклик мавзусида теран мулоҳазаларини ифодалашга хизмат қилади.

II БОБ. УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР СТРУКТУРАСИ

2.1.§. Кўчим даражасидаги метафорик образлар

Маълумки, шеърий асарларда шоир лирик кечинмалари, ҳис-туйғулари, фалсафий мушоҳадаларини юзага келтиришда бадий образ асосий ўринда туради. Ҳар қайси ижодкор инсон ҳаёти ва унинг руҳиятига мос борлиқ ҳодисотларидан ўхшашликлар топади, янгича поэтик образлар яратишда метафорага мурожаат қилади. Мунаққид таъкидлаганидек: “Метафора шеъриятда образли тафаккур натижаси бўлиб яралади. Метафора тил ҳодисаси бўлса ҳам, ўзининг бу хусусиятини поэтик нутқдагина тўла намоён этади”¹¹³. Метафора поэтик тафаккур асоси сифатида шеъриятда муҳим ўрин тутиши ҳақида рус олимаси Н.Д.Арутюнова шундай ёзади: “...метафора восита ёки қурол эмас, балки поэтик тафаккур асосидир. Унинг моҳияти ва мақомга биноан бадий матнга мос келиши талаб этилади”¹¹⁴. “Метафора шоирга ўз ички оламини (ташқи оламга қиёсан) ва ташқи оламини (ички оламга қиёсан) англашга ёрдам берувчи тенги йўқ воситадир. Бугунги ўзбек адабиётшунослигида метафорани “фақат кўчим (троп)ларнинг бир тури сифатида талқин қилиш барҳам топиб, унинг ижодкор учун ҳам, ўқувчи учун ҳам поэтик тафаккур қилиш воситаси ва бадий-функционал жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Метафора турли даражаларда: поэтик кўчим, поэтик образ ва бутун бошли шеър доирасида намоён бўлади”¹¹⁵.

Усмон Азим шеъриятида метафорага асосланган бадий тасвир ва ифода воситалари муҳим ўрин тутди. Жонсиз ва жонли нарсаларга инсон табиатига хос хусусиятларни кўчириш асосида шоир турли хил индивидуал метафоралар яратди. Шоир шеърларида поэтик кўчим даражасида қўлланилган метафоралар кузатилади. Муайян кўчма маънодаги бундай образлар унинг

¹¹³ Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси. // Жаҳон адабиёти, 2014 йил, №-8. – Б. 187.

¹¹⁴ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. // Теория метафора.– Москва: Прогресс, 1990. – С.32.

¹¹⁵ Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар тизими. Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 10.

шеърларидаги мушоҳадалилик ва сирлиликини таъминлашга, ўқувчининг нозик бадиий илғамини ўстириш, унинг туйғуларига эмоционал таъсир ўтказишга хизмат қилган. Зеро, ҳақиқий ижодкор воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг ташқи ўхшашлиги эмас, балки ички ўхшашликка асосланган ҳолда образлар яратадики, бевосита бу ўқувчини шеър аталмиш сирли ва мўъжаз дунёга ошно туттиради, уни мушоҳадага, фалсафий қарашларга ундайди. Шоир илк ижодидаёқ шеърларида барчага кўриниб турган оддий тасвирлар, қуруқ баёнларни ёзмайди. Таниқли олим Қозоқбой Йўлдошев эътирофича: “Усмон Азим айтилмоқчи бўлган фикр оппа-очик кўриниб турган шеърларни кам ёзади. Одатда, унинг битганлари ўқувчини ўйга толдирадиган, сатрлар замиридаги маънони излаб топишга ундайдиган бўлади”¹¹⁶. Қонида туғма бахшиёналик бор ижодкорнинг тасаввур олами кенглиги, ҳар қандай Сўзни юксак образга айлантира олишлик маҳорати – уни ўзбек адабиётида бошқа шоирлардан кескин ажратиб туради.

Унинг ижодида кўчим даражасида қўлланилган метафорик образларни қуйидагича ажратиш мумкин:

1. Нарса-предметлар билан боғлиқ метафорик образлар – чироқ, қафас, девор, парда;

2. Табиат унсурлари ва ҳодисаларининг метафорик ифодаси – олов, сув, тупроқ (қум), ҳаво; хазон, шамол, туман;

3. Инсон ва унинг ҳаётини жонли мавжудотлар орқали метафорик тасвирлаш – қуён, ит, бўри, айиқ, капалак, ниначи, чумоли, қушлар (қарға, турна);

4. Антономазия (талмех) метафоралар – тарихий шахслар ва асар қаҳрамонлари номини метафора сифатида келтириш;

5. Табиатдаги рангларнинг метафорик ифодаси – қизил, сариқ, жигарранг;

¹¹⁶ Йўлдошев Қ. Туйғулар ҳайкириғи. // Гулистон, 2010. № 4.

Қуйида биз шоир шеърларида кўчим даражасида қўлланилган айрим метафорик образларни таҳлилга тортдик. Чирок – кенг ва фаол қўлланилган шундай образлардан биридир.

Қоронғу. Кўринмас боғнинг этаги.

Дарахтлар ортидан тун боқар бу чоқ.

Айвон. Стол. Қоғоз. Рухнинг эртаги –

Чирок шеър ёзмокда айвонда... **Чирок**.

Жонсиз предметга инсон ҳолати ва фаолияти кўчирилиши метафора натижаси бўлиб, ўқувчи учун “дарахтлар ортидан” туннинг боқиши, “айвон”да “чирок”нинг шеър ёзиши ғоятда ажиб таассурот уйғотади. *Қоронғулик, тун* – табиат ҳодисалари; *боғ ва айвон* – ўрин жойи, *стол, қоғоз* – предметлари ўзаро ассоциативлик касб этиб, ўқувчи кўз ўнгида тунда шеър ёзаётган – Ижодкор, унинг илҳом онлари ва шеърнинг яратилиш жараёнини гавдалантиради.

Кўнглимда бир ёруғ чирок ёқдим мен,

Ҳамма **чирок**лардан йироқ ёқдим мен¹¹⁷.

Яна бир шеърида

Чирокни ёқиб қўй,

Қўрқмасин кеча,

Бир **чирок** дунёга

Баъзан қоровул –¹¹⁸

дея *чирок* метафорасини қўллаб, ижодкор руҳиятининг турли қирраларини ўқувчига танитади. Кўнглида “бир ёруғ чирок ёққан” – шоир бўлса, шеър аталмиш мўъжиза бедор тунларда ижод қилувчи шоир ижодининг маҳсули эмасми? “Бир чирок”нинг баъзан дунёга қоровул бўлиши, бу оламда шоирнинг ҳам эзгулик зиёсини улашишдан асло тўхтамаслигини англатади. Шоир ўта маҳорат билан жонсиз чирок фаолияти ва ижодкор фаолиятининг

¹¹⁷ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 283.

¹¹⁸ Кўрсатилган манба, – Б. 295.

нозик ўхшашлигини илғайди ва мазкур метафора орқали ижодкор шахсиятини ёритиб беради.

Шоир эркисиз ва тутқун кимсалар фожиасини қафас метафорасида кўрсатиб, унда шахс Эрки ва озодлигини илгари суради.

Воҳ! Зўриқдим қон ютдим!

Қафас ичига қафас!

Яшашга етмас нафас...

Қафасга боқмоққу машаққат: тунга

Аралаш торликка даҳшатҳол ёрдир –

Хурликка талпинган **қушлар** йўқ, унда

Эркини унутган **маймунлар** бордир¹¹⁹.

Қафас метафорасида тутқунлик ифодаланган бўлса, “қушлар”, “маймунлар” аллегорик-метафоралари орқали ўз эрки ва озодлиги учун курашмайдиган, эркисиз инсонлар қисмати кўрсатилган. Шеърда метафоралар билан бирга контраст тасвирлар орқали эркисизлик ва даврнинг ижтимоийлик масалалари қаламга олинган. Усмон Азим шеърлятида эрк ва озодлик ғоялари ифодаси ниҳоятда баланд пардаларда куйлайди. Ҳаттоки, шоир Чўлпон тилидан ёзади: “Мен озодлик қурдим **қафас**да!”.

Усмон Азимнинг айрим шеърларида театр, сахна ҳаёти қаламга олинади. Шоир асл ҳаёт манзаралари ёритилган шеърларида сахна ва томошабинни тўсиб турувчи **парда** тилидан инсон қалбидаги муҳаббат ва рашк туйғуларининг ифодасини метафорик тарзда ёритади:

Саҳнани севасиз сиз ҳам севасиз.

Киясиз энг гўзал кўйлагингизни.

Чироқлар ўчганда титроқ қиласиз –

Йиғиб ололмасиз ўйларингизни¹²⁰.

“Ёсуман парда” сарлавҳали мазкур шеърда дастлаб сахнага муҳаббати бўлган парданинг рашк, алам, изтиробли кечинмалари худди инсон

¹¹⁹ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 70.

¹²⁰ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 311.

туйғуларига монанд ифодаланеди. Аслида жонсиз буюмлар ҳеч қандай ҳис сезгига эга эмас. Шеърятнинг тахайюл ва тасвирлаш маҳоратига эга ижодкоригина инсон қалб тубидаги энг инжа туйғуларни маҳорат билан жонсиз ашёларга кўчиради (Бунда чидаб бўлмас телбакор ишқсиз, – Менинг бу яшашим Лайлидан камми). Ўқувчи учун англашиладики, “ёсуман парда”га шоир инсон қалбидаги – муҳаббат, нафрат, ишончсизлик, рашк ва алам каби туйғуларни кўчириб, инсон қалбининг фожиали суратини акс эттиради. Айнан **парда** метафораси орқали шеърдаги воқеаларнинг сахна билан боғлиқ тасвирланиши муаллиф бадиий ниятига мос келган. Сабаби ҳар бир инсон қалбидаги ана шундай нозик туйғулар ифодасини ошкор қилмайдиган тўсиқлар – “парда”лар мавжуд бўлади. Шоир баллада жанридаги кўплаб шеърларида жонсиз буюмлар тилидан инсон туйғулари, инсон тақдири фожиаларини мана шу тарзда қаламга олган (“Трамвай...”, “Дераза ҳақида баллада”, “Автомобил ҳақида баллада”). Шу боис парда метафораси муаллиф бадиий ниятини ёритиб келган.

Шоир **девор** сўзини инсон ҳаётидаги қийинчилик, турли тўсиқларни билдирувчи метафора сифатида қўллайди. Маълумки, девор форсча сўз бўлиб, бинонинг, уйнинг томни кўтариб турувчи, хоналарга ажратувчи тик кўтарилган қисми¹²¹.

Магар йўлинг девор тўсса,
қайғурмагин, мард йигит.
Йигит киши бир зўр берса
қулаб тушар **деворлар**¹²².

Ҳаётда инсон дуч келадиган турли қийинчилик ва синовлардан мардонавор курашган инсонгина ғолиб чиқади. “Девор” шеърий парчада ана шу қийинчиликларни ифодаловчи кўчимдир.

“Насихат” шеърида деворнинг ҳам қулоғи бор ибораси қўлланилиб, ўзига хос метафорик ифода яратилган.

¹²¹ Ўзбек тили изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: “O‘zbekiston milliy ensklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2020. – Б. 588.

¹²² Усмон Азим. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2012. – Б. 75.

Эҳтиёт бўл,
Деворнинг ҳам қулоғи бор!
Деворнинг ҳам қулоғи бор!
(Эҳтиёт бўл).

Чин сўзни
айтиб қўйишинг мумкин
Худо хоҳламаса ҳам¹²³.

Ушбу мисраларда халқимиз тил хазинасидаги сотқинлар ва чақимчиларга нисбатан айтилувчи **деворнинг ҳам қулоғи бор** ибораси қўлланилмоқда. Сотқин ва чақимчилар хануз борми шоир айтмоқчидай “деворлар бор экан” – “Эҳтиёт бўлмоқлик” даркор.

Юрагимда айланиб
Ҳар кун қурилди **девор**.
Рух ичида шайланиб,
Деворни этдим бекор.

Лирик қаҳрамон юрагига “ҳар кун” қурилган “девор” Нафс аъмолни англатса, деворнинг бекор этилиши нафсдан озод бўлган кўнгил ғолиблигига ишорадир.

Усмон Азим шеъриятида табиатнинг тўрт унсури кўчим сифатида кенг қўлланилади. Айниқса, олов ва унинг *гулхан*, *чўғ*, *оташ* каби ифодалари ўзига хос тарзда метафорик тасвир яратиш учун хизмат қилади.

Худойим, *қоврилдим...* Тугайди қачон
Бу *гулхан* юракнинг *ловуллашлари*.
Бу тун менга бермади ором
Қонимнинг *оловли* шовуллашлари.
Менчалик *ёнмаган* ҳеч ким... Менчалик.
Ҳеч ким ўчмоқликни этмаган орзу.
Бораяпман *чақмоқнинг* бўлаги янглиғ
Лаҳзалик умримни фалакка осиб.

¹²³Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Ғулом, 2001. – Б. 327.

Хатто вулқонларда оловлик бекор –
Менинг ёнғинимнинг йўқдир адоғи.
Ичимда майсанинг армонлари бор,
Ёмғирда ўсишнинг хасрати доғи.
Мени ўчиртирма бирор бандангга,
Ўзинг ўчир мени... ўзинг...Худойим!..¹²⁴

Шеърга диққат қилинса, шоир *олов* сўзининг барча синонимларини кўллаб, метафорик ифодалар яратган: *қоврилмоқ, гулхан, юракнинг ловуллаши, оловли, ёнмоқ, чақмоқ, вулқон, оловлик, ёнғин*. Шоир инсон ва табиат ўртасидаги абадий боғлиқликни олов ва унинг турли кўринишлари орқали ифодалайди. Лирик қаҳрамон кечинмалари мисолида инсон умри ва унинг турли босқичлари ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар юритади. Шеър сўнгида *Оловга* қарама-қарши кўлланилган *ўчиртирмоқ* феълида инсон фожиасидаги сўнги йўл – ўлимни кўрсатади.

Усмон Азим бир шеърда “*Ёнғин* бир чолғуман, Муסיқам ёниш... Сен пайдо шу *ёнғин* беланчагида”, деб ёзаркан, олов унсурининг бир кўриниши *ёнғин* орқали ижодкор шахсияти ва шеър яралишини ифодалайди. Зеро, истеъдодли шоир шахсиятида “ёлқинли юрак”нинг ёниши Ҳақиқат ва адолат каби эзгу ғояларга умидбахш этади. Таниқли мунаққид И.Ғафуров шоирни Ницшега ўхшатиб, “...у Ницше каби тумонат-теварагини сўз кашфиётлари, фикр кашфиётларига тўлдириб ташлаган. Ницше каби ҳар бир сўзини олдиға сира яқинлашиб бўлмайдиган гуриллаб, ёнаётган оловнинг ичидан олган. Ницше каби доим олов ичида юрган. Оловда куйган-у яна куймагандай бўлган. Ницше каби олов устида ва ичида юрадиган одам. Ницше каби далли. Далли бўлмаса, у олов ичидан шеър ва сўз топмасди”¹²⁵, – дейди. Шоир шундай қалби ёниқ ижодкорлигига ишора қилиб ёзади:

Қара, куйиб битган жонимга қара,

¹²⁴Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 161.

¹²⁵Ғафуров И. Салом Чироқ! Салом Усмон! / Ёш куч, 2010. 27. 04.

Сўзимга қарагин: ушласанг – олов¹²⁶.

Усмон Азим кенг қўллаган хазон билан боғлиқ метафоралар инсон умри ниҳоясини таъсирчан ифода эттиришга хизмат қилади.

Барвақт гуллаганнинг

Шўриши совуқ.

Эрта хазон бўлган

Нима бўлади,

Худди билмагандай сўрайвераман –

Эрта хазон бўлган

Нима бўлади?¹²⁷

“эрта хазон бўлган” – у дунёни бевақт тарк этган инсонлар, улар қисмати ҳақида шоир ўқувчи учун жавоби аниқ савол қолдиради. “Тош ҳам гулладими? Тошми? Гуллади!” деб бошланувчи шеъри Шавкат Раҳмонга аталган. Унда қўлланилган хазон-тош метафораси шоирнинг ноёб бадиий топилмаси. Бир қарашда Шавкат Раҳмоннинг “гуллаётган тош” оксиморон бирикмасига уйғун яратилган ушбу метафора нафақат оғир хасталиқдан вафот этган шоирнинг тақдири, балки бевақт бу дунёни тарк этган бошқа ижодкорлар қисматига ишора ҳамдир:

Гуллаган тош йўқдир,

Барча **тош хазон**.

Гуллашни ютганми

Аждар ҳижронлар –

Тоғ-тоғ **хазонлардир**,

Сой-сой **хазонлар**.

Тошлар **хазон бўлди**

Дардингда, Шавкат!¹²⁸

Лирикада образ муаммосини ўрганган олим Ботирхон Акрамов метафорани “фикрни мумкин мухтасар, санокли сўзларда умумлаштириб

¹²⁶ Усмон Азим. Коллаж:Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 233.

¹²⁷ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 322.

¹²⁸ Усмон Азим. Фонуc. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 109.

ифодалашда, уни мумкин қадар яшириб, подтекстга кўчириб, шеър контекст орқали ифодалашда... энг эффектли воситадир”,¹²⁹ – дейди. Шоир шеърларида метафора функцияларини текширишда мазкур жиҳатлар кўзга ташланади.

Шу қум зарраси ҳам – дунёнинг акси,
Унда ҳам жо эрур фано ва бақо.
Қумнинг шамолдаги ноилож рақси,
Нимани эслатди. Ўзимними ё?

Қум зарраси метафорасида шоир инсон ҳақида қисқа фалсафий хулоса айтади. Демак, *қум зарраси* инсон, ундаги фано ва бақо инсон тақдиридаги ўлим ва боқийликдир. Лирик қаҳрамон “Қумнинг шамолдаги ноилож рақси” “Нимани эслатди. Ўзимними ё?” деган сўровида дунёга келган ҳар бир инсон қисмат қўлидалигини таъкидлайди.

Шоир барҳаётлик ва хокисорлик рамзи тупроқ ва инсон руҳиятидаги янгилашни қиёслаб “Баҳорда юмшайди кўнгил ва **тупроқ**” деб ёзади. Яна бир шеърда эса тупроқ метафорик кўчим сифатида инсонни мангу “совуқ бағрингга” босадиган “маскан” – қабр маъносига ишора қилган:

Бунча оғир бўлмасанг, тупроқ
Бир сўз демайсан.
Қанча бесабрни кўргансан.
Бир сўз демайсан.
Биласан тинчгина ухлаймиз
Совуқ бағрингга босганингдан сўнг¹³⁰.

“Бухорода сайр” шеърда **тупроқ** сўзи анафора тарзда қўлланиб, ўзига хос кўчим ҳосил қилган:

Тупроқ бобом
тупроқ бобом
тупроқ бобом

¹²⁹ Акромов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 25.

¹³⁰ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 322.

тупроқ бобом
тупроқ, тупроқ,
тупроқ, тупроқ,
тупроқ...
тупроқ бобом...¹³¹

Таниқли тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққуловга бағишланган ушбу шеърда халқимиз кечмишининг шонли йилларидан тортиб, конли курашган саҳифалари кўз олдингизда намоён бўлса-да, унда тупроқ сўзи меъёрдан ортиқ қўлланилиши услубий ғализликни вужудга келтирган. Бироқ тупроқ хокисорлик, камтарлик ўрнида ҳам келган. Мутасаввуф шоир Аҳмад Яссавий ёзади: “Тупроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин”¹³². Зеро, тупроқ аждодлардан авлодларга ўтиб борувчи энг муқаддас мерос. Қуйидаги шеърда эса **тупроқ** – жафокаш юрт тимсолидир: “Бу юртни Замонлар солгандир ўтга, Фақат хоки қолган ерга қўмилиб. Руҳини изласанг – Тикилган кўкка, Юракдан бўзлагин –Тушар тўкилиб. Аммо тупроқ... **Тупроқ** барибир азиз – Беқанот азоблар шу ерга тушган...”¹³³

Усмон Азим шеърларида шамол метафорик табиатга эга фаол образдир. Рауф Парфи “Нарсаларга нарсадай Қарай билмасам, Ёлғиз сен сабаб Шамолларнинг онаси, ҳей асрим!”¹³⁴ дея XX асрнинг суронли йилларини “шамолларнинг онаси” метафорасида ифодалаб, унда “ўз навбатида бутун бир аср”¹³⁵ни назарда тутди. Рауф Парфи каби шоир ҳам мазкур образни вақт, давр, даврон маъноларида қўллайди. “Шамол” шеърларида шиддатли вақт – шамол метафорасида берилиб, у инсон ҳаётини белгиловчи “ҳаракат” “куч” экани таъкидланади:

Чопар шамол – товонлари ҳўл,
Чопар шамол – минг оёқ, минг қўл –
Силкинади ҳар ўт, ҳар дарахт.

¹³¹ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 128.

¹³² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Фафур Фулом, 1991. – Б. 35.

¹³³ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 229.

¹³⁴ Рауф Парфи. Сакина: (шеърлар). – Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. – Б.198.

¹³⁵ Fazliddinov B. Rauf Parfi va Abdulla Oripov she'riyatida shamol obrazi. / Til va adabiyot ta'limi, 2018. №2. – B. 36.

Бу тулпорга барибир ўнг-сўл
Йўлсизлик ҳам унга йўлдир йўл
Йўқолмаса басдир ҳаракат¹³⁶.

Шунингдек, мазкур метафорик образ ўткинчи давр, мавжуд тузум маъносида ҳам қўлланилган:

Чорбоғларга йиқилар сўлғин,
Шамол – бевақт қуриган япроқ¹³⁷.

Шоирнинг айрим шеърларида шамол Инсон эркининг рамзи бўлиб ифодаланади: “Ўсди шамолларда юрагим ҳалол”, “Шамоллардай озод кез – Қояларга суянма” ва “О, шамол! – Беармон эркнинг фарзанди!” каби истиоравий тасвирлари ана шу рамз асосида яратилган.

Шоир шеърларида Эрк ва Истиқлол мавзуси асосий ўринда туради. Бундай ғоялар ифодасини беришда ҳаво метафорасини қўллайди. “Қўлларимни қийди занжир...” деб бошланувчи шеърида, айниқса, эрксизлик фожиаси таъсирчан ифодаланган:

Бўғизларим ачишди. Ҳа, ўпкаларим ачишди.
Ўпкам тўлди одамларнинг “оҳ”лари тўла тунга.
“Ҳаво” дедим – томоғимга қаро қурум ёпишди,
Неча йилки, мен **ҳавосиз** яшайпман – бутунлай.¹³⁸

Ҳурлик туйғуларини юқори пафосда куйлаган шоир лирик қаҳрамон тилидан халқ ва миллат дардини баралла айтаркан, “ҳаво” дейди, “томоғи”га “қаро қурум ёпиш”ади, “бутунлай” “ҳавосиз” яшаётган инсон тутқин, у озодлик истайди. Мустабидлик зулми, халқнинг тутқинлиги **ҳаво** ва **ҳавосизлик** метафорасида яширин ифодаланган бўлса, туман метафораси ҳам мазкур ғояларни ифодалашга қаратилган:

Дардларимнинг соҳили йўқдир,
Шамоли йўқ, шакли йўқ – **туман**.

¹³⁶ Усмон Азим. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Фафур Фулом, 2012. – Б. 109.

¹³⁷ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 213.

¹³⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 419.

Усмон Азим шеърларида мазкур бадий ғоя жониворлар ва қушлар, ўсимликлар номини метафорик ифодалаш орқали ҳам ёритилади. Масалан, шоир “Чўлпон” шеърида ёзади.

Деразада занглар емирган
Панжаралар, ташқарида – **ит**.
Ит аккилаб айланар – хушёр,
Босар хафвни унутган касни...¹³⁹

Маълумки, кўплаб халқларда ит садоқат рамзи сифатида ижобий қаралади. Бироқ шоир Чўлпон яшаган давр фожиасини бериш учун мазкур жониворни салбий тасвирлайди. “Панжаралар” “ташқари”сида “аккилаб” “хушёр” айланиб ётган – **ит** аллегорик-метафораси минглаб Чўлпонлар фожиасига сабаб бўлган разил ва мунофиқлар тимсолини ифодалайди.

Қўлга ўргатилган бўри бу кучук,
Қорни тўқ сарқитнинг ҳар хили ялоқ.
Собиқ бўри, қани думингни учи,
Собиқ даҳшат нега кесилган қулоқ¹⁴⁰.

Шарқда азалдан инсонлар феъл-атвори, улар ҳаётини мажозий усулда тасвирлаш етакчи бўлган. “Ўзлигини англамаган” “Қўлга ўргатилган” “бўри” – “кучук” қорни тўқ “сарқит” “ялоқ” еб кун кўрадиган жонивор. Афсуски, инсонлар орасида манфаат учун ўзлигидан кечиб, обрў топиб яшаётган бундай кимсалар “кучук”ка ўхшатилади (“Бўйнингда нишонлар, обрўйинг аъло”). Инсон аслида энг олий хилқат. Бироқ у ана шундай улуғлигини унутган: “Бўри деб қақирдим қилмади парво, **Ит!** Дедим қаради ишонасизми?!”.

Йўлбарс магар ташланса – кўркма,
Илон чақса олма хавотир.
Бўри қувса тизингни букма –
Ғайри бир ҳол бўлмади содир.

¹³⁹ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 71.

¹⁴⁰ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 219.

Мунча юксак айлаган парвоз
Мусичами? Дахшатку турки!
Сен ундан кўрк ...Ва яна нохос
Ириллаган куёндан кўркқин¹⁴¹.

Йўлбарс, илон, бўри – инсон учун булар хатарли жонзотлар. Аммо инсон учун улардан ҳам энг хатарлиси беозоргина “турки” “дахшат” мусича ва “ириллаган куён”. Шоир айрим ювош феълли инсонлар табиатида ёмонлик қилиш каби салбий куч борлигидан огоҳлантиради. Унинг аллегорик-метафоралар қатнашган шеърларида инсонлар характери ва ҳаётдаги фожиалар жонзотлар ҳаёти билан муқояса қилинади.

Ёзда қораяди куён.
Қишда жунлари оппоқ.
Фаслларга қараб ўзгаради шундай.
Бўри кўрмасин деб,
Шу кўйга тушади
бечора¹⁴².

Шоир куённинг ушбу ҳолатидан ҳам инсон характерига қиёс топади. “Йиртқичлик кўлидан келмагач, бошқа иложи ҳам йўқдир куённинг”. Аτροφимизда шундай инсонлар борки, улар вазиятга қараб иш кўради, куёнмонанд ўз феъллини “об ҳавога” қараб ўзгартирадиган лаганбардор ва “буқаламун”. “Афанди айиқ” шеъри ҳам ўқувчи онгида инсон ва айиқнинг яшаш тарзини қиёслантирган метафорик характер касб этган. “Қишдан кишгача, кўп чарча”ган “айиқ” –

Меҳнат қилди
тинмай.
Қоринни тўйдириш азобини тортди,
тентиради ўрмонда,
дарахтларга чиқди,

¹⁴¹ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Гулом, 2001. – Б. 348.

¹⁴² Усмон Азим. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 68

дарёларга тушди,
нималарнидир овлади
кимлардир уни овлади...¹⁴³

Дарҳақиқат, инсон ҳам туғилганидан бошлаб меҳнат қилади “қоринни тўйдириш”, тирикчилик ғамидан тортиб, бутун умри давомида тинимсиз курашади. Ўхшашликнинг энг юқори ифодаси “Қишда бир тўйиб ухламоқ учун шундай азоблар кўр”ган айиқ ҳолати – яшаш учун тинимсиз азоб кечирган инсон қисматини эслатади. Дарвоқе, айиқ қишки уйқуга кетса, инсон “мангу уйқу”га кетади.

Кечқурун қушлар қайтадилар.
Чорбоғда кечки базм.
Чуғур-чуғур.
Саргузаштлар ҳикоя бўлар:
Ким қаерга учди,
Ким қаерга тушди,
Қаерда дон кўп,
Қаерда мева...
“Қўриқчи”дан ҳуркканларини
Кулиб-кулиб сўйлаб беришар.
Қандай гўзал Ҳаёт!
Ўлим эса...
Дарвоқе, ўлим...
Қайтмаганлар қанча
Деворли боғлардан?
Сукунат. Тонгга қадар ... Жим.¹⁴⁴

“Чуғур-чуғур” тақлид сўзи қўлланилиши қушлар ҳаётининг муҳим белгиси бўлиб тасаввуримизда жонланади. Худди инсонлардаги каби улар учун ҳам “...гўзал ҳаёт!”. “Қўриқчидан” “ҳурккан қушлар” “боғларини

¹⁴³ Усмон Азим. Кўнгиш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019, – Б. 73.

¹⁴⁴ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 163.

деворга ўрнашган” “одамлардан кулишади”. Аммо мантиқан бу кулгу муаллиф кинояси. Ҳаёт гўзал бўлса-да, инсон минг девор тўсиқ яратса-да, Ўлимга чора йўқ. “Ўлим эса... Дарвоқе, ўлим... Қайтмаганлар қанча Деворли боғлардан?” Шеърда фақат қушлар ҳаёти тасвирлангандек бўлса-да, унинг асосида инсон ҳаётидаги воқелик ётади. Ўқувчи онгида қушлар ҳаёти мисолида инсонлар ҳаёти қиёсланади.

“Хасис” шеърида “ерга ёнғоқ кўмаётган” – “қарға” ҳолатига инсон феълидаги очкўзлик иллоти “яширин” ифодаланган. “Кузнинг сўнгги куни. Ерга етар-етмас эриб кетади илк қор учқунлари. Хазон қорая бошлаган” – Одам деразадан қараб турибди.

999 ёшдан

364 кун ошган **қарға**

Ёнғоқ кўмаяпти эртаси учун.

Боғнинг кўнгли баттар сиқилар

Қарғага қараб.¹⁴⁵

Инсон яшаётган жамиятда ҳамма даврларда ҳам афсуски, “қарға”га ўхшаб, эртаси учун мол-дунё йиғиб, умрини сарфлаётган кимсалар учрайди. Мол ва пулни бирламчи деб қараб, илм-маърифатни тамом унутган, умрнинг ҳар лаҳзасини пул йиғишга сарфлаб, бутун “тилла”ларни эртаси учун кўмиб, бойлик ёрдамида дунёни ўзиники қилишни орзу қилганлар кўплаб топилади. Шеърда “Деразадан боқиб турган одам” “Нега меники эмас ҳамма қор? деб хафа бўлади”. Инсон табиатидаги очкўзлик қарға ҳолатига қиёсланаркан, жамиятда инсонлар ўртасида ана шу иллат илдиз отганлигини кўрсатади. Шунингдек, “**Чумоли ҳақида нутқ**” мажозий шеърида “меҳнаткаш” деб “унвон” олган чумоли аллегорик-метафорасида инсон табиатидаги очкўзлик, мешчанлик иллоти танқид қилинади. “Чорсу бозоридаги “савдо ашуласига мос тимирскиланадиган чумолилардан бошлаб, “Пахтакор халқим, Тасанно” дея ҳаммаёқни шеърга тўлдириб,

¹⁴⁵ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Фафур Гулом, 2009. – Б. 297.

аслида унга халқимас орден ё мукофот керак бўлган қофиябоз чумолиларгача нишонга олади”¹⁴⁶.

Усмон Азимнинг дастлабки ижодидаёқ тарихий шахслар, машхур асар қаҳрамонлари номини келтириш орқали ижтимоийлик, ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат ифодаланади. Шу жиҳатдан шоир шеъриятида антономазия метафораларнинг кўплиги кузатилади. Мазкур метафораларни иккига ажратиш мумкин: 1) тарихий шахслар (машхур инсонлар, шоир ва ижодкорлар) номини метафорик қўллаш – Навоий, Машраб, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ойбек, Бетховин, Марк Бёрнс, Колумб, Акутагава, Ван Гог образлари шулар жумласидандир.

Фақат подшоҳларни

Ўстирган аёл –

Сароймулкхоним –

Мамлакат шони...¹⁴⁷

Буюк темурий маликага бағишланган мазкур шеърда малика Бибихонимнинг бу салтанатда тутган ўрни, шахзодалар тарбиясида унинг муҳим рол ўйнагани билан бироқ ўз набиралари томонидан яхшилик кўрмаган жабрдийда аёлнинг сиймоси гавдаланади. Умуман, шоир ижодида халқимиз тарихи саҳифаларини ёритувчи шу каби антомазия метафоралар кенг қўлланилади.

“...Ва бирдан англайсан, Сен ҳам бир **Колумб**”¹⁴⁸ – Америка қитъасини очган Колумб номини келтириш орқали шоир ҳар бир инсон ўз қалбини, ўз ғайрат-у шижоатини очувчи Колумбдай кашфиёт қилишга қодир деган ғояни ифодалайди. “Гарринча” шеърисида эса шоир машхурлар ҳаётида юз берадиган “юлдузлик” фожиасидан сўз очади. Гарринчанинг ҳолати ўқувчи қалбида ачиниш уйғотаркан, минглаб Гарринчадай машхурлар қисмати кишини ўйлантириб, ундан сабоқ олишга ундайди:

Стадион! Қара! Бу мен— Гарринча!

¹⁴⁶ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.131.

¹⁴⁷ Усмон Азим. Фокус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 68.

¹⁴⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 18.

Менга тўп текканда қалқигансан тик,
Қарсақлар чалгансан қўлинг толгунча.
...Ахир, сени кўрсам, елкамда ногоҳ
Пеле ва Дидининг қўлин сезаман¹⁴⁹.

2) бадий асар қаҳрамонлари номини келтириш. Биргина Шекспир асаридаги қаҳрамонлар номи орқали шоир жамият ҳаётининг турли манзараларини тасвирлайди. “XX аср Отелло”¹⁵⁰си шеърда дастлаб Отелло нутқида Дездемона таърифланади. Унга суқланиб қарайдиганлар кўп. Шу боисдан Дездемона “ғийбатлар мавзуси”. Шоир кучли киноя билан ўз даврдаги Отеллолари қиёфасини яратади. “Мен – Отелло – Яголар билан ғийбат қилиб турибман сени”¹⁵¹. Муаллиф бу ўринда асар қаҳрамонига янги бир хусусият бағишлаб, муҳаббатни қадрламаган сохта ошиқлар устидан кулади ва шеърга нима сабабдан “XX аср Отеллоси” деб ном қўйилгани ойдинлашади. “Ҳамлет”нинг монологиди инсоний муносабатлар метафора орқали ёрқин кўрсатилади. Медия (“Баллада”), Отелло, Эвридика (“Орфей”), Помпей, (“Брут”), Ҳамлет, Дедал ва Икар каби асар қаҳрамонлари орқали замондошлари характериға кўзгу тутди. Муҳаббат мавзусидаги шеърларида Мажнун ва Лайли тимсолини келтириб, улар орқали бу гўзал туйғунинг нозик ва изтиробли ҳолатлари тасвирлангани кузатилади. “Аёл мактуби” шеърда аёл қўлларига Лайли номини кўчириш орқали ўзига хос метафора яратилган: “Шомгача ғамларини ишга айтишар, Тонггача соғинчин тушга айтишар **Икки Лайлишева** – икки шўршева”¹⁵².

Шоир ижодида санъат турлари орасида рассомчилик, театр билан бирга мусиқа алоҳида мавзу сифатида ўрин тутди. Унинг шеърларида мусиқа намояндалари билан бирга мусиқий асар номлари ҳам учрайди. Айтиш мумкинки, шоир ўз ўқувчисига халқимиз қадриятларини мана шу тарзда сингдириб боради:

Куз шамоли қоқди майин

¹⁴⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарк, 1995, – Б. 203.

¹⁵⁰ Кўрсатилган манба, 1995, – Б.177.

¹⁵² Кўрсатилган манба., – Б. 168.

Хазонбоғнинг эгнини.
Куйлаб қолди кимдир – тайин!
“Абдурахмонбеги”ни.
Абдурахмон! Абдурахмон!
Рахмоннинг қули! Қули!...¹⁵³

Мазкур шеърӣй парчада “Абдурахмонбеги” мусиқий куй номи экани билан бирга уни яратган машҳур ҳофиз номига ҳам ишора этилгандир.

Усмон Азим шеърларида оламда мавжуд бўлган етти хил асосий рангнинг барчаси метафорик образлар ва тасвирлар яратишда кенг фойдаланади. Агар шеърятда ранглар тарихига назар ташласак, дастлаб у “ифодаланаётган деталнинг бир тури бўлиб, бадий тасвирни кучайтиришга хизмат қилган бўлса, кейинчалик унинг функцияси мураккаб композицион вазифани бажаришга қаратилган. Ўзбек шеърятда юз берган поэтик янгилашишлар орасида ранглар ...поэтик образларнинг сифатловчисигина бўлиб қолмай, балки ўзи мустақил поэтик образ сифатида қўллана бошлади”¹⁵⁴.

Дарҳақиқат, бу давр ижодкорлари учун мавжуд ижтимоӣй тузум ва жамият муаммоларини ёритишда ранглар ғоявий-эстетик ва бадий вазифаларни бажариш воситасига айланди. Усмон Азимнинг “Мангу йўл” шеърӣда қизил, “Бахшиёна” туркумида Оқ ва Қора ботир образларидаги қарама-қаршилик оқ ва қора ранглар ифодасида табиатдаги икки азалий куч Эзгулик ва Ёвузлик кураши шундай поэтик образ даражасига кўтарилади. Маълумқи, қизил ранг Шарқда мардлик, олов, қон рамзи. Шоир шеърларида мазкур ранг белгисига эга гул, олов ва қон унсурлари метафорик тасвир яратишда кенг қўлланилади.

Дунё каби кўнглим ёришсин,
Қон ичида кулгу ярат...Кул!
Лабларимда маним очилсин

¹⁵³ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 52.

¹⁵⁴ Абдурахмонов А. Усмон Азим ижодида ранглар поэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, №3. – Б. 66-67.

Шафақ рангли ғунча – қизил гул!¹⁵⁵

“Қон”, “лаб”, “шафақ” – мазкур тушунчалар ассоциативлик касб этиб, ўқувчи онгида қизил тус аксланади. Шоирнинг бадий маҳорати ўқувчи кўз ўнгида “Шафақ рангли ғунча – қизил гул” суратини пайдо қилади ва унда “қизил гул” – муҳаббат рамзи ўзига хос эстетик гўзаллик, ҳайрат уйғотади. Шеърда лабида муҳаббатдан самимий кулгу уйғонган лирик қаҳрамоннинг бахтиёрлик ҳолати тасвирланган.

Усмон Азим “Натюрморт” шеърда рангин бўёқларда эмас, сўзлар воситасида рассомларга хос “натюрморт” яратади. Шеърят ва ранг-тасвир санъати синтезлашувини ўрганган ёш тадқиқотчи С.Қуронов “...Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон каби Усмон Азим ижодида ҳам улар ...уйғунлигининг энг гўзал меваларни кўриш мумкин”¹⁵⁶, деб ёзади. Дарҳақиқат, шеърда сифатловчи-аниқловчи “қизил” “олтин” (сарик) ранг тасвири ўқувчида тўлиқ куз – “сентябрь” манзарасини, бу фаслдаги тўкин-сочинлик ҳақида тасаввур уйғотиш билан бирга унда ўзига хос рамзий образлар мазмунини ёритади:

Қип-қизил олма.

Ёнига олтин узум чизаман.

Унинг ёнига анор –

Ҳаётга тўйганидан ёрилиб кетган бўлади

анорнинг вужуди¹⁵⁷.

Авалло, ушбу шеърдаги “олма”, “узум” ва “анор” мевалари рамзий образ сифатида қўлланилган. Маълумки, олма фольклорда меҳр-муҳаббат тимсолининг “қип-қизил” рангда бўлиши абадий Ҳаёт, гўзаллик, мангулик, соғломлик ифодаси. Чунки “Қизил” ранг Шарқ ва Ғарбда олий фазилатлар рамзи сифатида улуғланади. Шеърда “Қизил” ранг олманинг сифатловчиси бўлиб келиши билан бирга “Ҳаётга тўйганидан ёрилиб кетган” – “анор”нинг “вужуди” метафорик тасвирини ифодаламоқда. Анорнинг ранги, доналари,

¹⁵⁵ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 120.

¹⁵⁶ Қуронов С. Эгиз санъатлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 78.

¹⁵⁷ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 431.

шарбати ҳам қизил тусда. Тимсоллар бўйича изланишлар олиб борган ўзбек олимаси Д.Мингбоевнинг таъкидлашича, “анор рамзларининг маъноси биринчидан, унинг ранги, иккинчидан, шакли, учинчидан, кўплигига кўра келиб чиққан”¹⁵⁸. Шеърда унинг ранги билан бирга шакли ва кўплигига ҳам ишора этилган. Анор – Ҳаёт, унда яшаётган инсонлар ва меҳр-муҳаббат рамзидир. Маълумки, антик ва кейинги давр адабиётида ҳам “узум” ҳосилдорлик ва мўл-кўлликни ифодалаган. Шеърда узумнинг олтин сифатловчиси сариқ тусда. Сариқ ва қизил ранглар метафораси орқали шеърда бутун рамзийлик очиб берилиши тўлиқ таъминланган. Демак, мевалар рамзи – абадий Ҳаёт, мангулик, фаровонлик, унда давом этаётган инсоният насли, умрбоқий меҳр-муҳаббат рамзидир. С.Қуронов айтганидек: “...рангтаъбир санъатига хос бўлган унсурларнинг шеърятга кўчиши, ундаги тасвирий ифоданинг худди рассом чизганидай бера олишлик имкониятини яратди. Албатта, бунда ранглар эмас, сўзлар воситасида чизилган сурат ижодкор маҳорати эвазига хаёлларда гавдаланади”¹⁵⁹. Унинг Куз ҳақидаги куйидаги сочма шеърдаги ранглар метафораси инсон руҳиятини, унинг қалбидаги бетакрор ва гўзал туйғулар оҳангини истифода этади.

“Кузни севасизми?” – деди аёл. – Келса,

Кузда роса кезамиз ҳали.

Бирга томоша қиламиз.

Жуда гўзал бўлади куз.

Йўқ, фақат *сарик*дан иборат эмас кузнинг

ранги.

Сариги – юз турфа.

Қизгиши – минг хил. *Қирмизи* – минг хил.

Жигарранг

баргларни ҳам топасиз. *Қон* бўлган жигардай...

¹⁵⁸Тимсоллар тилсими (Рамз, белги ва тимсоллар тасвири). / Тузувчи: Д. Мингбоева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 118-119.

¹⁵⁹Қуронов С. Ифода ва ифодавийлик. / Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2016.– Б. 31.

Ўшанда

хувиллаб қолади юрак. Сизни соғинаман ўшанда.¹⁶⁰

Дастлаб шеърдаги учта образга диққат қиламиз: аёл, куз, барг. Улардаги умумий боғлиқлик – инсон, вақт ва табиат. Шоир инсон руҳияти тасвирини куз фаслида ифодалайди. Кузни севган, уни фақат *сарикдан* иборат эмаслигини ҳис қилган аёл куздаги “*сариги* – юз турфа, *қизғиши* – минг хил. *қирмизи* – минг хил *Жигарранг қон* бўлган жигардай” баргларни кўради. Бир қарашда кузги барглар ранги тасвирлангандек таассурот қолдирувчи ушбу шеърда барглар рамзи етакчи маънога эга. Баргни инсон юрагининг рамзи деб қарасак, “юз турфа “сариг”лик шу қалбда кечаётган ажиб ҳислар ва сўнган туйғулар, “минг хил” “қизғиш” эса бу туйғулар оташи хотираси, “Куз” эса абадий айрилиқни ифодалайди. “Қирмизи” “минг хил”лик қалбдаги ана шу туйғуларнинг эврилишлари. Энди улар “юз турфа”, “минг хил” “сариг”у “қизғиш”ликдан иборат эмас. Улар фақат “Қон бўлган жигардай” “жигарранг” – метафораси инсон қалбига энтиқиш ва ҳаяжон соладиган мўъжаз туйғу – соғинч ифодасидир. Шеърда ранглар метафораси ўқувчида инсон қалбида камол топган туйғулар бардавомлигини, умрнинг ҳар бир палласи, айниқса, кузи – ўрта ёшлигини муҳаббат-у меҳр, соғинч-у армонларини ҳис қилдиради.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Азим шеърлятида кўчим даражасида кўлланилган метафорик образлар жонли ва жонсиз нарсаларнинг инсон ва унинг фаолиятига кўчирилиши, шахсларнинг ички дунёси, руҳияти, характери, унинг маънавий оламини ёритишда асосий бадиий восита саналади. Шоирнинг айрим шеърларида кўриб ўтдикки, ижтимоий ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар тасвири метафора натижасида янада таъсирчан, жозибали ва ишонарли тасвирланган.

2.2.§. Образ даражасидаги метафоралар табиати

¹⁶⁰ Усмон Азим. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 75.

XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеъриятида “ранг-баранг метафорик образлар яратил”ди¹⁶¹. “... адабиётдаги янгиланиш – бу сўзга янги муносабат пайдо бўлиши, янги муносабат маҳсули бўлган метафоранинг, бадиий тафаккурнинг янгиланиши эканини тан олишимиз керак, – дея таъкидлаган ёзувчи Назар Эшонкул шундай ёзади – Кўз олдида турган нарса-ходисанинг янги тимсоли – метафорасини, янги манзарасини, янги кўринишини, янги киррасини ритмикада бера олиш санъати – мен учун шоирлик. Тимсолсиз шеър яланғоч одамга ўхшайди. ...муҳими – воқеликка янги тимсол, янги метафора топиб, ўшани ритмикага солиб бера олган бўлса, мен шеър деб тушунаман: шеър тимсол тилида ҳикмат айтиш, тимсол тилида инсон моҳиятини, туйғуларини, кечинмаларини ва ўзини таҳлил қилиш, инсоннинг руҳий-ботиний, тахайюл манзараларини чизишдир”¹⁶².

Усмон Азим шеъриятида ҳам мазкур поэтик ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Шоир ижодида биргина Куз метафорик образининг турли маъно хусусиятлари акс этади. Шоир Чўлпондан сўнг Куз тимсолига энг кўп мурожаат этади. Чўлпон ижодида Куз образида миллат фожиаси, юрт тақдирининг рамзи ҳамда у “орқали аксар ҳолларда шоир қалбидаги дард, уни қийнаган изтироблар, орзу ва армонлар зиддияти, Ватан ва миллат қисмати бадиий талқин этилган”¹⁶³.

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар,
Оғриқ, мағлуб, тутқин Шарқнинг юзидек.
Бўронларнинг қўзлариким ўйноқлар,
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.

“Сарғайган фақат япроқ эмас, Шарқ юзи. Чўлпон қаршилангириш усулини қўллаб, “бўронларнинг ўйноқла”ган “кўзлари”ни “Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзи”га қиёслайди. Демак, Шарқ юзини сарғайтирган куз эмас, “кўзи қонга тўлган Ғарб”. Шоирнинг асосий мақсади ҳам куз манзарасини

¹⁶¹ Мирзаева Н.Б. XX аср шеъриятида метафорик образ муаммоси (Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърияти мисолида): Филол.фан.докт...дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 26.

¹⁶² <https://kh-davron.uz/kutubxonaku> Н.Эшонкул. Излаш азобининг тотлари....

¹⁶³ Хожиева Ш. Чўлпоннинг пейзаж яратиш маҳорати / Тил ва адабиёт таълими. 2019. №4. – Б. 34.

чизишмас, аксинча, шу тасвир қобиғида “Оғриқ, мағлуб, тутқин Шарқнинг” аянчли қисматини хазон фасли фониди ёритиш” дир.¹⁶⁴

Ҳазрат Навоидан тортиб, Чўлпон анъаналарига давом эттирган Усмон Азим шеърлятида Куз образи янгича поэтик ифода касб этади. Мунаққид айтганидек, “шоир учун куз шунчаки табиатнинг олтин фасли эмас, балки висол онларини кутиб сарғайган севги, умр дафтариининг заъфарон варақлари, қиш олдида изҳор қилинаётган тазарруъ фасли бўлиб кўринади. Хуллас, куз бу ўткинчи ҳаётни фалсафий мушоҳада қилишга уринаётган шоир Усмон Азимнинг қалб кечинмаларини турли ранг ва бўёқларда акс эттиришга хизмат қилувчи образ даражасига кўтарилади”¹⁶⁵. Шоир шеърлятда мазкур образнинг бир қатор метафориклик хусусияти намоён бўлади. Шунга кўра мазкур образни қуйидагича таснифлашни жоиз топдик: а) Юрт тақдири билан боғлиқ шеърлярида Куз метафораси; б) Инсон умр босқичи, руҳияти ва кечинмалари ифодасида Куз.

Шоир шеърлярида гоҳ сеҳрли эртақлардаги дев, ажиналар, Кенжа ботир, тош пари образлярида, гоҳ халқ дostonляридаги каби ҳақсевар Элбек бахши кўшиқлярида, гоҳ табиатдаги турли ҳодисалар, йил фасллари, хусусан, Куз ва унинг унсурляри орқали мавжуд мустабид тузумнинг ижтимоий масалалари кенг ёритилади. Масалан, “Кузги боғ I” туркумида шоир “Эй, етмиш йил **хазон** терган юрт”¹⁶⁶ сатрида “пахта” учун эгилган, мустақиллиги йўқ халқимиз фожиасини **хазон** метафорасида ўкинч билан тасвирляйди.

Дўстлар, илиқ ёлғон комидан,
Ҳайданг – кузга чиқсин қалбингиз
Ичинг зариф ғусса жомидан,
Титранаркан ногоҳ лабингиз.
Гул деб меҳр қўйдингиз хорга,

¹⁶⁴ Йўлдошев Н. Чўлпон шеърлятида инсон ва табиат талқини. – Тошкент: Akademnasr, 2016. – Б.18.

¹⁶⁵ Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт: адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар./ – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013. – Б. 88.

¹⁶⁶ Усмон Азим.. Сайланма. – Тошкент: Шарк, 1995. – Б. 381.

Яшадингиз хорликда яшнаб,
Билмадингиз хушбахт баҳорда,
Юрак кетар вужудни ташлаб.
Қувончинг кўп зулмлари бор –¹⁶⁷

Ушбу мисраларда шоир собиқ мустабид тузум тобора ўз поёнига етаётган, жамиятда ошкоралик бошланган, ҳар бир миллат вакили ўз эрки, ҳуқуқини англаган, истиқлол, ҳақиқат ва адолат учун кураш, интилиш кучайган йиллар акс этади. “Илиқ ёлгон коми”, “зариф гусса жоми”, “гул деб” “мехр” кўйиб, “хорликда яшна”ш “хушбахт баҳор” ва “қувончинг кўп зулмлари” – метафорик тасвирларида шоирнинг асл нияти яширинган бўлиб, собиқ мустабид тузум қиёфасини кўрсатиш билан бирга ёлгон тузум алдовларига учган авлодни уйғотишга уринади. Шу боис мустабид Куз образини яратади. Унинг дўстларни кузга чорлаши – Ўзликни танишга, Эрка талпинишга даъватдир. Шоирнинг “Эрк – азобдан кўчган ғазабмас, Эрк – гуссадан учган ақлдор” деган эътирофи бежиз эмас. Чунки Истиқлол ватаннинг фидоий фарзандларининг ушалмаган орзуси; бу йўлда улар чеккан жафолар, тўкилган қутлуғ қонлар эди.

Куз кўксимга юракни михлар
Юрак – Исо пайғамбар каби.

Шоирнинг юрагига ўзлигини танитган куз яна бир ҳуқуқ беради. Маълумки, Исо масиҳ “ўликни тирилтириш” қобилиятига эга муборак зотлардан эди. Шоир юрагини ушбу тимсолга ўхшатиши, унинг зиммасидаги залворли вазифасини кўрсатади. Зеро, шоир ухлаётган мудроқ юракларга эрки, ўзлигини англаймоғи зарур эди. Мунаққид айтганидек: шоир “бутун умрини “Куз (мустамлакачи рамзи) билан жанг” қилишга бағишлайди. Ажабки, шоир ижодида ушбу рамзий тимсоллар шеърдан-шеърга, тўпладан-тўплаганга барқарорлашиб, ўсиб, кенгайиб, тиниқлашиб бораверди”¹⁶⁸. Унинг “Кўнгил”(2019) китобидан ўрин олган “Болалиқдан

¹⁶⁷ Усмон Азим.. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 382.

¹⁶⁸ Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт: адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013. – Б. 87.

хотира” шеърида Куз метафорасида мустабид тузумнинг халқимиз бошига солган “қора кунлари” тарихи ёритилади.

Куз

Тоғу даштга етган.

Куз қисматимни айлаган пайҳон:

Онам тоғлар ошиб пахта теримига кетган,

Отам вафот этган аллақачон.

Чўл бор бу баланд тоғлардан нарида,

Тоғлардан ҳайдалган Бойсун унда сарсон.

“Пахта зарур!” деган зулмнинг қаҳридан

Қутилмоқ беимкон¹⁶⁹.

Шоир ижодида болалик хотираларига бағишланган шеърлари йил фасллари билан боғлиқ тасвирланади. “Сайланма” китобида “Болалиқдан икки хотира” шеърий туркуми мавжуд. Биринчи қисмида “Қиш”, иккинчисида “Ёз” фасли орқали шоир болалиқнинг қисқа ва ғамгин “таржимаи ҳоли”ни беради. Аввало, мазкур шеърни ҳам шу туркумига киритиш мумкин. Қиш ва Ёздан фарқли шоирнинг Кузда тасвирланган болалиқ йиллари унинг ҳаётидан “узун ва мунгли бир қисса” ёзилгандек ўқилади. Лирик қаҳрамон болалиқ кечинмалари орқали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги (“Қисматини пайҳон айлаган Куз”), пахта яккаҳоқимлиги (“Чўл бор бу баланд тоғлардан нарида Тоғлардан ҳайдалган Бойсун унда сарсон”, “Пахта зарур! деган зулмнинг қаҳридан Қутилмоқ беимкон”), етимлик азоби (“Отамнинг Йўқлигига эса кўнганман”), Шўролар даврининг “қулоқлаштириш” сиёсати (“Мен аниқ биладан, отам Сибирдан Касал бўлиб қайтгач вафот этгандир”), она дийдорига интиқлик (“Тепалардан ошиб келсайди онам Соғинчга тўлганман, армонга тўлганман”), урушдан кейинги оғир йиллар (“Ғуссалиман, жоним борар

¹⁶⁹ Усмон Азим. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 34.

титилиб, Боз устига кузнинг ситамини сезаман”), қисматга кўникиш (“Ҳозир чўлда пахта терар онам, Менинг ва отамнинг ғуссасин кўтариб”) каби тадрижий келтирилган воқеаларда даврнинг ижтимоий аҳволи Куз фасли фонида ёритилади. Шоир шеъриятида Чўлпондан фарқли Куз метафораси мавжуд тузумнинг ижтимоий манзараларини кенг ёритади. **“Кузнинг ситами”** метафораси собиқ тузум юритган адолатсиз сиёсатнинг ёрқин ифодаси бўлса, **“Тоғлардан ҳайдалган Бойсун унда сарсон”** метафорик образи янги ўзлаштирилган ерларга одамларнинг ўзи яшаб турган ҳудудлардан кўчирилиши, халқ турмушининг қийинчиликларини тасвирлайди. Хотирлаш орқали аччиқ фожага тўла қисмат Куз табиатига муқояса қилиб тасвирланган бўлса, шеърнинг давомида лирик қаҳрамон туйғулари ва руҳий кечинмалари яна шу образга боғланиб кетади:

Мен эса юрибман даштда – мол боқиб –

Ғамда уваланган – қариган бола.

Бесадо оғриқда кунлар ўтар оқиб,

Кўксимда куз каби жим нола.

Шоирнинг “куз” каби “жим ноласи” – Эрк ва Истиқлол орзуси; бу нафақат лирик қаҳрамон руҳиятини ёритувчи тимсол, балки катта умумлашмаллик касб этиб боради. Таниқли шоир эътироф этганидек: “Усмон Азимнинг шеърдаги барча йиғилари, ҳайқириқлари, чақириқлари миллат ва Ватан дардидан туғилган”¹⁷⁰. Шеърнинг сўнгги мисрасида Куз сўзининг уч марта ишлатилиши лирик қаҳрамон руҳий кечинмалари, умр поёни билан ўша мудҳиш давр якунига ишорадир:

Теграмда куздир,

куздир...

Куз.

¹⁷⁰ <https://telegraf.uz>: Мирзо Кенжабек. Усмон Азимнинг шеърят карвони...

Шоир “Куз”(2001) шеърий тўпламига хитой шоири Чжан Кецзюнинг “Наҳотки кетмоқда баҳор?..”¹⁷¹ мисрасини эпиграф қилиб танлашининг ўзиёқ унинг бадий мақсадини ёритади. Шоир инсон умрининг сўнгсиз фожиасини ушбу фаслда кўради. Куз – инсон умри ибтидоси эмас, интиҳоси. Куз тимсолида инсон ботиний дунёсининг аниқ ва мўъжаз суратларини акс эттиради. Шоирнинг “Ким дединг?...” деб бошланувчи шеърида ана шундай ўзига хос метафориклик кузатилади.

Сарғайди баҳорда туғилган япроқ,
Йўл юриб вақт кечиб тиниди анҳор.
Куз йўқ. Ўриндикда – чорбоғда бу чоқ,
Мунғайиб ўтирар қариган баҳор¹⁷².

“Баҳорда туғилган япроқ”нинг сарғайиш ҳолатининг ўзиёқ кўз олдимизга Куз манзарасини жонлантириш билан бирга туғилиш, ўсиш, ёшлик ва ниҳоят қариллик палласида турган инсон тимсолини яратади. “Йўл юриб, вақт кечиб” “анҳор” тиниши – табиий ҳодисадир. Кўрамизки, бу табиийликка боғлиқ тасвир ортида инсон умрининг ҳам тобора тугаб бораётганлиги “Куз деган фасл йўқ. Боғдаги маъюс Вақт асли баҳорнинг вайронасидир” метафорик тасвири асосида юзага чиқади. “Ўриндикда – чорбоғда мунғайиб ўтирган” “қариган баҳор” – ўз умри сўнги ҳақида ўйга толган Инсондир. Демак, инсон ва унинг Ҳаёти тадрижий тарзда метафоралашади: “Баҳорда туғилган” “япроқ”нинг “сарғайиши”, “йўл юриб, вақт кечиб” “анҳорнинг тиниши”, “қариган баҳор” метафоралари ўқувчи тасаввурида Инсон тимсолини жонлантиради. Куз фасли ва ундаги унсурлар билан боғлиқ метафорик тасвирлар орқали шоир инсон умри қисқалиги (“Ана, новдасидан титранди япроқ, Мерган вақт узган ўқ отди ўмгандан”), ўз умри мазмуни ҳақидаги ўй-кечинмалар (“Унинг жимлигида дунё савдоси, Ўткинчи ҳаёту, синашта турмуш”), унинг шодлик ва афсусга тўла дамлари ёди (“Боғдан кетаётган қушлар ортидан, Қўлларин оҳиста чўзиб...” қўйиши)

¹⁷¹ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 3.

¹⁷² Кўрсатилган манба, – Б. 184.

каби ифодалар яратадики, булар ўқувчини умр мазмуни, яшаш саодати ва тириклик ғами ҳақида теран ва чуқур мулоҳазалар юритишга ундайди. Шеърдаги “мунғайиб ўтир”ган “қариган баҳор”нинг “мангуликка” – “хазон баргларига “ковуши” тўлиб “жўнаши” – Инсон қисматидаги гуллаб-яшнашнинг поёни “асли” – “баҳорнинг вайронаси” метафорик тасвири эса киши қалбини ларзага солади. Бу айниқса, лирик қаҳрамон иқрорида таъсирчан ифодаланади:

Куз йўқ (йиғлаяпман)...Куз йўқдир бироқ
Қирқ уч баҳоримни мен ҳам кўмганман.

Юқоридаги фикрларимиз давомини ёзувчи, шоир ва мунаққид Улуғбек Ҳамдамнинг “Қар қандай яхши шеър марказида ўзининг қувонч ва ташвишлари, орзу ва армонлари билан инсон туради”¹⁷³ деган сўзлари тасдиқлайди. Шеърда Куз метафораси инсон умри поёнидаги қалб кечинмалари, изтироблар ифодасидир. Кўринадик, шоир шеърларида Куз метафораси ижтимоий мазмун ва лирик кечинмалар ифодасини ёритишга хизмат қилган. Рус шоири Борис Пастернак шеърятда метафора вазифасини тўғри баҳолаганидек: “...метафоризм – катта шахснинг стенографияси, инсон руҳининг жадал усулдаги ифодаси, оний тасвиридир”¹⁷⁴.

Усмон Азим шеърларида аёл ва Она образини янгича поэтик ифодаларда кўриш мумкин. “Маним Юнус парим, Мисқолим маним...”, “Деразадан боқар соҳибжамол ой” каби эркаловчи истиоравий тасвирлари аёлнинг ўзидек назокатли ва гўзал. Айни улар шу гўзалликка муносиб танланган. Шоирнинг “Бизни бахт яратган.” деб бошланувчи шеърда Бахт тушунчаси ҳам Она образини акс эттиришга қаратилган. Эркин вазнда яратилган ушбу шеърда Бахт мавҳум оти метафорик образ табиатига эга.

Бизни **бахт** яратган.
Қишлоқдаги онамизга

¹⁷³ Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърятини. – Тошкент: Шарк, 2014. – Б. 63.

¹⁷⁴ Акромов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 26.

Ўхшаш бахт.

Аммо уни

ташлаб кетдик.

Ўқувчи онгида пайдо бўлган “Бахт ким?” деган саволга муаллиф шеърнинг ўзида жавоб беради ва иккинчи сатрда шеър мавзуси белгиланган. Ҳақиқатдан ҳаётимизда ота-онамиз борлиги биз учун бахт ва бу дунёда фарзанднинг борлиги ота-онага бахт экани ҳар доим ҳар бир инсон қалбида кечади. Шеърда Она сиймоси Бахт метафорик образига кўчирилади. Шеър онага бағишлаб ёзилган “сокин қасида”. Жуда ғамгин ва ўқувчи қалбини титратувчи ритмик воситалар ҳаёт ҳақиқатларини тасвирлаган. Ҳар бир сатрда фарзанднинг туғилганидан то ўсиб, улғайиши, онанинг сўнгги йўлга кузатилишигача, унинг Онага МУНОСАБАТи, фарзандлик ОҚИБАТи бор.

Бир куни бахтни кўмгани борамиз.

Йиғлаймиз.

Англаймиз

Биз ўлдирганмиз бу бахтни

Бизни соғиниб

Ўлган бу бахт.¹⁷⁵

Фарзанд туғилган уйдан куш мисол учиб кетаркан, энди у “бебахтликка кўникади”. Она фарзандини яхши кўради, ҳар бир фарзандига меҳри тўлиб тошиб яшайди, аммо йиллар ўтиб фарзанднинг унга меҳри ўзгаради (“Сўзларимиздан самимият қочганини аллақачон сезган”). Шоир она ва фарзанд ҳақида ҳаётий лавҳадаги кинога асос бўладиган воқеаларни шеър мазмунига шунчалик сингдириб юборадикки, Она сиймосини гавдалантирувчи Бахт метафорик образи ўқувчи қалбидаги таъсирчанликни ошириб боради. Шоирнинг дастлабки ижодий босқичини тадқиқ этган академик Б.Назаров таъкидлаганидек, унинг “... шеърларида ё бевосита, ё

¹⁷⁵ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.131.

билвосита оқибат масаласи кўтарилади”.¹⁷⁶ Шоирнинг мазкур Бахт метафорик образида ҳам ана шу масалани кўриш мумкин.

Маълумки, Усмон Азим шеъриятида “Тоғ ва дашт” туркуми мавжуд. Инсонга жуда кўплаб нарсаларни табиат тухфа этади, уни ўзига чорлайди, унга ўргатади. Шоир эса илм излаб шаҳарга келган, унда ўқиб бир умрга шу ерда яшаб қолиб кетган. Бу гаплар бир қарашда инсонга жўнгина туюлиши табиийдек, лекин инсонга киндик қони тўкилган жойдек муқаддас Ватан бўлмайди. Шу сабаб шоир ижодида “Бойсун”, “Тоғ” ва “Дашт” образлари юқори пардада куйланади, айниқса, дашт ва тоғликларнинг содда, жайдари оҳангдаги кўшиқларда кўплаб образлар янгича акс садо беради: “ – *Тоғим*, умр кетмай учрашайлик тез, – Умрнинг китоби қарийб ўқилди. – *Дағитим*, кўришайлик, тезроқ кел, бу ён!”. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, Усмон Азим ўзбек шеъриятига виқорли тоғлару дараларга туташиб кетган “дашт” образини олиб кирди. Шоирнинг “тоғ”и, шоирнинг “дашти” бир зум бўлсада, уни тарк этмаган, уни соғинган. “Дашт ва тоғ ҳақида қисса” шеъри бир ўқишда киндик қони томган юртга нисбатан инсон қалб қатидаги соғинчу армонлар ифодасини куйлайди.

Қалбимга тўкилди соғинч хазонрез,
Жонимга етишди қаро совуқлар.
Тоғим умр кетмай учрашайлик тез –
Бошимда айланди кўрқинч човутлар.
Тоғим қолган ёққа айладим нолиш,
Воҳким, дардим – баланд, нолишларим – паст.
Уфқдан мунғайиб келар бир овоз,
– Мен кетсам бир ўзи қоладику дашт...¹⁷⁷

Шеърда лирик қаҳрамоннинг “хазонрез” “соғинч”ига, жонига етишган “қаро човутлар”ига сабаб бўлган “тоғ” ва “дашт” метафорик образида асосий маъно етакчилик қилади. Тоғлар рамзи бадий адабиётда собитлик,

¹⁷⁶ Назаров Б. Ҳаётчилик – безавол мезон: Адабий ўйлар. – Тошкент, Ёш гвардия, 1979. – Б. 177.

¹⁷⁷ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 226.

улуғворлик ва мағрурлик каби инсон фазилатлари қиёси, даштда хокисорлик, камтарлик ифодаланади. Шоир мазкур образларга Инсонга хос хислатларни кўчиради. Лирик қаҳрамонни соғинган тоғу дашт уни чорлайди. Шеърда мазкур метафорик образлар бутун шеър даражасида воқеаланган. Лирик қаҳрамон қистовига на тоғ, на дашт кўнади, уларнинг жавоби шундай:

– Биз кетсак, Бойсуннинг ҳоли не кечар,
Ўзинг кел оғажон! Оға ўзинг қайт.

Шундай бадавлат, мағрур, хокисор камсуқум инсонлар борки, кичиккина гўшасини сийму зарларга, зебу қасрларга алишиб, ўзга жойга ташлаб кетмайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони бўлган тоғ ва дашт ҳам шундай. Шу сабабли лирик қаҳрамон жавобсиз ўз-ўзига савол кўяди: “Бойсунда тоғ бўлмоқ қандай машаққат, Бойсунда дашт бўлмоқ нақадар оғир?” Айниқса, метафора асосида қурилган “Дашт ҳақида баллада”¹⁷⁸ шеъри инсоний фазилатлар ва туйғуларга йўғрилган, шиддатли кечинмалар тасвири билан ўқувчи қалбига ҳаяжон солади.

Тоғлар кичрайди, пасайди осмон.
Яшаб бўлмайди-ку ахир энгашиб...
Жўнадим баландроқ осмонлар томон
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди¹⁷⁹.

Лирик қаҳрамон учун ўзи яшаб турган жой – тор: “Тоғлар кичрайди”, “осмон пасайди”, “энгашиб яшаб бўлмайди”. “Баландроқ осмонларга” – катта шаҳарларга йўл олган қаҳрамон ортидан Бойсуннинг дашти эргашади. Шеърда “Бойсуннинг дашти” муҳим поэтик топилма бўлиб, у шоир балладаларига хос сюжетнинг ниҳоятда шиддатли ва қизиқарли кечишини таъминлаган. Мунаққид айтганидек: “...дашт поэтик образ сифатида гавдаланади, чунки унда шоирдаги фикр ва туйғулар туташган, ғоявий

¹⁷⁹ Усмон Азим. Уйғониш азоби. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1991. – Б. 31.

бадий мақсад юки унга юкланган”¹⁸⁰. Айни пайтда дашт янгича метафорик образ бўлиб, барча ҳолат ва воқеалар у орқали очилган. Шоир дашт ва ўзини боғлаб турган риштани, у билан қай жиҳатдан уйғунликда кечаётганини тасвирларкан, “дашт”ни жонлантиради. “Бойсуннинг дашти” “уни уфқларга ишонма”сдан, “тезликнинг шамолларига” дош бериб, “темир йўл шпалларига” “қоқилиб” бўлса-да, ортидан қолмагани, сўнг дашт шоирга шаҳар кўчалари-ю хиёбонларида, ижара уйлари-ю давраларда доимо ҳамроҳ бўлгани, “дилида беун яша”ган “дашт”ни “тунлари кучиб йиғла”гани, хуллас, “ҳар эзгу ишда содиқ бўл”гани ҳақида айтилади. Кейинги бандда лирик қаҳрамон ва мазкур образ ўртасида рўй берган психологик конфликт шеър воқеаларини ривожлантиради.

...Аммо нима қилиб қўйди бу йиллар!
Гарчи мен, мунаққид айтгандай, “ўсдим” –
Ўртамизга кирди қай айёр жинлар,
Кўпхона уйимга сиғмайди дўстим”.

Йиллар ўтиши лирик қаҳрамонни бир қадар юксалтирган, бироқ дашт билан бирга яшаса-да, энди “айёр жинлар” қалбга солган кибр ҳавойилик – даштни “кўп хонали уйга сиғдирмайди”. “Шеър ярмидан кейин контраст тасвир бошланади. Дашт ва лирик қаҳрамон орасида улкан бир “АММО” – жарлик пайдо бўлади”¹⁸¹.

Ялинаман унга:
Бор, **Бойсунга** бор!
Шаҳарга ярашмас саҳройи сўхтанг.
Борсанг – шамол тайёр, ёмғир ҳам тайёр,
Тоғлар орасида яшайсан кўркам.
Панду насиҳатлар бериб толаман,
Алдайман:
– Юр, кетдик ифор тергани...

¹⁸⁰ Шермуродов Т., Исмоил И. Усмои Азим ижодиёти. – Тошкент:ТДПУ. 2011. – Б. 66.

¹⁸¹ Аҳмедов К. Бағишлов асарлар моҳияти. // Ёшлик, 2011. – 4№.

Ҳар баҳор довдираб Бойсун бораман,
Бойсунга **дашт**ини ташлаб келгани.

Бироқ дашт сезиб улгуради. Лирик қаҳрамон дашtdан “қутулмоқ учун” “инглизча кулф” қўйса-да, аммо “юррак азобда!” Унинг биографик характерга эгаллиги ва бағишлов шеър эканлигини инобатга олсак, албатта, шоир ҳаётида ҳам қишлоқдан илм излаб, шаҳарга йўл олгани ўз ҳаёти мисолида давр инсонлари ҳаёти, кечмишига бир қур назар ташлаб, дашт метафораси ортида Ўзлик муаммосидан сўз очганини бирдан англаш осон кечмайди. Ҳар бир инсон Ўзлиги, аслиятини йўқотиши мумкин, қачонки, “айёр жинлар” қалбига солган нафсининг қутқуси, кибр, худбинлик унга ором бермаса... Эзгу фазилатларидан кечиб, инсоний туйғуларни унутиб бошласа... Шоирнинг лирик қаҳрамони дашtdан эмас, ўзлигидан қочишга уринади. Инсон “ўзининг ички оламини чуқур билмагани боис ўзлиги билан юзлашишдан қўрқади ва ҳаётининг ҳар бир босқичида ўзидан қочади”¹⁸². Шоир мазкур балладасида инсон ҳаётидаги ана шундай аччиқ ҳақиқатни қаламга олади. Ўзлигидан, аслиятидан кечиб бораётган лирик қаҳрамон фожиаси ҳам ўзликдан кечиш, шаҳарга борган инсоннинг қарашлари, туйғулари ўзгариши, болаликдан синган фазилатлар энди лирик қаҳрамон табиатига мос келмаслиги ва дашtdан қутилишга уриниш каби ҳаракатлар билан узоқлашиб боради. Нозиктаб мунаққид И.Ҳаққулов ёзади: “Ўтмишдан ўзиб яшаш мумкин, аммо узилиб яшамоқ жуда қийин”¹⁸³. Метафорик образ ҳаётий ҳодисаларнинг предметлар билан боғлиқ ҳолда ифодаланиши ҳодисаси ҳамдир, у шеърнинг маънавий-эстетик вазифасини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Усмон Азим ёзда сарғайиб, баҳорда яшилликка бурканган “дашт” географик тушунчасини шеърда жонлантираркан, инсон табиатига сингиб борган фазилатларнинг ҳам ҳаттоки ўзгариши, мазкур образни метафорик ифодалаш орқали намоён бўлади. Ўзликдан кечишни ниҳоятда теран ва аламли бир тарзда

¹⁸² Ҳаққулов И. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 386.

¹⁸³ Қўрсатилган манба, – Б. 206.

тасвирлайдики, шеърнинг сўнгида “дашт”ни “эгасиз ит”га ўхшатилиши бу образнинг янада теранроқ кўринишини белгилайди. Унинг шеърларидаги метафорик образлар моҳиятини тўғри баҳолаган олим Н.Каримов таъкидлашча, шоир “...истиора ва бошқа тасвир воситалари ёрдамида туйғунинг онг орти ҳаракатларини ҳам тасвирлаш маҳоратини мукаммал эгаллади”¹⁸⁴.

Шоирнинг “Чирок ҳақида баллада” шеърда **чирок** образи ҳам метафорик табиатга эга. И.Ғафуров айтганидек: “Шеър фалсафий бир сентенция билан бошланади: “Кундузлари бедардлик ёмон, кечалари беомон оғрик”. Дунёнинг тиғизликлари, тангликларида, тўфонларида дарбадар кезган, толган, кўним, паноҳ излаган бир демон. У чирокқа интилади. Ёруғликдан мадад олишни истайди. У кутилмаганда ёруғ бошпана топганлигидан масарратга тўлади. Лекин чирок... нега шифтга осилган?

Бу нима кўргулик?

“Сени шифтга ким қўйди осиб?”¹⁸⁵

Аслида муаллифнинг Чирок образи ортида бизга айтмоқчи бўлган Ҳақиқати ижод ва ижодкор ҳақида. Маълумки, чирок хонани юқоридан ёритувчи асосий ёруғлик воситаси. Бироқ шоирнинг ушбу балладаси мазкур восита ҳақида эмас. Чирок шеърдаги оддий детал вазифасини ҳам бажармайди. Метафорик образнинг мунаққид айтиб ўтганидек “яширин ўхшатишга асос” бўлишини инобатга олсак, Чирок образи айна шундай табиатга эга. Чунки, ижодкор – инсон кўнгил оламини ёритувчи зиёкор. Аммо шоир шеърдаги Чирокнинг қисмати бошқача. Шеърнинг иккинчи ва учинчи банди ўқувчи учун бошпана излаётган лирик қаҳрамоннинг бошидан кечирган воқеаларни мушоҳадалашга ундайди:

Бошларимга ёмғирлар ёғди,

Эримади елкамда қорлар.

¹⁸⁴ Каримов Н. Некбин рух, ҳаётсевар ғоя. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. №47.

¹⁸⁵ Ғафуров И. Салом Чирок! Салом Усмон! // Ёш куч, 2010 йил, 27 апрель.

Товушимдан шамоллар оқди,
Бўғзимда узилди торлар.
Хонадонинг нақадар равшан,
Салом чироқ! Азизим, чироқ...
Мен яшайман энди сен билан
Бу эшикдан кетмайман йироқ¹⁸⁶.

“Навоийнинг узун байтида ғазаллар тиловат қил”иб, “Сўзлар энди кўнглимга чўри Кун кўраман қалбимни ёзиб” дея орзуланаётган лирик қаҳрамонга “Чироқ”ни “шифтга” осилиб тури”ши “кўрим” ва саволи ҳам ана шу фожиани асл тагига етмоққа ундовчи: “Ким уни осган?”. Чироқ “хонага кўрқиб кўз ташлаган”, “нурсиз бир ҳадик билан порлаган” “қийналару кулиб” айтаётган жавоби: “менга керак Бошпанасизлик...” дейиши ғалати. Собик мустабид даврда ижодкорнинг сўз эркинлиги бўғилди. Айниқса, танланган мавзу ва ғоядан четга чиққан ижодкорга жазо ҳам тайин эди. Қаламини ҳақиқат учун шайлаган ижодкорларга осон бўлмади, улар “кўрқув” ва “ҳадик” билан жон сақлади. Шоир давр ижодкорларининг машъум қисматини “симарқон” ичида “ниҳон” турган чироқнинг “Бошпана ҳеч керакмас... Ишон” деган иқрорида кўрсатади. Шоир ижодининг тадқиқотчиси Жумагул Сувонова ёзганидек: “Давр воқеаларига ҳамиша ҳушёр кўз ва ҳақ сўз билан ёндашиш Усмон Азим шеъриятидаги етакчи хусусиятлардан ҳисобланади. У ўз ижодида қайси мавзунини ёритишга ҳаракат қилмасин, ҳамиша тўғрилиққа муҳаббат, эгриликка нафрат билан қаради. Шоирнинг бундай қарашлари унинг инсонни, ўзликни англаб етиши билан боғлиқ эди”¹⁸⁷. Усмон Азим сўз санъаткори бўлган шоирни чироққа ўхшатишинини сурхондарёлик шоир Шафоат Раҳматуллоҳга ёзган хатида ўқиш мумкин: “...сизнинг борлигингизни ўйлаб кўнглим ёришади. “Шафоат бор-ку, дейман” қувониб. Ўшанда кўз олдимга нима келади? Чироқ! Эсимга тушганингизда,

¹⁸⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 309.

¹⁸⁷ Сувонова Ж. Усмон Азим.. шеъриятида бадий тафаккур теранлиги. Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б. 34.

кўнглимни равшан этадиган чироқ!”¹⁸⁸. Усмон Азим шеърлятида мазкур образнинг метафориклашуви шоирнинг адабий-эстетик қарашларига мос яратилган.

Усмон Азим шеърлятини китобхонга ошно туттириб, сеҳрли самовий кечаларда умидбахш хаёллар оғушига чорлаган образлардан бири – *ёмғир, тунги ёмғир, кузак ёмғири, ёмғирли кеча!* “Ёмғир ёғди майда-майдалаб, Майда-майда бўлди юрагим!” Мазкур мисраларда табиатнинг ёмғирли кечаси ошиқлар романтикаси, куйи, азоби ва изтироблари бўлиб янграйди. Одатда, ёмғир шеърлятда кенг қўлланилиб, у “меҳрини заминга тўккан булутнинг ҳасратлари, осмоннинг кўз ёшларига ўхшатилади”¹⁸⁹. Унда кут-барака, раҳмат (Миртемир шеърлярида), адоқсиз соғинч, кулгу, ҳақиқат ва тириклик, кўнгилни ғуборлардан озод этувчи Ҳаёт ва Умид ифодаси мужассам. Шоир инсон умр фаслининг муҳаббат билан боғлиқ тасвирлярида ёмғирнинг гўзал метафорик ифодасини яратади: “Мен ҳам *ёмғир каби бир ёғиб ўтдим, Сен ҳам ёмғир каби йиғлаб ўтдинг бир...*”, “Бошларингдан мен ҳам бир кеча *ёмғир бўлиб ўтсам майлими?*” Бундай ифодаларга бой, ҳақиқий ошиқ руҳияти, изтиробли ва аламли ҳолати машҳур “Ёмғир ҳақида баллада” шеърляда маҳорат билан тасвирланади. Мазкур шеър бутунлигича метафора асосида яратилиб, унда “ошиқ ёр” қиёфасидаги лирик қаҳрамон “Ёмғир” – метафорик образдир.

Булутлар кифтида этдим саёҳат,
Осмондан ергача йўлни тарадим.
Учиб деразангга кўндим ниҳоят,
Мен – ёмғир! Қарагин, жоним, қарагин.

Муқаддас китобларда ҳамма яратилмиш жуфт-жуфт қилиб яратилади. Жумладан, осмон-ер, кун-тун, куёш-ой зикр этилади. Миф ва асотирларга кўра осмон ёр, ер - унинг маъшуқасига қиёсланади, уларнинг висолга етишув рамзи сифатида “ёмғир” қаралади¹⁹⁰. Шоирнинг “булутлар кифтида”

¹⁸⁸ Усмон Азим. Сўнгсўзлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – Б. 434.

¹⁸⁹ Тимсоллар тилсими (Рамз, белги ва тимсоллар тасвири). / Тузувчи: Д.Мингбоева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 52.

¹⁹⁰ Кўрсатилган манба, – Б. 52.

“саёҳат этиб”, “осмондан ергача йўлни тараб”, “деразага қўнган” “ёмғир”и – муҳаббат ўтида ковурилган инсон, яъни ошиқ тимсолидир. Аммо “Ҳарир абрлар”да гўёки “ой” қадар бўлиб бораётган маъшуқа унинг ҳолини билмайди; у “гоҳ этагига беозор” “гоҳ этигига бебахт сурунган” ошиқнинг изтиробларини англамай уни соябон сатҳидан суриб ташлайди. Бироқ ошиқ ёмғирнинг соғинчли ишқи яна аланга олади, унинг аламлари бисёр:

Ёзлик сургунида дилларим пора,
Соғиндим мен сени юрагим тақир.
Сўра, майда қолган майсадан сўра,
Мен ҳам ёмон ёмғир эмасдим, ахир.

Дарҳақиқат, “Кечинманинг фалсафий қамрови – туйғулар чексизлигини белгилаш, сиқик, равон ва аниқ, бадий ифодани шакллантириш, сўзнинг хиссий кўлами – оҳангдошлик, бўёқдорлик, таъсирчанликни таъминлашда метафора муҳим ўрин тутди”¹⁹¹. Кўрамизки, ёмғир метафорик образи армонли муҳаббат дарди билан яшаётган инсон, унинг руҳияти табиатнинг сирли ҳодисасига кўчирилган:

Ёғаман, ёғаман равишим йиғлов –
Бундай кетай десам соғинч қўймайди.

Ўзини ночор ёмғир санаса-да, маъшуқа учун жон беришга тайёр ёмғир унинг ҳажрида Куздек адо бўлмоқда: “Олам – ғаминг тўла бир байтулҳазан”; ногоҳ унинг “тани ичра” учаётган “оқ учқун” “қор” шу кечада етишган “фожиа” – мангу айрилиқ.

Тонгда деразани очдинг. Қарадинг –
Ташқарида қордир. Ташқарида қор.

Кузги ёмғирнинг қорга айланиб бориши табиатда мавжуд ҳодисадир. Шеър сўнгида “ёмғир”нинг тиниб, қорга айланиши – муҳаббат армони билан яшаётган ҳар бир инсонга хос туйғу ва кечинмаларнинг қалбда азобли ва энг покиза хотираларга айланишининг бетакрор қиёсидир. Ўқувчи кўз ўнгида “ёмғир” тиниб, “ташқарида” бепоён кенгликларга чўлғонган “оппоқ

¹⁹¹ Курбонбоев И. Метафоранинг ғоявий-бадий вазифалари. / Тил ва адабиёт. 2005. №1. – Б. 68.

кор” тасвири акс этса-да, муҳаббат дардида ёнган инсон тимсоли ёмғирнинг бутун дардлари, изтироблари – “Ёмғир симфонияси” бўлиб янграйди. Шеърда ҳолат ва тасвирлар яратишни хуш кўрган шоир ёмғир метафорик образи орқали муҳаббат туйғусини ҳис этиб, унга эришолмаган инсон ҳолатини сўзнинг энг ёрқин бўёқлари ёрдамида ниҳоятда таъсирчан ифодалайди. Буюк юнон олими Аристотел таъбири билан айтганда, метафора шеърятда “...янгиликни аниқ, ёқимли ва гўзал тарзда етказувчи...” ўзига хос нутқий безак воситаси эканлигини шоирнинг юқорида кўриб ўтган Куз, Тоғ, Дашт, Бахт, Чироқ ва Ёмғир метафорик образларида кўриш мумкин. Зеро, мунаққид эътирофидек: “шеърхон нигоҳини унинг ўз ичига, қалбига қаратишга хизмат этадиган шеър – ҳақиқий шеърдир”¹⁹².

Юқорида кўриб ўтдикки, Усмон Азимнинг баллада жанридаги шеърларига бутун шеър даражасидаги метафорик образлар хос бўлиб, инсон руҳий олами, унинг табиати ҳақида сўз юритади. Куз метафорик образида эса шоир даврнинг ижтимоий манзаралари ҳамда инсон умр босқичининг маълум бир палласини ёритади. Шу ўринда метафоранинг функционал жиҳатига эътибор қаратсак, Куз, Тоғ, Дашт, Бахт, Чироқ ва Ёмғир каби метафорик образлар шоирнинг бадиий ниятини ўқувчи онгига “топишмоқ тарзида” етказадикки, ўқувчи уни бирдан англаши осон кечмайди. Метафора масаласини ўзбек адабиётида тадқиқ этган олим О.Каримов бу ҳақида шундай дейди: “Поэзияда метафоранинг ўрнига жуда катта аҳамият берилиши унинг асосида ўхшашлик ётади, дейилишига етарли асос бор. Сабаби метафора принципи поэтик асарнинг барча сатҳларида тилидан тортиб, композицион қурилишигача амал қилади”¹⁹³. Хулоса қилиб айтганда, шоир метафорик образлар орқали инсон ва ҳаёт ҳақиқатларини ифода этади.

¹⁹² Ҳаққулов И. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 386.

¹⁹³ Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси // Жаҳон адабиёти, 2014. №-8. – Б. 187.

2.3.8. Фольклоризм асосида яратилган метафорик образлар

XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеъриятида фольклорга мурожаат қилиш, фольклор анъаналари ва мотивларидан фойдаланиш, айниқса, Усмон Азим шеъриятида яққол намоён бўлиши ҳақида дастлабки фаслимизда ҳам тўхталиб ўтдик. Фольклор таъсирида ёзма адабиётга фольклор анъаналарига хос ҳодисаларнинг бадий маҳорат билан сингдирилишидан, қайта талқин этилишидан фольклоризмлар юзага келади¹⁹⁴. Шоирнинг индивидуал услубида фольклор образлари орқали ижтимоий давр манзараларини ёритиш етакчи усуллардан экани айрим тадқиқотларда ёритилган¹⁹⁵ бўлса-да, аммо мазкур образларнинг метафорик табиати ўрганилмаган. Зеро, фольклорга хос ҳар бир образнинг ўзига хос муҳим белги ва хусусиятлари мавжуд.¹⁹⁶ Айниқса, халқ оғзаки ижоди, мифологик ва теомифолигик образларнинг метафорик кўчим хусусияти шеъриятда яққол акс этади.

Усмон Азим шеъриятида стилизацион фольклоризмларнинг метафориклашувини қуйидагича тасниф қилдик: а) “Алпомиш” достони ва халқ эртақларидаги образ ва мотивлар таъсиридаги метафорик образлар – Алпомиш, Барчин, Қоражон, ғоз; ойна, Учинчи ўғил, борса келмас, Гулпарни, Қора ботир; б) миф билан боғлиқ метафорик образлар – дев, аждарҳо, юҳо, ажина, алвасти, Семурғ; в) теомифолигик образлар – шайтон, фаришта, жаннат (беҳишт), дўзах (жаҳаннам) каби стилизацион образларга янгича ғоя ва мазмун ифодасини беради. Шоир мазкур образлар орқали даврнинг ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритишда, давр ва замондошлари қиёфасини тасвирлашда метафоризация усулини кенг қўллайди.

Шоирнинг “Ойбарчин бағрида-ю, Ойбарчинни излар Алпомиш...”, “Алпомиш хусусида шоир дўстим Хуршид Давронга махфий хат” ва

¹⁹⁴ Шаропова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар: Филол.фан.номз...дис автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 10.

¹⁹⁵ Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент:1994. – 57 б.; Шаропова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар: Филол.фан.номз...дис автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.

¹⁹⁶ Пардаев З. Истиклол даври шеъриятида халқона пафоснинг янгилиниши. Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс... – Тошкент, 2017. – Б. 33.

“Турмуш манзаралари” каби шеърларида Алпомиш образи шунчаки тилга олинмайди.

“Ойбарчин бағрида-ю, Ойбарчинни излар Алпомиш...” шеърида Алпомиш Ватанда туриб, Ватанни соғинади. “Воҳ, элим!” деб оҳ уради. Бунга сабаб иждокор ўзи яшаётган жамиятга назар ташлаб, атрофидаги кимсалар орасидан олийжаноб, эзгу фазилатли Алпомишдек фидокор инсонларни излайди. Минг афсуски, унинг замондошлари бойлик тўплаш билан оввора. Эл-юртнинг ривожланишдан кўра ўз манфаатларини устун кўяди. Шу боис шоирнинг лирик қаҳрамони дostonдаги каби “Алпомиш”ни “соғинган” Адабий суҳбатларнинг бирида шоир “...хар бир ўзбекда “Алпомиш”дек – мардлик, жасорат, фидокорлик бўлишини истайман,”¹⁹⁷ – дейиши бежиз эмас.

Арпали чўлида Алпомиш ухлар,
Уни уйғотмайман.
Уйғонса, нима иш буюрамиз унга,
Хуршид Даврон?
Укам каби Эски жўвада писта сотадими?
Акамдай пахта терадими икки минг тонна?¹⁹⁸

Эл-юрт озодлиги учун “уйқудаги” “Алпомиш”ни “уйғотиш” кераклигини билса-да, шоир уни “уйғотмайди”. Чунки юртда Алпомиш келбатли йигитлар “писта сотади”, “икки минг тонна пахта теради”. Жамиятда турли қинғирликлар кўпайиб бораётгани, оғир шароитда яшаётган инсонлар ўртасида ҳар хил иллатларнинг илдиз отгани шоирни ташвишга солади. Юртдаги бундай адолатсизлик, жамиятдаги ижтимоий аҳволнинг ёмонлашганини, уни янгилаш лозимлиги ҳақидаги ғояларини Алпомиш образига янгича поэтик вазифа юклаш орқали ифодалайди. Кўрамизки, мазкур образ метафорик табиатга эга бўлиб, шоир унинг ортидан “яширин” тарзда давр манзарасини келтиради. Шеърда риторик

¹⁹⁷ “Ҳар бир одамнинг илохий бир вазифаси борлигига ишонаман” / Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан суҳбат / Суҳбатдош: Р.Муллахўжаева. – Тошкент, Жаннат Макон, – 2007. № 4. – Б. 45-48.

¹⁹⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарк, 1995. – Б. 133.

сўроқ ва фикр давомини англатувчи уч нуқта қўллаши ҳам шунга ишора қилади: “Аммо отамиз қандай уйғонсин, Алпомиш ухласа...”.

Шунингдек, унинг “Турмуш манзаралари” шеърисида Алпомиш метафораси мазкур ғояларни янада ривожлантирган:

– Алпомиш бўлса эди, –
гапириниб қолдим мен.
– Бизнинг азобларга чидай олмасдан,
ўлиб кетар эди бечора
Алпомиш,
мийиғида кулди яктаги ямоқ чол.
– Сен ўлмаганмисан?—
деди кампири унга.
Ўзига ҳайрон қаради
Яктаги ямоқ чол.

Шеър қисқа бўлса-да, шоирнинг метафора билан бирга лирик қаҳрамонлар нутқида киноядан фойланиши ундаги ғояни тўлиқ ёритган. Чолнинг кинояси “Бизнинг азобларга чидай олмасдан ўлиб кетарди бечора Алпомиш”. Кампирнинг кинояси “Сен ўлмаганмисан?”. “Ўзига ҳайрон қараган” яктаги ямоқ чол – аслида у ҳам “Алпомиш”. Шоир халқнинг асл ҳаётини метафора билан бир қаторда рамз, киноя каби тасвирлар қатига яшириб кўрсатади. “Яктаги ямоқ чол” ва “кампир” – Алпомиш каби ўғлонлари бор юртнинг рамзий тимсоли. Бироқ кўрамизки, улар эркисиз, ўзлигини билмайди, уларнинг ниҳоятда аҳволи оғир. Мустабид тузумдаги хукмрон куч халқни шундай қийноққа солдики, халқнинг “ҳаёти” – “ўтган умри” “пахтаники” бўлиб қолди.

Шоир Алпомиш метафорик образи орқали жамиятнинг ижтимоий аҳволини ёритаркан, бу муҳитни янгилаш, эл-юрт фаровонлиги, унинг истиқлоли ва истиқболи йўлида ҳамон мард ва олижаноб, диёнатли ва ҳалол инсонлар кераклигини уқтиради. Маълумки, дostonда Алпомиш Бойсун-Қўнғирот ва қалмоқлар юрти Кашални бирлаштириб, унда адолатли давлат

Ўрнатган қаҳрамон сифатида тасвирланади. Шоир шеърларида Алпомишнинг кураши нафақат эл-юрт озодлиги йўлидаги кураш, балки Ўзликни таниш ва инсонларга ҳам ўзлигини танитишдир. Бироқ давр қаҳрамони йўқлигини англаган муаллиф дostonдаги каби Алпомишни орзу қилади. “Алпомиш” дostonида Алпомиш халқимизнинг орзу-умидларининг ифодаси сифатида яратилган бўлса, шоирнинг мазкур метафорик образида ҳам ана шу эзгу мақсад ётади.

Усмон Азим халқ оғзаки ижодининг саргузашт ва тилсимотларга бой эртақлардаги анъанавий образлардан бевосита ва билвосита унумли фойдаланиб, улар орқали жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тасвирлайди: ойна (кўзгу), тўнғич ботир, ўртанча ботир, кенжа ботир, учинчи ўғил, “борса келмас”, Гул пари, Қора ботир каби образ ва мотивлар шулар жумласидандир. Сеҳрли эртақларда турли сеҳр жодудан иборат ашёларга эга “йиғласа кўзидан дур”, “кулса оғзидан гул” ёғиладиган малика ёки пари образи ва у билан боғлиқ сюжетлар учрайди.

Шоирнинг “Балладалар” (“Сайланма”, 1995 йил) туркумининг “Тўртинчи баллада”сида худди шу образ ва сюжетнинг метафориклашуви натижасида мазкур фольклор образлари ортида даврнинг ижтимоий масалалари қаламга олингани аниқлашади.

Гулпари:

Қора қилдинг ёруғ оламини,

Яна нечун қийнайсан, ахир!

Йиғлатасан – Кўрлигим камми?

Қора ботир, Қоп-қора ботир!

Қора ботир:

Йиғла, пари, Хун бўлиб йиғла,

Дарё бўлиб йиғла, муштипар!

Хазина бор оққан ёшингда,

Ҳар бир ёшинг — Бир дунё гавҳар.¹⁹⁹

Гулпарининг гулдек танига қамчи билан азоб берган шафқатсиз Қора ботир уни ўлдирмайди, “жони”ни “тун-кун зиндоннинг тош қафасларида асраб”, “нафаси”дан “Гул ундир”ади. Шеърда эртак сюжети асосида давр зиддияти ва халқ турмушининг аҳволи метафорик тасвир фониди ёритилади. “Бир парча нон”, “бир томчи сув” эвазига икки кўзидан айрилган, ҳар бир ёши “бир дунё гавҳар”, “нафаслари”дан “гул унган” – Қора ботир зулмидаги Гулпари шунчаки мотив учун яратилган образ эмас. **Гулпари** мустабид тузум сиёсатининг зулмидан асл фарзандларидан айрилган, нафасида “гул” эмас пахта ундириб, эзилган муте халқ тимсоли бўлиб гавдаланади.

Ўзбек халқ эртакларида уч оға-ини ботирлар образи ва улар олдидан чиқадиган уч йўл – “Борса келар”, “борса хатар” ва “борса келмас” мотиви мавжуд. Кўпинча кенжа ботир катта акалардан фарқли машаққати номидан маълум “борса келмас” йўлини танлайди. Қўрқоқ акалар эса “борса келар” ва “борса хатар”га отланишади²⁰⁰. Шоир “Учинчи ўғил” шеърида мазкур сюжет ва ундаги образлардан фойдаланиб, ўз даври “оғриқлари” ҳақида сўзлайди:

Учинчи ўғил,
Акаларингда
пул, мансаб оғайнилар, катта қорин,
соғлиқ бўлади,
Сенинг ёлғиз Ватанинг...
Ватанни сотиб бўлмайди.
Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов,
Абдулла Қодирий — учинчи ўғил.
Бахтимга,
бахтсизлигимга

¹⁹⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 253.

²⁰⁰ Жўраев М., Расулова З. Миф. маросим ва эртак. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – Б. 59.

мен ҳам учинчи ўғил.²⁰¹

Эртақларда учинчи ўғил – чинакам меҳнаткаш, машаққатларга чидамли, руҳан пок ва ўзгаларга ёрдам берувчи, ёвузликка қарши, эзгуликни улуғлаган эзгу фазилатли қаҳрамон қилиб тасвирланади. Шоирнинг юқоридаги шеърида эртақ сюжетидан фарқли учинчи ўғил образида ватанпарварлик хислати алоҳида кўрсатилади. Мазкур образининг сатр бошида алоҳида таъкидда берилиши бежиз эмас. Шоир жамият ривожини, эл-юрт манфаатини учун курашмайдиган сотқин, худбин ва манфаатпараст инсонларни катта ва ўртанча ботирлар, Ватанни чин юракдан севган фидойиларни Кенжа ботир тимсолида кўради. *Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Абдулла Қодирий* каби улуғ сиймолар учинчи ўғил метафорасида келтирилиб, ватанпарвар, фидойий ва юртпарварлик хислати ушбу метафорик образда умумлаштирилади. Кўрамизки, метафорик образ деб талқин қилаётганимиз *учинчи ўғил* образига муаллиф ниҳоятда катта бадиий-эстетик вазифа юклайди. Демак, мазкур образ маънан покликка интилиш, ватанни чин юракдан севиш, борликдаги ҳар бир мавжудотни (у курбақа бўлса ҳам) ҳурмат қилиш, энг кўзга ташланмас нарсаларда ҳам катта ҳикматлар бўлишини англаш каби фазилатларни ўзида мужассамлаштиради.

“Ривоят” шеърида уч йўл мотиви орқали инсоннинг умри, яшаши ҳақида чуқур фалсафий мушоҳадалар ифодаланган. Шоир ушбу мотив орқали инсон ҳаёти ва у яшаб ўтган умрни “борса келмас”га қиёслайди:

Тақдирга тик қараш бандасин расми,
Ўйла **“Борса келмас”** умрдир асли²⁰².

Усмон Азим “борса келмас” мотиви орқали инсон умри ифодасини кўрсатаркан, ҳар бир инсон ҳаётда яшаши давомида қийинчиликлар бўлса-да, энг аввало, уни мазмунли кечириш керак, деган ғояни илгари сурган.

...Эртақ тугаган.

²⁰¹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 136.

²⁰² Усмон Азим. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – Б. 111.

Сен **борса келмасни** танлайвер.

Чунки инсоннинг умри

“**борса келмас**” дир²⁰³.

Халқимиз ибтидоий тафаккурининг маҳсули ўларок миф, афсона, эртак ва дostonлардаги дев образи узок асрлар давомида адабиётимизда кенг кўлланилиб келинмоқда.²⁰⁴ Дев – эртак ва халқ дostonларида шохли, думли, улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган эзгуликка қарши курашувчи хаёлий маҳлуқ, ёвузлик тимсолидир. У Эрон-форс мифологиясига мансуб образ бўлиб, эзгу кучлар – ахураларга қарши турувчи ёвуз кучлар, руҳлар²⁰⁵ саналган. Халқимиз дoston ва эртакларида девлар кўпинча ёмонликка хизмат қилувчи ёвуз куч сифатида тасвирланса-да, бироқ қахрамоннинг ботирлиги билан енгилиб, бўйсундирилади ва унга кўмак беради. Шоир шеърларида **дев** салбий кучга эга метафорик образ саналади.

Ё, довдираб **девлар** келишар –

Айланишар кетишмас нари

Яна ғавғо қилар сурбетлар

От соламан Кўҳи Қоф сари²⁰⁶.

“Яна бир эртак” деб номланган сарбаст усулида ёзилган шеърда шоир инсон ички оламидаги зиддиятли курашни **дев** метафорасида ёритади: *“Эртак айтди. Бу девнинг жони кабутарда. Нафас чиқарса, учиб чиқади. Мен пойладим. Нафас чиқармади фақат нафас олди бу дев. Бутун дунё кирди нафаси билан девнинг ичига. Не-не орзулар, не-не армонлар, не-не умрлар...мендан бошқа ҳамма нарсани ютди. Дев билан юрагим тенгсиз курашди. ...Юрагимда парвардигор борлигини сезмайди у бефаросат”*²⁰⁷.

Инсон ботинидаги нафсоний истаклар кураши дев метафорасига кўчирилган. Инсон умри давомида бутун хоҳиш истакларини енголмайди. Инсон ботинидаги **дев** – **нафс** унинг бутун вужудини эгаллайди, аммо

²⁰³ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 15.

²⁰⁴ Матёкубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат. – Тошкент: Фан ва технология, 2011. – Б. 30.

²⁰⁵ Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал лугати. – Тошкент: Чўлпон, 2018. – Б. 46.

²⁰⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995.– Б. 203.

²⁰⁷ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 204.

унинг қалбига киришнинг уддасидан чиқмаса-да, лирик қаҳрамоннинг бу курашга кучи етмай бормоқда. Дарвоқе, дунёвий нафс инсон ботинига ҳукмронлик қилиб, уни ҳалокатга етказди. Тасаввуфшунос олим И.Ҳаққулов Яссавий бобомиз ҳикматларидан хулоса қилиб, бу ҳақида шундай ёзади: “Нафс – ички, лекин жуда катта душман. У инсондаги бутунликни синдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталиклар барҳам топади”²⁰⁸. Демак, юқоридаги **дев** – инсон қалбидаги Нафсга ишора қилувчи метафорик образдир.

Халқимиз оғзаки ижодининг хаёлий-фантастик тасаввурларга бой жанри эртакларда зулмкор, одамни еб қўювчи аждар образи кенг учрайди. Ажда, аждарҳо, юҳо кўринишдаги мазкур мифологик образлар ёзма адабиётда ёвуз, салбий куч сифатида қўлланилади. Усмон Азим шеъриятида биринчи навбатда, у билан боғлиқ сюжет талқинида ўзига хослик кузатилади. “Ғаройиб Аждарҳо”²⁰⁹ эртак-достонида шоир оғзаки адабиётдан фарқли ёзма адабиётда бу образ билан боғлиқ сюжет ва образга ўзгартириш киритади. Яъни бир подшоҳнинг юртида аждарҳо пайдо бўлгани, аммо подшоҳни сарой аъёнлари, вазирлар-у инъом олган жами беклари шундай кулфатда ташлаб қочади. Унинг ёнида қолган, курашга тайёр турган оддий халқнинг садоқатини кўриб, уларнинг бошига подшоҳ ҳеч бир зулм қилмай ўз қизини товон тўлаш учун қирқ қорин, қирқ томоқ, қирқ бош – **аждарҳо** хузурига жўнатади. Подшоҳнинг қизи ҳам мардларча ўзига боқиб турган саксон кўзли аждарҳога “Мен келдим. Халқим деб Бўлгани курбон. Мени е! – дейди. Қирқ юзли аждар бу мардликдан кулиб, у фақатгина халқига ёв бўлган подшоҳликка офат бўлишини айтади: “Халқига ёв бўлса Агар подшоҳлик, У юртга, албатта, Келар бир офат. *Девми, аждарҳоми* – Бир балою бад”. Одатда ҳукмрон куч подшоҳлар халққа ҳар қандай кулфат келса ҳам, зулмни тўхтатмайди. Подшоҳнинг халқпарварлигини кўриб аждарҳо қизни отасининг олдига соғ-саломат жўнатади ва халққа деразадан боқиб

²⁰⁸ Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1991. – Б. 40.

²⁰⁹ Усмон Азим. Бор экану, йўқ экан. – Тошкент, Чўлпон, 1995. – Б. 32.

туришини буюради. Мазкур эртак-достонда **ғаройиб аждарҳо** образи ўзида, энг аввало, шоирнинг адолат, тинчлик ва халқпарварлик каби эзгу ғояларни ифодалашга хизмат қилган. Юрт эгалари халқига меҳрибон бўлса, демак, ҳар қандай аждарҳо зулмдан қайтади. Унинг “ғаройиб аждарҳо”си подшоҳлар зулмидан халқни ҳимояловчи улкан куч бўлиб гавдаланади. Шоир мазкур образни турмушнинг машаққатли синовларини ифодалашда метафорик кўчим сифатида қўллайди:

Турмуш – **қирқ бош аждарҳо** –

Эрмагига мен – танҳо:

оёғим юриб толди,

томирим қуриб толди,

жигар қон бўлиб толди.

сабр онг бўлиб толди,

тонгим шом бўлиб толди.

Турмуш **қирқ бош аждарҳо** –

бору йўғимни олди²¹⁰.

“Диогенга хат” шеърида аждарҳонинг юҳо сифатини қўллаб, ҳар қандай зўравон ҳукмрон кучга юҳо – ажал ўлимгина бас келиши таъкидланади:

Искандарлар булут каби,

Ўтаверар, Диоген.

Юҳо ажал барчасини

Ютаверар, Диоген²¹¹.

“Бочкада яшаган” машҳур юнон файласуфи Диоген Искандар билан учрашишга шошилмай юрганда, шоҳнинг ўзи уни олдига келади. Искандар ундан нимани хоҳлайсан, деб сўраганда, файласуф қўрқмасдан, ботаётган қуёшни тўсма, деб жавоб беради. Ушбу ибора машҳур бўлиб кетади. Шоир айнан мазкур ривоятни келтирмаса-да, антономазия метаболарнинг

²¹⁰ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарк, 2010. – Б. 138.

²¹¹ Усмон Азим. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – Б. 97.

қўлланилиши шунга ишорадир. Ҳар қандай зулмкор босқинчи подшоҳлар ҳам бу дунёдан ўтади. Юҳо ажал уларни йўқ қилади. Аммо Диоген “Қуёшни тўсма” деганидек, уларнинг “бошимизга соя” – зулм солгани ёмон, дейди.

Шоир қўллаган мифологик образлардан бири Семурғдир. Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги афсонавий ушбу қуш осмонда учиш, узок манзилни яқин қилиш ҳақидаги асрий орзу-умидларнинг рамзий ифодаси. Дастлаб Эрон мифологиясида пайдо бўлган. “Авесто”да сенемурғ шаклида ишлатилган²¹². XX аср ўзбек шеърлятида истиклол, ҳурлик рамзини ифодалашда кўплаб ижодкорлар томонидан қўлланилгани кузатилади. Масалан, Рауф Парфининг “Семурғ қушим, подшо қушим, хуш келдинг, Етти гумбаз, етти водий сарвари” мисраларида халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик рамзи ифодаланган. Усмон Азим шеърлярида ушбу образ лирик қаҳрамоннинг дўсти, яқини маъносида қўлланилади:

Семурғ бўлолмассиз,
Менсиз дўстларим²¹³.

Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган шеърляда шоир ижодий дўстлик, маслақдошлик мазмунини ушбу образни метафорик кўчим сифатида қўллаш орқали ифодалайди:

Йўқ, **Семурғлик** этмади насиб,
Гарчи биздан сезгани йўқ хавф.
...Қандай учдик Ҳақ сари Шавкат,
Ҳақиқатни тугиб кўнгилга²¹⁴.

Шунингдек, шоир шеърлярида шайтон, фаришта, дўзах, жаннат, жин, алвасти каби теомифологик метафорик образлар кенг қўлланилади. Шайтон теомифологик образи Шарқ ва Ғарб адабиётида фаол қўлланилади. “Шайтон” сўзи арабча бўлиб, одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жиноятга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи, иблис деб кўрсатилган. Кўчма маънода айёр, қув, алдамчи одамга

²¹² O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Ж.7. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 577.

²¹³ Усмон Азим. Куз – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 371.

²¹⁴ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 80.

нисбатан ишлатилади²¹⁵. Шоир ушбу образдан собиқ мустабид тузумдаги ижтимоий ҳаёт манзараларини яратишда фойдаланади.

Заққум босган элнинг тузида,
 Ҳали **шайтон** яратган кундуз.
 Фақирларнинг нурсиз кўзида
 Сўниб борар энг сўнгги юлдуз²¹⁶.

“Заққум босган эл”га ҳукмрон куч – шайтон, у яратган “кундуз” – Ҳаёт оғир, “фақирларнинг нурсиз кўзида”, “энг сўнгги юлдуз” – инсонларнинг орзу-умидлари “сўниб боради”. Демак, **шайтон** халқимизни асрий тутқинликда сақлаган собиқ ҳукмрон куч – Мустабидлик ифодаси. Ижодкор давр ҳақиқатларини яширин ўхшатишда намоён қиларкан, шайтон метафорасидан инсонлардаги айрим иллатларни очиб беришда ҳам фойдаланади. Кузатишларимизда, шоир шеърларида мазкур образ ўз маъносидан кўра кўламдорлик жиҳатидан метафорик кўчим маъносида кенг қўлланилган. Буни қуйидаги жадвалда келтириб ўтамыз:

Шайтон ўз маъносида	Мавжуд ҳукмрон тузум маъносида	Юқори амалдор шахслар, мунофиқларга	Айёр, шум уддабурон ва худбин шахс
Фақат икки йўл бор: раҳмоннинг ва шайтон нинг йўли. Аммо билиб қўй, шайтонни чорласанг, дарҳол етиб келар.	Эримайди кўзим ёшига Мустабидлик – шайтон қояси.	Қасрларда ўзларини ўйлаб Қуришади шайтонлар мажлис.	Кичкина шайтон бошимга чикдинг Кичкина оёқчаларинг билан.
Шундай кеча янги дунёга Шайтон олма уруғин қадар.	Аммо шайтон ажратиб қўйди бу дунёнинг инсонларини.	Алдоқларга сен мени сотдинг, Сотдинг шайтон ҳаммолларига .	Фаришталар гулларни терди, Гул олмади аммо шайтонлар .
Шайтон битта эмас. Сони минг-у минг, Қанча	Аммо шайтон зўр бўлди, Одам майда-ю майда.	Англадим – Ҳасратинг Жонимдир	Ҳар одам ёнида битта шайтон бор. Аммо сен

²¹⁵ Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент: Чўлпон, 2018. – Б. 87.

²¹⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарк, 1995. – Б. 232.

одам бўлса шунча шайтон бор.		маним. Бегуноҳ – гуноҳни Яратган шайтон...	макрда қанчалар беор: Шайтон яратгансан ўзингдан ўзинг.
--	--	---	---

Ўзаро зид бўлган шайтон ва фаришта образлари параллел қўлланилган ҳолатларда шоир ўзи яшаётган жамиятдаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, оқибат, ҳалоллик ва адолат ҳақидаги ўйларини ифодалашда фойдаланади.

Фаришта очмади кўнглим дафтарин,

Шайтонлар дарсида шарҳ бўлиб юрибман²¹⁷.

Нега фаришта кўнгил дафтарин очмайди? Чунки атрофда ёмонлик, сотқинлик, риёкорлик, ёлғон ва алдов кўпайган. “Шайтонлар дарси”да ҳақиқат, адолат умиди йўққа чиққан. Ёвузлик тимсоли бўлган **шайтон**нинг мудом йўллари ёришади, эзгулик дунёси эса зулматдан осон чиққан эмас:

Оҳ **шайтон** йўллари

Яна ёришган,

Шалвираб қўллари куяр **фаришта**.

Фаришта – шайтон, фаришта – ажина образлари ёнма-ён келган шеърларида эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат қарама-қаршилигидаги айбдор ва гуноҳкор, яхши ва ёмон инсон тимсоли яратилган:

Эзгу дунёдаги фаришта, айтгин,

Қора дунёдаги **ажина**, сўйла!

Ажина уф тортиб йиқилар бирдан,

Менга кулиб боқар ҳорғин **фаришта**²¹⁸.

Маълумки, адабиётда фаришта образи аёл сиймода гавдалантирилади. Усмон Азим ҳам ушбу тимсолдан аёл, покиза аёл, гуноҳкор аёл ва ёлғиз аёл образини яратади.

Кўмилгансан тонгдан кечгача ишга,

Такдир ўзгартирмоқ бўлган **фаришта**.

²¹⁷ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарк, 1995. – Б. 216.

²¹⁸ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 307.

Уйим бўлса эди!

“Оҳ” урма туйкус!

Фаришта азалдан яшаган уйсиз²¹⁹.

Унинг “Файзулла Хўжаев монологи” шеърисида бегуноҳ инсонлар тимсоли фаришта метафорасида берилиб, лирик қаҳрамон виждонидаги умрлик азоб ифодаланиши шеърнинг таъсирчанлигини оширган.

Кўрқинчлиси шуки, **фаришталар** кўзига

Тикка қарай олмай ўлаяпман²²⁰.

Шоир шеърларида теомифология билан боғлиқ жаннат, дўзах, шайтон, фаришта, (Азроил) образи метафорик кўчим сифатида қўлланилади. Дўзах тушунчаси диний тасаввурга кўра охиратда абадий азобланадиган жой; жаҳаннамдир. Аммо шоир лирик қаҳрамонини гоҳ мустабид давр зулмкорлиги, гоҳ муҳаббат ўтида ёндирган ёр азоби – бу дунёсини дўзахга айлантирган:

Ёнар, эрир гуноҳкор бардош

Дўзахларнинг шундоқ ёнида...

Туғилади руҳимда куёш –

Ҳаёт мамот жараёнида²²¹.

Шоирнинг ҳақиқат учун курашувчи лирик қаҳрамони ошкоралик бошланган даврда “дўзахлар” ёнида гуноҳкор кимсаларни кўради ва ҳаёт-мамонт курашида Ҳақиқат “куёш”и порлашидан умидланади. Усмон Азимнинг 90-йилларгача ёзилган айрим шеърларида **дўзах** тушунчаси давр ва макон маъносини ифодалаган теометафорик кўчим сифатида қўлланилгани кузатилади. Юқоридаги шеърда шоир “дўзахларнинг ёнида...” дея ўзи яшаётган маконни тасвирласа, қуйидаги шеърда мустабид даврини англаш мумкин:

Теграмда “ё ҳақ” деб **жинлар, шайтонлар** кездилар,

Билмадим, қай фалакда пок имонлар кездилар,

²¹⁹ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 251.

²²⁰ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 75.

²²¹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 219.

Бу гулистон ичинда кўп илонлар кездилар –

Дўзахий жаннатни топдим – оқибат гап шунда²²².

Айтиш мумкинки, шоирнинг дўзах тушунчасини метафора сифатида қўллаши Чўлпон шеъриятидаги фольклор образларни ёдга солади. Чунки Чўлпон “кўпинча диний-мифологик образлар ва хаёлий макон тимсоллари талқини, поэтик стилизацияси асосида босқинчиларнинг ниҳоятда хавфли, инсон руҳиятини бузувчи, айнитувчи эканлигини билдиришга интилади”²²³. Шоир шеърларида ҳам айти шу хусусият намоён бўлади.

Усмон Азим мумтоз шеърятимиздаги каби маъшуканинг ошиққа етказган ишқ азобини дўзах ўтига қиёслайди. Ишқ азобига дуч келган лирик қаҳрамон ҳаттоки, бу азобдан чўчимай, мардонавор курашга чоғланади:

Мен дўзахдан кўркмайман жоним,

Дўзахдаман аллақачонлар²²⁴.

Ушбу сатрларда эса севишганлар тушган айрилиқ ҳолати **дўзахга** кўчирилган:

Бунча оғир тангрим саволи:

Кетган севги — **шу дўзах**, шу ғам,

Қолган умр — ғамнинг баёни...

Шеърятимизда асрлар давомида пари мифологик образи идеал гўзаллик тимсоли, ҳуснда тенгсиз, гўзаллик рамзи сифатида кўрсатилган.

Халқимизнинг жин, ажина, алвасти, ялмоғиз каби ёвуз кучлар билан боғлиқ тасаввур-тушунчалари эртақларга сингдирилганлиги маълум. Шоир болалик ва у билан боғлиқ воқеаларини ёдга туширувчи шеърларида мазкур фольклор образларини кўчма маънода қўллайди. “Тун. Дашт” шеъри ана шундай метафорик табиатга эга бўлиб, даштдаги тун тасвири ажиб “эртақнамо” тасаввур-хаёли ва ундаги қаҳрамонларнинг “ҳаракатланиши” билан ғоятда қизиқарли кечади.

²²² Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 240.

²²³ Хожиева Ш. Чўлпон шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари. Филол.фан...фалс. докт. (PhD) дисс... – Қарши, 2019. – Б. 33.

²²⁴ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 296.

Жин гулханга тикилар –
На кўрқинчдир, на ёвуз...
Ялмоғиз – яғмо оғиз,
Рухларнинг ўтпарасти!
Ёнига чўкади тиз
Ҳорғингина **алвасти**.
Даштнинг **жину девлари** –
Гулханнинг теграcига
Оҳиста ташлашар кур²²⁵.

“Болаликнинг бир кечаси”, “Омонлик йўқ дунёда!” каби шеърларида ҳам шоир реал воқеликни теомифологик метафоралар ёрдамида тасвирлаган:

Том устидан ким ўтди,
Деразани қоққан ким?
Сас чиқармай **Жин** ўтди
Ажина ўтди, Тангрим!²²⁶

Шоир ёшликка хос ишқибозлик туйғуси, турли жўшқин ҳолатларни тун ходисаларида кўрсатади. Табиат манзараси ва мифологик образлар юзага келтирган ушбу метафорик тасвирида жин, ажина метафоралари ёш йигит-қизларни ифодалаган.

Маълумки, бойўғли, қарға каби қушлар образи азалдан халқ оғзаки ижодида кенг учрайди. **Қарға** чақимчи инсон хислатини ифодаласа, **бойўғли** ўлим даракчиси, вайронагарчилик, харобалар ҳукмдори тимсолида талқин қилинган.

Бу боғда кечаси **бойўғли** сайрар,
Ногоҳ вайронага ўхшайди бу боғ.
Жинлар зулмат ичра бемалол яйрар
Ғижирлар **ажина** илашган бутоқ.

²²⁵ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом: 2001. – Б.223.

²²⁶ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом: 2001. – Б.138.

Аслида бу боғнинг нима айби бор
Битта бойўғлининг қилган иши бу²²⁷.

XX асрда Чўлпон “Нега менинг қулоғимга тун ва кун **бойқушларнинг** шумли товши бақирар” мисраларини келтириш орқали мустабидчилар томонидан кундан-кун харобазорга айлантириб борилаётган юрт, унинг энг истеъдодли фарзандлари ўлимга маҳкум қилинаётган халқ кайғусини рамзий ифода²²⁸лаган эди. Шоир Чўлпонга издошлик қилиб, давр ҳукмрон кучларини бойўғлининг ёмонлик келтирувчилиги, у сайраган жойнинг харобазорлиги, бу харобазорни янада бўрттириш мақсадида жин, ажина каби мифологик образларни келтириш, табиат манзаралари “Кечаси даҳшатга” “боғ”нинг тўлиши, “манглайингга урил”ган “зулмат”, “юрагингга кўрқинч қўн”иши, “Ариқни тўлдириб” “кулфат” “шовуллаши”и, боғдаги бу вайронагарчилик, аслида “Битта бойўғлининг қилган иши” – ҳар қандай юртда босқинчи тузумнинг манфур ҳукмдори юритган адолатсиз сиёсатининг оқибатини кўрсатади.

Мумтоз шеърятимизда зоғ ва булбул образлари қарама-қаршилиги замонавий шеърятимизда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ана, чорбоғларга
Қарғалар қайтди.
Ана музлаб қолди
Булбулнинг тили.²²⁹

Давр адолатсизликлари шеърятда акс эттириларкан, афсуски ёлғон ва маддоҳликни мадҳ этган сохта ижодкорлар **қарғаларнинг** даври келган, ҳақиқий шоирлар эса Ҳақиқатни куйлай олмайди. Шу боис “булбул”нинг тили “музлаган”.

Усмон Азим халқимиз оғзаки ижодидаги ҳазил-мутойиба тимсоли бўлган Афанди образидан шеърларида лақмалик, соддалик фазилатидан

²²⁷ Усмон Азим. Кўнгиш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 45.

²²⁸ Хожиева Ш. Чўлпон шеърятда поэтик тафаккурнинг янгилиги таъминлари: Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ...дис. автореф. – Қарши, 2019. – Б. 61.

²²⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 292.

кўра пухта, ўзбилармон шахслар тимсолини “Кичкина шайтон” шеърда яратади:

Сен Азроилни алдаган **Афандининг** ўзи
Эртага кел дейсан Ҳақиқатга!
Қаламлар қайрайсан Эрта учун
Нутқлар тўқийсан²³⁰.

Салбий феъл атворга нисбатан қўлланилган мазкур шеърдаги кичкина шайтон айрим инсонлардаги сотқинлик, лаганбардорлик иллатини очишга хизмат қилса, унинг қувлиги Афанди метафораси орқали янада ойдинлашади.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Азим шеъриятида стилизацион фольклоризмлар метафорик кўчим сифатида қўлланилади. Шунга кўра уларни фольклоризм асосидаги метафорик образлар деб талқин қилиш мумкин. Дев, аждарҳо (юҳо) мифологик метафорик образлар давр манзаралари ва инсонлардаги салбий иллатлар, шунингдек, турмуш машаққатларини ифодалайди. Шайтон, фаришта, жаннат, дўзах теомифологик метафоралари шоирга мустабид тузумда яшаётган инсонлар ва унинг маконини тасвирлашга, Хурлик ғояларини илгари суришга имкон берган. Ушбу ғоя ифодасини беришда, айниқса, Алпомиш достонида ва халқ эртақларидаги образлари метафорик кўчим сифатида кенг қўлланилган. Жин, ажина, алвасти, ялмоғиз образларидаги метафориклик табиат ҳодисалари билан боғлиқ инсоннинг болалик ва ёшлик даври таассуротларини ифодалашга хизмат қилган. Фольклоризм асосидаги метафорик образлар ижодкорга давр манзараларини яратиш воситаси бўлиб қолмай, ижтимоий муҳит ва замондошларига муносабатини ҳам ифодалаган.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

1. Усмон Азим шеъриятида жонли ва жонсиз нарсаларнинг инсон ва унинг фаолиятига кўчирилиши, шахсларнинг ички дунёси руҳияти,

²³⁰Усмон Азим. Куз. – Тошкент, Фафур Фулом, 2001. – Б. 261.

характери, унинг маънавий олами кўчим даражасидаги метафоралар орқали ифодаланиб, унда ижтимоий ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар аллегория, “сиқик ўхшатишлар”, “топишмоқ тарзидаги” ифодаларда тасвирланган.

2. Нарса-предмет билан боғлиқ метафорик образларда шоир инсон ва унинг кечинмалари (чироқ, парда), шахс эрки (қафас), унинг тақдиридаги турли ҳодисалар, тўсиқлар ва курашларни (девор) ёритган.

3. Табиатдаги тўрт унсур билан боғлиқ метафорик образларда ижодкор шахсияти (олов), меҳр-муҳаббат, абадийлик (тупроқ–қум), эрк-озодлик (хаво) ғояларини ифодалаш учун қўлланилган.

4. Инсон характерининг турли салбий хусусиятлари аллегорик-метафоралар (ит, айик, куён, мусича, қарға, чумоли) ва унинг ҳаётидаги фожиалар (қушлар) ҳаёти билан муқояса қилиниб, шоир шеърларининг бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

5. Ранглар метафораси орқали шоир нафақат табиат манзараларини яратиш, балки инсон руҳий оламидаги эврилишларни қизил (жигарранг), сариқ, рангларни образ даражасида қўллаб, улар орқали инсон умри босқичидаги муҳаббат, айрилиқ, соғинч ва афсус туйғуларининг ифодасини беришда фойдаланган.

6. “Болалиқдан хотира” шеърида ва “Ким дединг...” деб бошланувчи шеърларида Куз метафорасини ижодкор юрт тақдири билан боғлиқ шеърларида ва инсон умр босқичи поёнини ифодалаш мақсадида қўллайди. Дашт, Тоғ, Чироқ, Бахт ва Ёмғир каби метафорик образлар ифодасини ўқувчи бирдан англаши осон кечмайди. Дашт – инсон ўзлиги, Тоғ – саботли инсон, Чироқ – шоир, Бахт – Она, Ёмғир – ошиқ тимсолидаги метафорик образлар шеърда “яширин ўхшатиш” бўлиб, бутун шеър даражасида воқеаланиб, образ-метафора яратилган.

7. Усмон Азим шеъриятида стилизацион фольклоризмлар а) “Алпомиш” достонидаги – *Алпомиш, Барчин, гоз, Қоражон* образлари; б) халқ эртакларидаги *ойна, учинчи ўғил, “Борса келмас”, аждарҳо, дев, Гултари, Қора ботир* ва ҳ. образ ва мотивлари; в) теомифологик (диний тушунчалар

билан боғлиқ) – шайтон, фаришта, дўзах, жаннат образлари; г) мифологик – дев, аждарҳо, юҳо, Семурғ ва бошқа стилизацион фольклоризмларнинг метафориклашуви натижасида давр ва замондошлар қиёфаси, эрк-озодлик ғоялари, ижтимоий ҳаёт масалалари, инсон умр босқичи ва айрим инсонлардаги салбий хислатлар ифодаланган. Теомифологик метафоралар шоирга Ҳурлик ғояларини илгари суришга имкон берган. Фольклоризм асосидаги метафорик образлар ижодкорга давр манзараларини яратиш воситаси бўлиб қолмай, унинг давр ва замондошларига муносабатини ҳам ифода этади.

III БОБ. ШОИРНИНГ МЕТАФОРИК ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

3.1.§. Пейзаж тасвирида метафорик образларнинг қўлланилиши

Маълумки, бадий ижод вакиллари, шоир ва ёзувчилар учун табиат манзаралари етакчи тасвир объекти саналади. Она табиат ҳамма давр ижодкорлари учун “Рух ва гўзаллик манбаи сифатида у сира туганмас ҳамда чегарасиздир. Унинг ўзи шоир, мусаввир ва тенгсиз меъмордир. ... табиат илҳом ўчоғи, завқ, эҳтиром чашмаси”,²³¹ – дейди адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов. Усмон Азим шеъриятининг асосий манбаларидан бири Она табиатдир. Унинг шеърларидаги метафоризм масаласи фольклоризм ва табиат тасвири билан боғлиқ. Шоир шеърларининг асосини ташкил этган метафорик образлар табиат тасвири ва ундаги унсурлар воситасида юзага чиқади. Шу жиҳатидан Усмон Азим шеъриятида пейзаж метафораси етакчилиги кузатилади²³². Шоир шеърларида боғ – дарахт, барг, илдиз, майса, хазон; тоғ – дала, дашт, тош; осмон жисмлари – қуёш, юлдуз, ой, ер; табиат ҳодисалари – тонг, ёмғир, шамол, булут; қушлар – турна; гуллар – бойчечак, қизғалдоқ ва йил фаслларининг метафориклиги кенг кузатилади. Табиат манзаралари билан боғлиқ шеърларида шоир инсон умр фаслининг якуни, умр йўлларидаги орзу армонлари, ўкинчлари ифодаси, умри поёнини англаётган инсон кўнглининг тафтишлари, ўз-ўзига савол бериб жавобини англаган қалбнинг изтиробли суратлари-ю, инсон ҳаётининг сирли ҳақиқатларини сўз мусаввирининг ўткир қаламида маҳорат билан акс эттиради.

Шеър – туйғулар камалаги. Самимийлик йўғрилган илоҳий каломлар кўнглининг нозик торларини чертади, ёқимли ҳис-ҳаяжонли туйғулар мавжларидан энтикасан. Гоҳи бу каломлар чуқур мушоҳадалар, теран ўйларга толдирувчи фалсафий мазмунга эврилади. Шоир бир шеърида “баргни дўстим” деб айтса, бошқасида “Куз – менинг ўзим!” дейди. Дарахт

²³¹ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 20.

²³² Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиати: Филол.фан. ... докт. (DSc) автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 30.

каби инсоннинг ҳам “Бори умри – гуллаш ва хазонлиғ...” эканини ўқувчига уқтиради. Табиат билан ошно қалб англаган ҳақиқати шуки, инсон каби “Ҳасрати кўп боғ суҳбатининг!” Кузги боғлар таровати шоирнинг сатрларидан ўқувчининг мушоҳада оламига кўчади:

Жавоб топди ёзги саволлар,
Дунё толди ўсиб, кўкариб.
Боғ ичига йигит шамоллар,
Нафис кузни келди кўтариб²³³.

“Ўсиб”, “кўкариб”, толиққан “дунё”ни “хазонлик”ка юз туттирган – Куз. Аммо куз деса, фақат хазонрезгилик, совуқ шамол, мезон, гуллаб-яшнашдан сўнг сарғайиб сўлишни кўз олдига келтирган ўқувчида бу фаслнинг бетакрорлиги ҳақида “йигит шамоллар” “кўтариб” келган “нафис куз” метафораси илиқ кайфият уйғотади. Шоир Куз манзараси орқали инсонга хос бўлган ҳолатни тасвирлайдики, бу ҳолат бир ўқишдаёқ ўқувчига фақатгина куз манзараси келтирилгандек таассурот қолдиради:

Наъматакнинг кузак кесмаган,
Учларида меваси қонли –
Куз келишин дарҳол сезмаган,
Бошчасига тикилган онги.

Одатда, шеърятда инсон умрининг кексалик палласи Куз ва у билан боғлиқ унсурлар билан муқояса қилинади: “кузак кесмаган” наъматак “учларида”ги “қонли мева”нинг куз келишин сезмай “Бошчасига тикилган онги” метафорик тасвири табиатдаги оддий манзара ва инсон ҳолатининг қиёсидир. Инсон туғилиб, ўсиб, улғайиб, юксалиши баробарида яна қарилик палласига етганлигини, умр пиллапоясидан юқорилаб бораркан, унинг яқун топаётганлигини вақтнинг шиддатида сезмаслиги, уни англаганда эса бутун вужудида – қалби, онгу шуурида кексаликнинг таҳликали ўйлари “наъматак учларидаги” “қонли мева”ларнинг “бошчасига тикилган” “онги”

²³³ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 186

метафорик кўринишида ифодаланади. Ўқувчи онгида ассоциатив қиёслаш натижасида метафоранинг бадиий-ғоявийлиги ортиб боради.

Боғим менинг

Кузги тақдирим менинг

Менинг кўнглимга ҳам намозшом кўнди.

Боғим менинг

Азал охири менинг

Қарғалар галаси қалбимга кўнди²³⁴.

Инсон умри – боғ, бу боғ ва унинг азал охири – “кузги тақдири” инсон умрининг бир палласи, “кўнгилга кўнган намозшом” – умр кузи, яъни инсоннинг ўрта ёшлигини қарши олишини, “қалбга кўнган қарғалар галаси” ёйиқ метафораси лирик қаҳрамон руҳиятининг безовта ўйларини ифодалаган. Куз нафақат инсоният ҳаётига, табиатнинг набобату футувват дунёсига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шоир куз манзаралардан инсон ҳаётига мос қиёслар топади: “қарғалар галаси” қишдан хабар берганидек, куз инсон қалбига қариш, кексайиш ҳақидаги ўйларни келтиради. Дарҳақиқат, “Кузда баргхазон боғларни кезган шоир атрофга боқиб табиат ва шахс уйғунлигини кўради. Ўқувчига куз – ҳаёт моҳияти, ўтаётган умрга ишора эканини айтмоқ истайди”²³⁵.

Худойим,

Дарахтлар бунчалар баргсиз,

Беқор қаҳратонда ёлғизлик ҳадсиз...

...Энди қайтмайдими баҳор чоғлари.

...Ҳозир боғ

Ичинда қолса шу ҳолим,

Баргсиз дарахтлардан бўлмагай фарқи²³⁶.

Мазкур бандда куз, қиш, баҳор куз фаслининг визуал метафорик ифодаси ўзига хос мутаносиблик асосида тасвирланган: дарахтлар баргсиз, боғ –

²³⁴ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2001. – Б. 197

²³⁵ Тошбоев О. Муножот. / Усмон Азим.. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 17.

²³⁶ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2009. – Б. 37.

“дарахтлар баргсиз”, “бунчалар кўнглим боғлари кимсасиз”, “беқор қаҳратон”, “ҳадсиз ёлғизлик”, “қайтма”с “баҳор чоғлари” “баргсиз дарахтлар” – боғ, баргсиз дарахт. Кузги боғ ва баргсиз дарахтлар манзараси инсон ҳаётининг маълум босқичлари. Чунки баҳорда дарахтлар ўсиб, гуллаб, барг ёйиб, мева тугса, кузда унинг барглари сарғайиб, тўкилади, қишда эса беварг қолади. Боғнинг гуллаб яшнаши ва ҳазонга айланиши дарахтларнинг ана шу “яшаши” билан боғлиқ. Шоир инсон ҳаётининг турли босқичларини “боғ” ва “баргсиз дарахт” метафораларида ифодалайди. Унинг ижодида “боғ” образи алоҳида метафорик табиатга эга. “Боғнинг ҳар барги-ю, бутуғида саноксиз шеър бор”²³⁷ – дейди шоир. Табиат ва инсон ҳаётнинг турли қирраларини, инсон қалбидаги кечинмаларни пейзаж лирикасида тасвирлаган шоир ўз ўқувчисига инсоннинг дунёга келиши, яшаши ва умри сўнгги ҳақида чуқур фалсафий мушоҳадаларни боғ унсурларида беради. Инсон ҳаётини дарахтга қиёслаган бадий тасвирлар шоир шеърларида кўп учрайди. “Саҳродаги дарахт”, “Бир дарахтнинг сўнгги кўшиғи”, “Ҳаёт кўшиғи” каби шеърлари инсоннинг турли қисмати, ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатларга бағишланган. Айниқса, “Ҳаёт кўшиғи” шеърида шоир инсоннинг муҳаббат тақдирини боғ қўйнидаги – икки дарахт образида таъсирчан ифодалайди. “...баҳор келганида Очилиш” “Тулу мева ҳазон тўкиб Сочилиш керак”лиги – инсон ҳаётининг ҳақиқатларидир.

... Ерга боғлаб қўйилганман,
Илдизим ер остида.
Кечалари шовуллайман,
Боқиб бўйи-бастингга.

Шоирнинг муҳаббат, армон, айрилиқ мавзусидаги шеърлари кўп. Ушбу шеърларида “тақдирлар давоми ва йиллар орзуси”²³⁸, “ғусса ранглари ва оҳанглари”²³⁹ суратини кўрамиз. Икки кўнгил, икки армон ва икки тақдир ҳасратлари боғдаги бир-бирдан узоқда турган икки дарахт ҳолатига

²³⁷ Усмон Азим. Сўнгсўзлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – Б. 93.

²³⁸ Абдуллаев А. “Шеъримда узоқ бир ишкнинг шарҳи бор...” (Усмон Азим.. шеърятига чизгилар). // Шарқ юлдузи. 2010. №5. – Б.175.

²³⁹ Каримов Н. Некбин рух, ҳаётсевар ғоя.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010, 19 ноябрь. №47.

кўчирилади. Шеърда “изтироб залварини, айрилиқни, армонни туйиш, лирик қаҳрамон дардига етиб бориш ва кўнгил аршигача юксалиш учун бироз вақт керак бўлди. ...яшаш керак, ҳаёт – бу, баҳор баҳорлигини кўрсатади, табиат ўз ишини қилади. Сен ҳам ер олдидаги бурчингни бажаришинг зарур... “Икки дарахт” – мангу ҳижроннинг ниҳоятда маъсум рамзи. Тутқунликдаги қалбнинг армонли суврати...”²⁴⁰. Шоирнинг “Чақмоқ қулочлаб урар осмон – ноғарасини” деб бошланувчи шеърда табиат ходисаларига боғлиқ инсон қалбидаги муҳаббат изтироблари, мангу айрилиқ лаҳзалари тасвирланади:

Чақмоқ қулочлаб урар осмон ноғарасини,
Ўтлоқда минг оёқлаб, ёмғир тушади рақсга.
Ҳавонинг илма-тешиқ кўринмас танасини
Довул силкий бошлайди жуда асабий тарзда.
– Қол! – десангчи! Айтсангчи: – Ёмғирда бўласан ҳўл.
Йўлларни селлар олди, кўприклар кетди оқиб.
Айтсангчи: – Юрагимда сукутимдан сўзлар мўл,
Сўзларимнинг ҳаммасин сендан олганман ёқиб.
Гулдураклар портлайди, чақмоқлар ёрилар маст,
Осмон қулаб тушади юрагу боғ устига.
Усту боши шалаббо, еру фалак аралаш,
Муҳаббат кетиб борар, армон бўлиш қасдида²⁴¹.

Мангу айрилиқ видоларига чулганган лирик қаҳрамон изтироблари ўқувчи қалбига кўчади. Шиддатли баҳор ёмғири, чақмоқ, гулдирак, довул, сел, жала – биргина муҳаббат уларга-да қарамай, Армон бўлиш қасдида кетиб бормоқда. Бир қарашда зоҳирий ишқ айрилиқ суратини топгандай бўлган ўқувчини “ – Олисдан кўриниб тур, муҳаббат. Ўлганингни азизим, ҳали тақдир билмайди” сатрлари сергак тортиради. Табиат манзаралари орқали лирик қаҳрамон қалбидаги кечинмалар муҳаббат ҳақида фожиали кино кўргандек тасаввур уйғотади. Усмон Азимнинг “...лиро-эпик қаҳрамони табиатнинг барча фасли,

²⁴⁰ Қўшшаева И. Ерга кўнмайдиган қушлар бормикан?//Ижод олами, 2018. № 3

²⁴¹ Усмон Азим. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, – 2019. – Б. 52.

иқлими, ҳодисасига, набобат ва махлиқот оламига ҳидоятли мурожаат қилади. Ҳамма хилқат ва яратикда оят ва мўъжиза идрок этади. Тўртта фаслга бирдек муҳаббатли бўлади”²⁴².

Ариқ, сувинг бунчалар тоза.
Тиниқ руҳинг – дилимга учраб –
Поклик сари сокин оқизар.
Соҳилчангда жунжикиб ғамгин,
Боқарканман сайёҳ баргларга.
Гўё етган бўламан тамкин
Аллақандай гўзал ҳақларга.

Шоир кузда зилол сув оқаётган ариқнинг ҳолатида ҳам табиат ва инсон руҳиятига мос қиёслар излайди. Лирик қаҳрамон “сайёҳ барглар”га боқиб, “гўзал ҳақларга”етгандай бўлади. Шоир ариқ ҳам буюк яратувчи холиқнинг зилол “тиниқ бир парчаси” эканини уқтириб, ўқувчисини “гуноҳларига тавба қилишга” ундаб, “Ён гуноҳнинг барча-барчаси!” дейди. Шоирнинг пейзаж шеърларида тасаввуфий оҳанглар ҳам сингдириб юбориладики, бундай тасвирлар моҳиятини ёритиш, ўрганиш алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этилиши жоиз. Биргина **барг** образи шоир шеърлятида ўзига хос метафориклик касб этади. Баргнинг банддан узилиш ҳолатининг ўзиёқ шоирга инсон ҳаётига мос фожиавий тасвирларни яратишдаги етакчи поэтик кўчим бўлиб, табиат ҳодисаси ва инсон умри муқояси, ҳаётининг ҳақиқат ва бадий ҳақиқат талқини метафора воситасида юзага чиқади. Шоир “Барг” шеърида шундай ёзади:

(Елнинг гуноҳи йўқ). Банддан узилдим,
Навдам бир тўлғонди бор-йўқ афсус шу!
Пирпираб ҳавода сўнг йўл чизилди
Гарчи сукунатнинг тахи бузилди –
Фарёдвор мақомга етмади қайғу.
Ерда эса кутар абад интиҳо –

²⁴² Шермуродов Т., Исмоил И. Усмон Азим.. ижодиёти. – Тошкент: ТДПУ. 2011. – Б. 199.

Гарчи сукунатнинг тахи бузилди –
Фарёдвор мақомга етмади қайғу.
Ерда эса кутар абад интиҳо –
Маҳвликнинг захларин бағрига жойлаб...
Мени тутиб борар кафтида Оллоҳ
Авайлаб, авайлаб, авайлаб²⁴³.

Буюк Яралмиш ва яратилмиш ўртасидаги абадий ва кўз илғамас робитанинг ҳайрат ва ҳаяжонга тўла тасвири ўқувчини чуқур мушоҳадага чорлайди. Аслида “банддан узилиш”, “бир тўлғониб” жон бериш, жонни тарк этган руҳнинг ҳавода сўнг йўл қолдириши, ерда абад интиҳо кутиши, маҳвликнинг захлари – бу инсон ҳаётининг сўнгги лаҳзалари тасвири. Буюк холиқ шунчалик меҳрибонки, инсонжонини “авайлаб, авайлаб, авайлаб” “кафтида тутиб бора”ди. Оллоҳи каримнинг бандалари ва яратикларига меҳрибон ва раҳмлилиги Қуръони карим оятларида шундай келтирилади: “У меҳрибон ва раҳмли” - الرحمن الرحيم²⁴⁴.

Бир барг ҳаёт жимгина битди,
Мангу кетди бир мўъжаз наво.
Оллоҳ мени бунча титратди
Барг учганда уйғонган ҳаво?²⁴⁵

Инсон умрининг якуни – фожиавийлик, дарахт шохидан бевақт узилиб тушган япроқ қисмати – унинг оддий, аммо аниқ ўхшатишидир. “Бир барг” ҳаётининг тугаши, “Бир мўъжаз наво” нинг “мангу” куйланмаслигини англаган қаҳрамон “барг учганда”ги “ҳаво”дан титрайди. “Ҳаво” йўқлик демакдир: баргнинг йўқликка қоришиб кетиши – инсон ҳаёти якунининг ифодаси. Шоир табиатдаги содда ҳодисалардан буюк яратилмиш инсон ҳаётига мос қиёслар топади. Шоирнинг пейзаж лирикасида кенг қўлланилган барг рамз-метафораси инсон ва унинг умри ҳақида, умрнинг нечоғ ғаниматлиги-ю, жоннинг

²⁴³ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Фафур Фулом, 2009. – Б. 184.

²⁴⁴ Қуръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси. Фотиҳа сураси 2 оят// Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли. – Тошкент, “Мунир” нашриёти, 2022. – Б. 15.

²⁴⁵ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 387.

омонатлиги, шу омонат жон ғанимат дамларини беҳуда ўтказмадимми деган ўйчил саволларни ўқувчи қалбида қўзғайди.

Ногоҳон новдадан учди бир япроқ –
Бу баргга тупроққа қўнмоқ чексиздир²⁴⁶.

“Новдадан учган япроқ”нинг ҳар кузакда тупроққа жо бўлишидан (“Наҳотки барглар ҳам қайтмас дунёга!”) инсоннинг ҳам боқийликдан фано сари кетишида қайтмоқликнинг йўли йўқ. Инсон умри сўнгидаги фожиавийлик “барг”нинг узилиши мисолида кўрсатилади. Буюк форс шоири Саъдий Шерозий шундай ҳикмат айтади: “Барги дарахтони сабз дар назари хушёр, Ҳар вараки дафтарест маърифати Кирдигор”. (“Хушёр киши наздида яшил дарахтларнинг ҳар бир япроғи Яратувчи маърифати дафтарининг бир варағидур”)²⁴⁷. Инсон умрининг ўткинчилиги ва қисқалиги барг метафорасига кўчирилиб, айниқса, унинг куздаги сарғайиш ҳолатидан шоир ҳаёт қонуниятларини, тириклик ва ўлим ҳақидаги чуқур фалсафий мушоҳадаларини келтиради. Тадқиқот давомида кўриб ўтдикки, Усмон Азим кузги табиат манзараларидан жуда кўп теран фикрларни ифодалашда, ўз ўқувчисига уни поэтик идрок этиш, жумлаларни асослаш ва эстетик завқ уйғотишда маҳорат билан фойдаланади:

Ассалом алайкум, эй, тотли оғрик,
Ассалом алайкум, бешафқат кузак!
Гарчи хазондирман – кўзларим ёруғ,
Юрагим, юрагим ўсмоқда!.. Юрак...²⁴⁸

Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек “Бизда азалдан табиатдан дарс олиш мезони бор”²⁴⁹. “Ол шафақ жон узади, кўкарагардун, Боғларда тинч сузади Туман ва тутун”, “Оятлар ўқийди кузнинг ҳар рўзи, Ҳар япроқ бир ҳадис – терсам, майлими”, “Куз бир ўзи қолди жаҳонда”, “Мен ҳам кузга чиқдим: Қаршимга куз жамики ҳасратингни, ёз”, “Осмон кўм-кўк. Қуёш чарақлар,

²⁴⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 391.

²⁴⁷ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Ҳикоятлар ва ҳидоятлар./ О. Давлатов насрий баёни. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б. 215.

²⁴⁸ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Ғафур Ғуллом, 2009. – Б. 32.

²⁴⁹ Кўнгилга сайр. Адабий - ижодий мавзудаги суҳбатлар./ Шоир армондан туғилади. Суҳбатдош: Умид Али. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 48.

Куз ғамини очди ёрукқа”, “Кузга киради Ҳаёт, Ҳазонрезликни истаб”, “Куз деган фасл йўқ. Боғдаги маъюс, Вақт асли баҳорнинг вайронасидир”, “Япроқ ёғди оламга, Гоҳ иммилаб, гоҳо тез”, “Яшиллик ҳайрон-у лол – Узилади зар япроқ...” каби поэтик ифодалари фақатгина табиат тасвирлари эмас, Инсон, унинг ҳаёти ва руҳиятининг турли манзаралари ҳамдир. Мазкур метафорик тасвирлар замирида Инсон ҳаёти билан боғлиқ чуқур фалсафий мушоҳадалар ётади. Бу эса ўқувчини ҳам теран мулоҳазалар юритишга ундайдики, бунда Куз ва унинг унсурлари тасвирини оддий ўхшатишдек қабул қилмаслик керак. Таниқли мунаққид Баҳодир Карим “Шеърнинг алифбоси – образли тафаккур, деб ёзаркан, дунё олимларидан бирининг гапини келтиради: Қачон денгиз бепоён осмон, унда сузиб юрган қайиқлар каптарлар деб аталган ва тасаввур қилинган жойда поэзия бошланади. Бу гапдаги денгиз билан осмон, қайиқлар билан каптарлар метафорик кўчим табиатли. ...метафорада бадий мантик, қарини, маъни, ҳис-туйғу етакчи бўлиши керак”²⁵⁰.

Инсон умри билан боғлиқ метафориклик барг рамзи орқали ифодаланган бўлса, **қизғалдоқ** метафорик образи шоирнинг яна бир бадий мақсадини акс эттиради. Ўзбек шеърлятида қизғалдоқ образи шоирларимиз томонидан кенг қўлланган бадий образлардандир. Соф табиат лирикаси ифодаланган “Қизғалдоқзор” шеърда бу образнинг метафорик табиати диққатга сазовор. Сарлавҳадаги “Қизғалдоқ” сўзи бирор ўринда қўлланилмай, унинг тасвири рассом мўйқаламида чизилгандай таассурот уйғотади:

Тунда пари ўрмонда чопди,
Тиканларда товони қонаб.
Паризодам, қай чакмоқ чопди—
Даштда қонинг дона-ю дона²⁵¹.

Маълумки, пари образи теометафорик образ. Шарқ шеърлятида бу образ орқали гўзал аёл сиймоси акс эттирилади. Қиёс қилинмаган ўхшатиш

²⁵⁰ Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 100.

²⁵¹ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 155.

воситаларсиз шоир тунда “пари”нинг ўрмонда “чоп”иши, “тиканларда товони қонаши”и, “чақмоқ чоп”иши каби ассоциативлик орқали баҳор манзарасини яратади. “Даштда”ги “донаю дона” “қон” – метафорик тасвирида қизғалдоқ суратии кўз олдимишга жонланади. Чунки қон ранги қизил бўлиб, шоир ранг тафсилотини бермаса-да, ассоциативликнинг ўзиёқ донаю-дона – қон қизғалдоқ экани тасаввур қилинади. Дунё яралмишидан яратилмиш мавжудотлар қисмати аён; карама-қаршилиқ асосида яратилган Ҳаёт, борлик ва йўқлик орасидаги мавжудотнинг яшаш умидидаги кескин курашлари, умри сўнгида эса ҳар нарсанинг заволи муқаррарлиги шеърнинг кейинги бандларида уқтирилади:

О, қонингда ари – болрежа!

О, капалак! – ўғри – гулпараст!

Паризодим, ачин ўзингга,

Дунё учун қон тўкмоқ бекор.

Умрнинг бунча гўзал тўзинган

Наҳот сени ўлдирар баҳор.

Визуал метафорик тасвирга асосланган мазкур шеърда қизғалдоққа боларининг ошиқлиги бол умиди, капалакнинг ошуфталиги “ўғри гулпарастлиги” метафорик кўринишида инсон фаолияти мезонлари, унинг ҳаётга ташналиги сўз ифодасида намоён бўлади. “Умрнинг бунча гўзал тўзинган” тасвирида қизғалдоқ гул барглари мисолида инсон умрининг ўткинчилиги акс эттирилади. Демакки, бир нафаслик умрнинг дамларида “дунё учун қон тўкмоқ” – инсоннинг нафси аъмолига берилмоқлиги бекордир. Шеърдаги “пари” “паризод” теометафорик образи яширин ўхшатишга асос бўлиб, кўз олдимишда жонланган “қизғалдоқ” – инсон; “ари” ва “капалак” образида унинг яшаш илинжидаги курашлари, шеърнинг ҳеч бир бандида қўлланилмаган “Қизғалдоқзор” образида Ҳаёт сурати акс этади. Шеърда метафорик тасвирлар ёрдамида ўқувчи кўз олдида пайдо бўлган “Қизғалдоқзор” – Ҳаётнинг метафорик ифодаси бўлиб, шоир унда инсоннинг яшаши, курашу тўсиқлари, азоби шодлиқларини пейзаж орқали маҳорат билан гавдалантирган.

Усмон Азим шеърларида табиатнинг инсон ҳаёти билан уйғунлиги акс этади. Табиатда рўй берадиган жамики воқеа-ҳодисаларни инсон қалбидаги турли ўзгаришларни, кайфият суратларини маҳорат билан шеърга кўчиради. Шоир юқоридаги шеърларида қизғалдоқ образидан табиат тасвири орқали инсон умри қиёсини келтиришда фойдаланган бўлса, “Ям-яшил танини шамол супурди...” деб бошланувчи шеърда баҳор манзараси ва унинг инсон руҳиятига таъсири, инжа туйғуларнинг уйғонишидан сўз очади:

Кимнингдир бағридан доғини юлиб,

Қизғалдоқ қизарди даштнинг четида²⁵².

Мазкур шеърда шоир севимли образи “дашт”даги баҳор манзарасини рассомлар каби чизади. Одатда, яшил ранг – уйғониш, баҳор, ҳаракат, эзгулик рамзи. Жонлантириш воситасида “дашт”нинг “ям-яшил тани”ида униб-ўсган майса-ўтлар ўқувчи кўз ўнгида баҳор манзарасини акслантиради. “Майса-ю, ёмғирда чўлғонган кенг дашт”нинг “баҳорни майдай симириш”и – табиат гўзаллигига ташна инсон қалбидаги ҳаяжонлар ҳолатининг қиёси метафора воситасида юз берган. Кейинги мисраларда мазкур бадий тасвир воситаси ёрдамида булутнинг ёрилиши ва сел ҳидининг сойларда уфуриши баҳордаги ёғингарчиликни англатса, алвон қизғалдоқлар очилиши қайсидир кўнгилда қолиб кетган “ғам-аламлар”нинг баҳорда кўнгил ғуборларидан “тозариши”ни ифодалайди. Шоирнинг машҳур “Карвон кўрдим...” шеърда ошиқ юраклардаги айрилиқ ўти “Карвон йўли кетгуничи **қизғалдоқзор...**” мисрасида жуда гўзал бадиият билан кўрсатиб берилса, қуйидаги метафорик тасвирда Ҳаёт гўзаллиги, яшашга иштиёқлик ва умр ғаниматлиги ҳақида фалсафий мушоҳалар ётади:

Даштда баҳорнинг маст

Қизғалдоқзори.

Шамолнинг мавжлари

Алвону-алвон.

Мавжларда ётибман

²⁵² Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 239.

Соғинчдан ҳориб,
Қизғалдоқ баргидай
Ҳозир учар жон...

Абдулла Орипов “Баҳор” шеърисида “Қизғалдоқ баргидай учар дилдан ғам” поэтик тасвирида ижодкор руҳиятининг турли қирраларини табиатга уйғун тасвирлаган бўлса, юқоридаги шеърининг сўнгги мисраси ижодий таъсирланишни ҳам кўрсатади.

Унинг “Йигирма бешинчи йил” деб номланган тарихий шеърисида қизғалдоқзор тасвирида ўзига хос метафориклик кузатилади.

Қизғалдоқзор қонли дарёсин
Айланади отлар шатирлаб²⁵³.

Шеър номланишидаёқ ўтмиш манзаралари, аниқроғи, XX асрнинг биринчи чорагида “босмачилар ҳаракати” деб ном олган ўз юртига эга чиққан русларга қарши кураш олиб бориб, “босмачи” деб тамғаланган юрт фидойиларининг шонли курашига бағишланади. Тарихда қолган бу қонли курашнинг қирғинбарот бўлганлиги “Қизғалдоқзор қонли дарёси...” метафорик образида умумлаштирилади. Ушбу образнинг шеърятга кириб келишининг ўзига хос тарихи бўлиб, у қонли уруш воқеалари билан боғлиқ. Уруш майдонларида ягона ўсадиган мазкур гул Европа давлатларида Биринчи Жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасининг рамзи деб қаралган. Ўтган асрда Биринчи жаҳон урушида Жон Маккрей исмли канадалик жарроҳ фронтда вафот этган шеригини Бельгиянинг қизғалдоқзорларидан бирига дафн этади ва бу ҳақида жуда таъсирли шеър ёзади. Ойлар ўтиб, Маккрей шеърини Лондондаги “Punch” журнаliga юборади. “Фландрия далаларида” деб номланган ушбу шеър жуда машҳур бўлиб, кейинчалик қизғалдоқ хотиралаш рамзга айланади²⁵⁴. Маълумки, “...лирик асарларда пейзаж детал сифатида берилади ва лирик қаҳрамоннинг кайфияти, ҳолати у турган макон ва пайт ҳақида тасаввур уйғотади”²⁵⁵.

²⁵³ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 268.

²⁵⁴ <https://ru.wikipedia.org>. «На полях Фландрии».

²⁵⁵ Улуғов А. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017. – Б. 69.

Юқоридаги шеърда Қизғалдоқзор образининг метафорик тасвири шеърнинг бадиий таъсирини кучайтириш билан бирга юртимиз тарихини холис ўрганмоқлик, юрт фидойиларини унутмаслик ва бугун авлодлар эришган Истиқлолни кўз қорачиғидай асрай билмоқлик каби бадиий ғояларни ифодалашга қаратилгандир. Шоирнинг бу мақсадлари кейинги мисраларда ойдинлашади:

Биздан кейин ўзбек боласи,
Озод юртини кўрсин ботирлар.

Шоирнинг энг нафис инжа туйғуларини камол топтирган аслида табиат, унинг ҳар бир унсури, сервиқор тоғларидан тортиб эшилиб оқётган азим дарёлар, ҳаттоки кўз илғамас хас-у хазонлар, ранг-баранг гуллар муҳим поэтик тасвир воситаси вазифасини бажариш билан бирга муаллифнинг бадиий-эстетик концепциясини ёритишга хизмат қилади.

“Хайр-хўш йўқ” жўнайман бехос,
Соғинчнинг ҳур сўзига кўниб.
Бойсун менга чиқади пешвоз,
Оқдовонда **бойчечак** бўлиб.
Адирларнинг чўнг елкалари,
Алвонлашиб бораётган пайт.
Мен беуқув соғинчим билан
Бойчечакка тўқийман бир байт²⁵⁶.

Лирик қаҳрамон қалбидаги соғинч туйғуси бўрттириб ифодаланган мазкур шеърда “қишнинг ҳасрати”ни “бир бошдан сўзлаган” митти гул – бойчечак метафорик образи етакчилик қилиб, у муаллифнинг туғилган юртига муҳаббатини шу билан бирга, фақат баҳорда очилиб, баҳорга содиқ бўлиши, “қишнинг ҳасратларини сўзлаши”, “шаҳарга юр, деса кўнмаслиги”, “илдизнинг кули” бўлган “тул” – ўз она шаҳрини севган оддий инсонлар тимсолини ёритган.

Дала-дашт яшил баркут,

²⁵⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 235.

Баҳор бунча беҳудуд,
Чопқиллайди фалакда
Икки болакай булут²⁵⁷.

“Баҳор” сарлавҳали ушбу шеърда “фалакда” “чопқилла”ган “икки болакай булут” образида асосий бадиий ғоя ифодаланган. Баҳор билан сўзлашган лирик қаҳрамон “Хурлик”, “Нурлик”ни ёдга олади. “Ўтканларни”, “Кетканларни” “Баҳорни кўрмай умри битганларни эсла”йди. Худди баҳордек “хотиралар беҳудуд” деб ёзаркан шоир яқинлари, устозлари, дўстлари ва ёзувчи-шоирларни ёдга олади. Бироқ шеърдаги “эслашлардан” ҳам оғирроқ авж нуқта ўқувчи қалбига кўчади. Шоир қалбида уйғонган “беҳудуд хотиралар” – “чопқиллаган” **“икки болакай булут”**ни йиғлатади: “Ногоҳ илк бор йиғлади, Икки болакай булут!”. Савол туғилади: Нега икки болакай булут? Зукко ўқувчи шеър биографик характер касб этиб бораётганини, **икки болакай булут** образида икки тенгдош, икки воҳадош ижодкор турганини ҳис қилади. Инсондаги бебаҳо хусусият – хотира ва ёдга олиш асносида уйғонган кечинмалар тасвири булутга кўчирилади. Мазкур метафорик образида асосий маъно умумлаштирилади. Шоирнинг “беҳудуд хотиралари” адабиётимизнинг улуғ намояндалари қисмати тақдири; шоир учун қадрдон адиб ва шоирларнинг табаррук хотираси. Усмон Азим шеърлятида хотира-бағишлов мавзусидаги шеърлар кўп учрайди. Шоирнинг ижод ва ижод аҳлини доимо қадрлаш, ёдга олиш каби эзгу фазилати пейзаж орқали ниҳоятда таъсирчан ва гўзал ифодаланади.

Баҳор манзаралари акс этган шеърлар ўқувчига ижодкор қалбидаги кайфият суратларини ҳам танитиб боради: “Бир дамда ўзгарди, Ҳаво. Осмонга...Булутлар чиқдилар. Томчилар томди. Мен яна шеър топдим Азиз армондан. Соғинчда кул бўлган Юрагим ёнди²⁵⁸. Табиат тасвирининг лаҳзалик гўзалликлари ижодкор руҳиятига қандай таъсир ўтказган бўлса,

²⁵⁷ Усмон Азим. Кўнгиш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 140.

²⁵⁸ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 56.

худди шу каби “Соғинч” ва “Азиз армондан” туғилган шеърлар ўқувчи калбидан чуқур жой олади. Чунки шоирнинг “...қатор шеърлари кайфият суратлари, руҳ тўлғанишларининг аксидан таркиб топган”²⁵⁹.

Шоир куз, баҳор унсурлари билан боғлиқ манзаралар тасвирида инсон руҳияти, умр босқичи, давр ҳодисалари ва унинг муҳаббат, соғинч, хотирлаш каби туйғулари ифодасини берса, қиш манзараларида ўқувчи калбига ажиб оромбахш ва ўйчил туйғулар кўчирадиги, бу унинг тотли ва сўнмас хотираларининг ифодаси ҳамдир.

У пайт пальто киймас эди қиш,
Қўлқопи йўқ эди қўлида.
У пайт китоб ўқир эди қиш –
Ҳаяжондан титраб товуши.
Қиш – зиндондан чиққан Алпомиш,
Қиш – Барчиннинг синиқ нолиши²⁶⁰.

“Болаликдан икки хотира” деб номлаган мазкур шеърда шоир табиат тасвири билан бирга инсоннинг болалик даври хотираларини тасвирлайди: “Пальто киймаган”, “қўлида қўлқопи бўлмаган”, “ҳаяжондан титраб товуши” “китоб” ўқиётган – қиш даставвал ўқувчида ҳайрат уйғотади. Метафоранинг топишмоқ тарздаги ифодаси ўқувчида қиш фасли манзаралари орасида ўз болалигининг хотиралари – “пальто киймаган”, “қўлида қўлқопи йўқ”, тор уйда китобхонлик қилган болакайни жонлантиради. Кейинги мисрадаги бетакрор ўхшатишда “Серямоқ чопон ва калишда мол боқиб, қўл-оёғи музлаган, орзуси пальто ва иссиқ қўлқоп бўлган “Қиш” “Алпомиш” ўқийди. Мурғак тасаввурида Алп ва Ойбарчин пайдо бўлади. ...Усмон Азимнинг болалиги”²⁶¹ бўлиб тасвирланган қиш метафорик образи ўқувчида шоирнинг болалик йиллари, ўтган асрдаги турмуш суратларини ёритибгина қолмай, ўқувчининг ҳам ардоқли ва азиз хотираларига айланади. Дарҳақиқат, инсон умр фасли навбаҳоридан

²⁵⁹ Ҳаққулов И. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 386.

²⁶⁰ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 307.

²⁶¹ Усмон Азим. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.-18.

йироқлашиб, қариллик остонасига қўйган илк қадамлариданоқ “қиш ичи баҳорни қўмсагандек” ёшликни қўмсайди, ундаги хотиралардан тасалли топади.

Қор устига қорлар ёғди беармон,
Музларнинг устига музлар қалашди.
Юзимни беркитдим, Ўргатдинг Раҳмон,
Бу даҳшат дунёга тикка қарашни.

“Қор устига” “беармон” ёққан “қорлар” инсон яшаган умр дамлари; “Музларнинг усти”даги “музлар” – инсон чеккан қайғу-ҳасратлар ифодаси. “Бу даҳшат дунё” – ҳаётки, шоир қаҳрамони юзини беркитса-да, ҳаёт ҳақиқатини – ўлим муқаррарлигини англайди. Шу ўринда ёш танқидчи Саъдулла Қуронови “...Бу шоир бадииятда бироз шафқатсиз. Яъни у яратган образларда кучли кинояни, заҳархандани ҳис қилади ўқувчи. Шоир ижодидаги бу жиҳат унинг визуал тасвирларида ҳам яққол кўринади²⁶²”, – деган фикрлари мунозарали. Шоирнинг визуал тасвирларида шафқатсизлик билан бирга кўз илғамас гўзаллик жилоларини сўз воситасидаги нафосатли ифодасига тўхталмоқ жоиз. “Қорнинг ёғишини тасвирлашга уч уриниш”²⁶³ шеърида қорнинг ёғиш ҳолати ўзига хос бадийлик билан тасвирланганки, ҳаттоки қишдаги бу “тоза, гўзал, муқаррам”ликка ўқувчи ҳам лирик қаҳрамон каби “қорга кўёлмай қадам” тўхтаб қолади. “Қор ёғар учиб-учиб, Қор ёғар аста-аста, Қор ёғар кўчиб-кўчиб, Қор ёғар ўчиб-ўчиб”, “Иқлим авзосида ўзга тариқат: Янги либосларга ўради боғни, Менга бахш этгани яралмоқ бир ҳол, Келдингми, азиз қиш – оқтан фаришта?!²⁶⁴.”

Самоватдан мени йўқлаб,
Тинч сочилган пок мактуб –

дея қорнинг ўзига хос истиоравий тимсолини яратиб, унинг зарраларига ҳам ташбеҳ топади: Бир учқуни тасалладир, Бир учқуни меҳрдир. Бир учқуни

²⁶² Қуронови С. Эгиз санъатлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 78.

²⁶³ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 64.

²⁶⁴ Қишратилган манба, – Б. 68.

шеърга тегиш – Мўъжазгина сеҳрдир²⁶⁵. Шоир қишга қасида айтади: “совуқ меҳрга” “асир тушган” “буғдой”, “майса”, “дарахт”нинг қиш кучоғида алла тинглаб ором олишини тасвирларкан, “Совуқ ҳам меҳрдир энг юксак таъсир²⁶⁶” дейди ва табиатнинг ҳар бир фасли инсон ҳаёти учун ўз аҳамиятига эга, деган фикрни илгари суради. “Совуқлари билан баҳс этган” қиш лирик қаҳрамонга уқтиради:

– Дунё тўрт фаслдир – бу ҳолга кўнгин,
Ўтар тўрт фаслдан умр йўллари...²⁶⁷

Шоир пейзаж лирикасида жамият ва давр муаммоларини ҳам қаламга олади. Бу саратон қуёши бутун оламга ўт ёққан “Ёз” сарлавҳали шеърда кузатилади:

Дарёнинг қум қирғоқларида
Яп-яланғоч ётар саратон...
Мен қичқирдим кулоқларига:
- Отинг нима? Мудрама! Уйғон!
Қумли соҳил кетгунча уйқу...
Қилт этмади саратон тани.

Кўзини юмиб “тани қилт этмай” “дарё” қирғоқларида мудраб ором олаётган, исмини айтишга эринаётган “саратон” – “ўсмир”нинг ҳолати кўз олдимизга жонланаркан, шоирнинг қаҳрамони унинг отини билишга уриниши ва “мудрама”й “уйғон”ишга даъватини ўйлаймиз. Иккинчи бандида “ўсмир уйғонган”. Аммо...

Туш саратон чопади кетмон.
Юз-кўзидан оқиб борар тер.
Саратоним, жоним саратон,
Сен исмингни менга айтиб бер.
Туш. Саратон кетмон чопар жим —
У исмини унутиб қўймиш...²⁶⁸

²⁶⁵ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 137.

²⁶⁶ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 142.

²⁶⁷ Усмон Азим. Куз. –Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 141.

Жазирама тушда кетмон чопаётган ўсмир ўқувчида ачиниш уйғотади. Ўтган асрнинг ижтимоий ҳаётида кенг илдиз отган билимсизлик, ўз тарихини, ўзлигини билмаслик, “пахта” даласида улғайган, ҳатто “Туш. Саратон кетмон чоп”ган, “исмини унутиб қўймиш...” – авлод фожиаси Ёз манзарасида ифодаланади. Шеърда Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидаги Дехқонқуллар ҳаётдан бир лавҳа тасвирланади гўё.

“Адабиётшунослик луғати”да “...пейзаж лирикасида табиатни тасвирлаш мақсад эмас, балки бир воситадир... Кўп ҳолларда шеърда тасвирланган манзара рамзий образга айланади. Ва мавжудликнинг мангу муаммолари ижтимоий ҳаёт, инсон феъл-атвори, ҳаётнинг мазмуни ва шакллар моҳиятини образли тарзда очиб беришга қаратилади”²⁶⁹, дейилади. Юқорида кўрдикки, Усмон Азим шеърларида табиатнинг ҳар бир фусункор намунаси бизни, энг аввало, гўзаллик ва покликка ошно туттиради; қувонч-қайғу, висол-ҳижрон, соғинч-армон, ўкинч-шодлик каби қалб қатидаги исёнли туйғулар мусаввирининг кечинмаларига ошно туттиради. “Ёмғир кечиб келар, Тўкилиб келар, ўкиниб келади – Юрагимга куз”, “Юлдуз учса кўрқмагин, менинг юлдузим йўқдир”, “Ёзда ўлтир боғда дилингни очиб, Яшил хаёлларни қучсин юраклар”, “Тобалар – иссиқдан йиқилган булут”, “Кўкдаги тирик булут, Аждарҳонинг ҳайкали”, “Тунда ой нурига чўмилмоқда тоғ, оқар елкасида ёғду селлари”, “Неча кун яшайсан кеча кун? Кўп гўзал очилдинг, жоним атиргул!” каби сатрларда табиат ва унинг ҳар бир унсури ўзига хос бадиий ғоя ташишга хизмат қиладиган асосий кўчим воситалари саналади.

Усмон Азимнинг пейзаж лирикаси тасаввуфий, фалсафий, интим ва ижтимоий йўналишда бўлиб, унда рамзий ва метафорик образлар етакчилиги кузатилади. Айниқса, йил фасллари билан боғлиқ метафорик образларга кенгроқ ўрин берилади. Инсон ва унинг ҳаёти, яшаш фалсафаси, умр босқичлари, Ўлим, Тириклик, Ҳаёт мавзусида теран мулоҳазаларини

²⁶⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 103.

²⁶⁹ Қуронов Д., Мамажонов М., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр. 2013. – Б. 222.

ифодалашда Куз манзараси метафораларидан фойдаланади. Боғ, дарахт, барг рамз-метафоралари орқали инсон ва унинг ҳаётини табиат унсурлари билан муқояса қилиб тасвирлайди. Баҳор манзаралари тасвирланган шеърларида шоир инсон қалбидаги нозик туйғулар муҳаббат, айрилиқ, соғинч, изтироб ва хотиралар суратини яратади. Биргина қизғалдоқзор метафораси шоирнинг Ҳаёт, табиат манзаралари ва ижодкор руҳиятининг чамбарчас боғлиқлиги билан бирга юрт тарихини жонлантиришда, уни холис баҳолашда катта аҳамият касб этади. Қиш фасли билан боғлиқ образларда эса шоир умр босқичлари ва инсон табиатнинг ажралмас бўлаги сифатида, умуман, инсон ва табиат уйғунлигини акс эттиради. Шунингдек, Қиш ва Ёз тасвирида шоир ижтимоий ҳаёт масалаларни қаламга олади. Шоирнинг пейзаж лирикасида метафора, метафорик тасвирлар етакчи бўлиб, бу шоирнинг бадиий-эстетик концепсиясини, инсон ва тақдир, тириклик ва ўлим, ҳаёт ва унда инсоннинг яшаши, умуман, олам ва одам ҳақидаги тушунчалар моҳиятини ёритишга хизмат қилган.

3.2.§. Метафорик образларда тасвирий воситаларнинг қўлланилиши

Метафорик образларда тасвирий воситаларнинг қўлланилиши ҳақида ўзбек олимларидан Б.Акрамов, И.Қурбонбоев тадқиқотларида ва Д.Қуроноунинг адабиёт назариясига оид китобларида муносабат билдириб ўтилган²⁷⁰. Олим Ботирхон Акрамов “Бир сўзда ҳам сифатлаш – эпитетлик, ҳам қиёслаш, бошқа маънога кўчириш – метафоралик хусусиятлари бўлиши оддий тасвирдан образли ифодага қўйилган қадам, бадиий сўз такомилида янги босқичдир”²⁷¹ – дейди. И.Қурбонбоевнинг тадқиқотида метафорик образ яратишда эпитетнинг ўрни ҳақида муносабат билдирилади²⁷². Бирок бундай тасвирларни юзага келтиришда биргина эпитет эмас, бошқа бадиий

²⁷⁰ Акрамов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 133 б. Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол. фан. номз...дисс – Т., 2005. – 133 б.; Қуроноун Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018. – Б. 94.

²⁷¹ Акрамов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.23.

²⁷² Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол. фан. докт...дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 100-102.

тасвир воситаларининг ҳам имкониятларини аниқлаш муҳим. Шу жиҳатдан мазкур ишимизда Усмон Азим шеърлятида метафорик образлардаги бадиий тасвир воситалари иштирокини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, Шарқ шеърлятида азалдан шеърнинг қонун-қоидалари, шоир маҳорати сирлари, тимсол санъатлар, тасвир ва ифода воситалари ҳамда уларни қўллаш “илми саноеъ” ёки “балоғат илми”да махсус ўрганилган бўлиб, унда шеърлий санъатнинг қиммати байтда яратилган бадиий лавҳалар, тимсолларнинг янгилиги, бетакрорлиги билан белгиланган. Усмон Азим шеърларида мумтоз адабиётимиз намояндалари каби бадиий санъатлардан унумли фойдаланиш унинг бадиий маҳоратини кўрсатибгина қолмай, истеъдодли ижодкорнинг тилга муносабатини ҳам акс эттиради. Шоир шеърларида, айниқса, она тилимизнинг бой хазинасини намоеън эттирувчи кўчим (троп)лардан унумли ва ўринли фойдаланади. Бадиий тасвир воситалари “... адабиётга жило, жозиба, таъсирдорлик, бўёқдорлик каби кўплаб ранг-баранг фазилатларни беради. Қуёш томчида аксланганидек, санъаткорнинг бадиият қудрати алоҳида олинган биргина тропда ўзини намоеън эта олади”²⁷³. Мумтоз адабиётимизда ҳам кўчимларга (троп) ижодкорнинг бадиий маҳоратини намоеън эттирувчи хусусиятлардан бири деб қаралган. Адабиётшунос Д.Қуронови таъкидлашича: “...бадиий-эстетик функциядорлиги, тасвирийлик ва ифодавийликни кучайтириши жиҳатидан муайян матн ўрамидагина кўчма маъно касб этувчи муаллифнинг ассоциатив фикрлаши маҳсули ўлароқ дунёга келган кўчимлар алоҳида ўрин тутади”²⁷⁴.

Усмон Азим ижодида унинг бадиий инкишофидаги маҳоратини намоеън этишда, лирик қаҳрамон табиатини очиб беришда, метафориклик ва ассоциативликни юзага келтиришда бир қатор бадиий тасвир воситалари муҳим ўрин тутади. Айниқса, шоирнинг метафорик образлари тасвирида бир вақтда улардан бир нечтасини қўллаш бадиий маҳоратини кўрсатади.

²⁷³ Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – Б. 157.

²⁷⁴ Қуронови Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018. – Б. 275.

Шу жиҳатдан унда метафора (истиора), сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, таносиб, тазод, талмех, саволу-жавоб, нидо, муболаға, тақрир (такрор) каби бадий тасвир воситалари етакчилиги кузатилади. Мумтоз шеърятимизнинг буюк намояндалари Атоийи, Лутфий ва Алишер Навоий шеърларидаги гўзал бадий ифодаларни ёдга солувчи сатрларида бир эмас, бирдан ортиқ шеърӣ воситалар қўлланганлиги кузатилади.

Эй, гул! Эй, гул! Бир қарагин!... –

Айладим нидо.

Булбулмассан... – деди ул гул, –

Этмади парво²⁷⁵.

Шоир анъанавӣ гул истиораси орқали ёрга мурожаат қилиб, савол-у жавоб, нидо ва таносиб санъатларини қўллаган. Лирик қаҳрамон “Эй” тақрор айтилган мурожаатида нидо санъати қўлланилган (Нидо – мурожаат, ўксиниш, гина, хайрихоҳлик маънолари ифодаловчи поэтик восита). Гул, булбул сўзлари воситасида лафзий санъатнинг гўзал намунаси бўлган таносиб (“Шеър байтларида маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англаувчи сўзларни қўллаб, улар воситасида образли ифодалар лавҳалар яратиш санъати”²⁷⁶) қўлланилган. Усмон Азим шеърларида истиора билан бирга таносиб ва бошқа шеърӣ санъатларнинг бир пайтда қўлланилиши кўп кузатилади.

Икки қошинг – иккита қанот,

Икки кўзинг – икки умидкуш.

Қай умрни айладинг барбод,

Лабинг нега қондир, йиртқич куш?²⁷⁷

Қош, кўз, лаб – аъзоларнинг бирга қўлланилиши таносибни, “Икки қош, Икки кўз – иккита қанот, икки умидкуш” тасвири эса ҳусни таълил (“ҳусн - кўрк, чирой; таълил-асослаш, исбот, важ сўзи” араб тилидан олинган бўлиб, асослаш кўрки ёки чиройли асослаш деган маънони

²⁷⁵ Усмон Азим. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 92.

²⁷⁶ Хожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ НМК, 1999. – Б. 80.

²⁷⁷ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 120.

билдиради) қошнинг қанотга ўхшатилиши ташбихни, икки кўзинг – икки умидкуш тасвири эса истиорани, икки сўзининг ҳар икки мисрада такрор қўлланилиши сўз такрорини вужудга келтирган. Кейинги икки мисрада ҳам шоир мумтозлар йўлидан бориб, “Қай умрни айладинг барбод” – тажоҳул ул-ориф (“билиб туриб билмасликка олиш”), “Лабинг нега қондир, йиртқич куш?” сатрида **йиртқич куш – истиора** санъатини қўллайди.

Япроқ ёғди ҳовлига,
Бошимдан ёғди япроқ,
Ҳавода учиб узоқ,
Япроқ ёғди **бовримга** –
Ҳасратларда оғриган
Вужудим бўлди чок-чок.²⁷⁸

Жонлантириш билан бирга қўлланилган таносиб орқали шоир куз манзараси орқали инсон ҳолатини ҳам тасвирлайди. Адабиётшунос Аҳмад Абдуллаев айтганидек: “Шоир сўзда таносуб санъатига қаттиқ риоя қилади. Унинг шеърида ҳар бир сўз, таъбир, ибора услубий ҳамоҳангликка эга ва шу сабаб улар маржонга ўхшаб кетади, равон ва мусалсал ўқилади, ўқувчи диққатини тортиб, бошдан ниҳоясигача лангар каби мавзун ва мусиқа каби муассир ва муқтадир шеърлар сарасини эслатади²⁷⁹. Айниқса, метафорик образлар асосида яратилган шеърларда мазкур бадиий санъатнинг ўзига хос намуналари мавжуд. Таносиб санъати бир вақтда бир нечта бадиий санъатларни қўллаш имконини берган.

Баҳор каби шамоллисан,
Оловлисан саратондай,
Қисматимда фақат кузсан –
Сўниқдирсан, сўниқдирсан.

Ўхшатиш (Баҳор каби шамоллисан, Оловлисан саратондай), қаршилантериш (тазод) (оловлисан, сўниқдирсан), таносиб (баҳор, саратон,

²⁷⁸ Усмон Азим. Юрак. – Тошкент, Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 30.

²⁷⁹ Абдуллаев А. “Шеъримда узоқ бир ишқнинг шарҳи бор...” (Усмон Азим.. шеърятига чизгилар) // Шарқ юлдузи. 2010. №5. – Б.175.

куз), такрор (сўниқдирсан) воситасида шоир лирик қаҳрамонининг қисматига айланган Кузи – маъшуқа ҳолатини яратади. Бир бандда бир нечта шеърий санъатни қўллай олиш ижодкорнинг сўз устаси, “руҳ-тасвир санъаткори” эканлигини яна бир бор исботлайди.

Усмон Азим шеърлари мавзу жиҳатдан хилма-хил. Аммо шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, ундаги сўз сеҳрининг жозибаси, сатрлардаги маъно жилоланиши ўқувчини мафтун қилади.

Бутоқда шамол йиртди,
Шовуллаган шарфини.
Барглар учди ҳавога,
Чизиб хитой ҳарфини²⁸⁰.

Ўхшатиш воситасига асосланган ушбу шеърий парчада шамолнинг эсаётгандаги овози – бутоқда шовуллаган шарфини йиртишга қиёсланиб, жонлантирилган бўлса, кейинги сатрда жонлантириш (Барглар учди ҳавога) билан бир вақтда яна ўхшатиш қўллайди, ҳавода баргларнинг учиши – хитой ҳарфини чизишга (ёзишга) ўхшатилади. Маълумки, хитой ҳарфлари пиктографик шаклий кўринишда ёзилади, уларнинг ана шу кўриниши кузги барглар тўкилишининг бетакрор ўхшатишидир.

Усмон Азим ижодида сўзнинг шаклий ифодаси бўлган ҳарфлар ўхшатиш воситаси сифатида кенг қўлланилади. Хитой ҳарфлари мисолида табиат ҳодисаси тасвирланса, қуйидаги шеърида инсон ва унинг тақдири араб ҳарфларига ўхшатилади:

Биз якка-яккамиз –
Араб алифбосининг ҳарфларидай.
Қўшилсак катта қисмимиз йўқолар,
Улкан эврилишлар бўлади бизда-
Биз якка-яккамиз.
Қудратли хаттот,
Биздан дунёни ёза бошлагунча

²⁸⁰ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 203.

Якка-яккамиз²⁸¹.

Метафорик тасвирга асосланган ушбу шеърда араб ҳарфларини ўхшатиш воситаси қилиб олади ва ундаги сўз ёзилиш жараёнида инсон тақдирининг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатса-да, “Ҳар бир инсон бу дунёда ўзи бир тақдир” дейди ва истиора орқали уни “Қудратли хаттот” – Аллоҳ белгилаб қўйишини таъкидлайди. Ушбу шеърда шоир “Аллоҳ инсон тақдирини битмиш” маъносидаги ҳикматга ишора қилади.

Шабода!

Шоҳ бода!

Япроқлар тебранар,

Соялар тебранар — Маст айладингму?

Шабода!

Озода

Баҳорни кўнгилга,

Бир нафис, Бир ҳадис – Сас айладингму?

Шабода,

Шаън бода,

Кўринмас капалак – Мавжланган нурсан.

Шабода,

Нурзода,

Кўнглим беҳишт ўлди –

Сен эса ҳурсан²⁸².

Табиат ва инсон руҳияти уйғунликда тасвирланган мазкур шеърнинг биринчи бандида нидо (Шабода!), ташхис (япроқлар тебранар, соялар тебранар), таносиб (шоҳ, япроқ; бода, маст) санъатлари, кейинги бандда сифатлаш (озода, бир нафис, бир ҳадис), жонлантириш (Сас айладингму?) ўхшатиш (Кўринмас капалак – Кўринмас **капалак** – **Мавжланган нурсан**) воситаси қўлланилган. Охирги бандни шоир ўхшатиш асосида яратиб (шаън

²⁸¹ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 222.

²⁸² Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 133.

бода, Шабода, Шаън бода, Нурзода), сўнгги сатрда таносиб (беҳишт, хур) кўлланилган. Шоир шеърда тилимиздаги бадий оҳорлиги юқори бўлган Шаббода сўздан гўзал товушлар симфонияси ҳосил қилган: Шабода – Шоҳ бода, Шабода – Шаън бода, Шабода – Нурзода.

Қуёш чарақлайди – яртқу тарзли –
Кенг зангор афсунни тутганча кифтга,
Ғайрати беқиёс – курраи арзни
Боғлаб кўтаргуси бир заррин ипга²⁸³.

Мазкур парчада “Қуёш чарақлайди” метафораси “яратқу тарзли, кенг зангор, ғайрати беқиёс” сифатлаши ва “Кенг зангор афсунни тутганча кифтга” жонлантириш, “Боғлаб кўтаргуси бир заррин ипга” муболаға (кичрайтириш) бадий воситалари орқали баҳор манзараси яратилади.

Бахт каби гуллади **боғимда баҳор**,
Жанубдан қучоғи илиб қайтди ел.
Ҳамма ғашликларни
Енгдим бу наҳор,
Ҳамма эшикларни очиб қўйдим – Кел!
Туманни кўтардим – Кўчалар равшан.
Ҳасан-у Ҳусанга чулғадим кўкни.
Кўзларим толиқди –
Нега келмайсан?
Худо хоҳласа ҳам учрашмоқ йўқми?²⁸⁴

Жонлантириш воситасида тасвирланган мазкур шеърда ўхшатиш (Бахт каби гуллади боғимда баҳор), таносиб (ел, туман), ҳусни таълил – “Ҳасан-у Ҳусанга чулғадим кўкни...” – камалак ифодасини беришда халқ оғзаки ижодига мурожаат қилгани намоён бўлади. Метафорик тасвир асосида яратилган ушбу шеърда лирик қаҳрамон руҳиятининг табиат манзараси билан уйғунликда қалбдаги соғинч, кўнгил аразликларидан холи бўлиш

²⁸³ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 146.

²⁸⁴ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 53.

каби интим туйғулар ўзига хос ифодаланади. Ташхис санъатига хос бир хусусият борки, у “ташбеҳ, ҳусни таълил санъати учун асос вазифасини бажаради”²⁸⁵.

Тоқатда мен Айюб каби
Бир ҳол касб этмоқ эдим,
Дайридун қуртдин ёмон
Ғаюр раво этди, эвоҳ²⁸⁶.

Сабр тимсоли бўлган Айюб пайғамбар номининг тилга олинishi талмехни юзага келтирган бўлса, лирик қахрамон сабр тоқатининг унга ўхшатилиши ташбеҳни, тоқат ва Айюб сўзлари таносибни, байт эса тўлик тазоднинг маъновий турини ҳосил қилган.

Шоирнинг тарихий мавзудаги “Йигирма бешинчи йил” деб номланган шеърдаги қуйидаги парчада халқимизнинг Эрк ва истиқлол учун олиб борган шонли кураши бадий тасвир воситалари орқали ўша давр тарихий ҳақиқатларини акс эттирган:

Шамол кўздан оққан ёшларни
Олиб учар даштнинг ичига.
Юртсиз қолган ғариб бошларни
Душман илди найза учига²⁸⁷.

Кўпинча шеърятимизда табиат ҳодисаларидан бўлган шамол ўткинчи вақт, давр рамзи саналади. Шеърдан келтирилган парчада ҳам шоир халқимиз бошига тушган мустабидлик тузуми ифодасини шамол тимсолида беради. “Кўздан оққан ёшларни”, “даштнинг ичига” “олиб уч”ган “шамол” – Эрк истагини йўқ қилган “ҳукмрон давр” рамзидир. “Юртсиз қолган” сифатлаши ва у билан бир вақтда қўлланилган “ғариб бошлар” синекдохаси орқали юрт озодлиги йўлида фидо бўлган қанчадан-қанча улуғ сиймолар гавдалантирилади. Бу фидойиларнинг машъум фожиаси эса “Душман илдиз найза учига” муболағаси билан янада бўрттирилади. Демак, шеърдаги рамз,

²⁸⁵ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийят малохати. – Тошкент: Шарқ НМК, 1999. – Б. 203.

²⁸⁶ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 378.

²⁸⁷ Кўрсатилган манба, – Б. 268.

сифатлаш, синекдоха ва муболаға воситалари қаламга олинган тарихий давр ҳақиқатини аниқлаштириш, Истиклол учун курашган фидоий инсонлар фожиаси тасвирини яратиш, маънони кучайтириш ва ҳиссий-таъсирчанликни ошириш каби вазифаларни бажарган.

Бу нима кўргулик?
Бу нима кўрим?
Минг ўлим – туғилиш,
Юз мингдир ўлим.
Кенглик – бир девордир,
Чексиздир – торлик.
Улуғлик – кўрқинчдир,
Ўқинчдир хорлик!²⁸⁸

Шеърда туғилиш – ўлим, кенглик – торлик, улуғлик – хорлик бирига қарама-қарши тушунчалар асосида тазод юзага келган. Ушбу қарама-қаршилиқ риторик сўроқ (Бу нима кўргулик? Бу нима ўлим), муболаға (Минг ўлим – туғилиш, Юз мингдир ўлим), ўхшатиш (Кенглик – бир девордир, Чексиздир – торлик. Улуғлик – кўрқинчдир, Ўқинчдир хорлик) ёрдамида янада кучайиб боради. Шоирнинг “Дунёни бўлиб олиш” деб номланган чуқур фалсафий мазмундаги шеъри ҳам мазкур санъатга асосланган.

Камбағал бизники.	Бойлар сизники.
Ҳақиқат бизники.	Ёлғон сизники.
Қайғулар биздандир.	Шодликлар сиздан.
Ташвиш бизга тобе.	Беғамлик сиздан.
Ямоқ бизникидир.	Бутун сизники.
Озодлик биздандир.	Қафас сизники.
Кўнгил бизнинг подшоҳ.	Қорин сизники.
Бизнинг уй хароба.	Сарой – сизники.
Биз ҳақнинг қулимиз.	Дунё сизники.

²⁸⁸ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2001. – Б. 288.

Энди буёғининг ўзи бўлинди:

Оллоҳ бизникидир.

Шайтон сизники.²⁸⁹

Бир қарашда тазод санъатини ўқисак-да, айрим сўзларнинг ишлатилишида таносиб ҳосил бўлган: уй, хароба, сарой. Ноанъанавий кўринишда ёзилган шеърнинг иккинчи устунда эпифора (бизники, сизники) қарама-қаршилиқни кучайтирган.

Гулладинг – бир ёруғ юлдуздай ёниб,

Гулладинг – бўйларинг таралди севинч.

Гулладинг – “ҳақ” деган бир қатра ёшдай,

Гулладинг – фалақдан ҳаракат ичиб,

Ич-ичига ўсган камтарин тошдай²⁹⁰.

Ушбу парчада гулладинг анафораси тақрир санъатининг сўз такрорини вужудга келтириб, ўзига хос ритмиклик таъминланган. Маълумки, анафора (юнонча-юқорига чиқиш) – қатъий тизимли такрорлардан бири. Шеър ёки банддаги мисраларнинг бошидаги сўз ёки сўз бирикмаси бошқа мисраларнинг бошида айнан такрорланиши. Гулладинг анафораси билан бирга қўлланилган ўхшатишлар (бир ёруғ юлдуздай, бир қатра ёшдай, камтарин тошдай) мазмунни юзага чиқариш ва шеърнинг эмоционал-ҳиссий таъсирини оширишга хизмат қилади. Табиатнинг набобат дунёсига хос дарахтнинг “гуллаш”и – инсонга кўчирилади ва шоир шеър бошланмасида “Фалақда гуллашинг қутлуқ эй, дарахт,” “руҳимнинг дарахти” каби оксиморон бирикмалар яратади. Рухда дарахтнинг гуллаши – бу қалбнинг янгилиниши, гўзалликка ошно бўлиши ташхис санъати асосида юзага келган. Зеро, адабиётнинг асосий эстетик вазифаси ҳам инсон қалбидаги туйғуларни тарбиялаш, инсонни гўзалликка ошно этишдир. Шеършунос А.Хусайний “тақрир”ни маънавий гўзал санъат сифатида қайд этиб, уни икки турга ажратади: “Биринчи турли улдириким, лафз айнан такрорланур. Иккинчи турли улдурким, лафз эмас, маъно такрорланур ва маънонинг

²⁸⁹ Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 144.

²⁹⁰ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 344.

такрори умумийсидин сўнг хусусийнинг зикридин иборат бўлмоғи мумкин”²⁹¹. Юқоридаги шеър сўз такрорига асосланса, қуйидаги шеърда маъно такрори кузатилади:

Қордай ёғиб келди ишқ,

Изғириндай сўзладим.

Қордай ёғиб келди ишқ,

Аёзида музладим.

Қордай ёғиб келди ишқ,

Кўчаларда қолдим мен.

Қордай ёғиб келди ишқ,

Музлаб-музлаб ёндим мен²⁹².

Шоир “ишқ азобида” қийналаётган лирик қаҳрамон ҳолатини дастлаб ўхшатиш воситасида ифодалаган: “Қордай ёғиб келди ишқ, Изғириндай сўзладим”. Кейинги мисраларда лирик қаҳрамон мазкур ҳолати тадрижий “аёзда музлаган”, “кўчаларда қолган” ва “музлаб-музлаб ёнган” тарзда кўрсатилиб, шеъррий парчада қор, изғирин, аёз, муз – сўзлари таносибни ҳосил қилмоқда. Шунингдек, лирик қаҳрамоннинг “Музлаб-музлаб ёндим мен” ҳолати муболағанинг ғулув турига киради. Усмон Азим шеърларида такрорлар лирик қаҳрамон табиати, инсон руҳияти манзараларини шоирона чизишда муҳим аҳамият касб этади. Оламда инсон борки, унинг энг олий туйғуси – муҳаббат ҳам бор. Бу бетакрор туйғуни не-не буюк сўз санъаткорлари қуйлаганига қарамай, ҳеч бир ижодкор унинг таърифини беролган эмас:

Эзилиб-эзилиб ёмғирлар ёғди;

Эзилиб-эзилиб адо бўлди жон.

Кечани гоҳида чакмоқлар ёқди,

Гоҳида оҳ урдинг – ўртанди жаҳон²⁹³.

²⁹¹ Хусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Фафур Фулом, 1981. – Б. 219.

²⁹² Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 133.

²⁹³ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 369.

Ушбу мисраларида муҳаббат азобида қолган лирик қаҳрамоннинг илтижолари тасвирланса-да, унда бутун инсониятга тегишли армон бўлган муҳаббат туйғусининг тараннуми бор. Такрир билан бирга қўлланилган ташхис (Кечани гоҳида чакмоқлар ёқди) ва муболаға (Гоҳида оҳ урдинг – ўртанди жаҳон) санъатлари лирик қаҳрамон ҳолатини кучайтириб ифодалашга хизмат қилган. Сўз такроридан ҳосил бўлган такрир санъати фикрдаги қатъиятни ҳамда ҳис-туйғуларини, руҳий кечинмаларни, қаҳрамон ички дунёсини равшан ифодалайди, шеър сўнгида ёмғир образининг рамзий ифодаси “Мен ҳам ёмғир каби бир ёғиб ўтдим, Сен ҳам ёмғир каби бир йиғлаб ўтдинг бир...” такрор қўлланилиб, маъно кучайишига хизмат қилган.

От боради баҳордан ўтиб,
От боради ёзда ялтираб,
От боради кузакни тутиб,
От боради қишда қалтираб²⁹⁴.

“Ўтар дунё балладаси” шеърдан олинган мазкур мисраларда шоир вақтнинг олий ҳакам эканлигини от рамзида ифодалайди. Вақт отлиғ тулпорни тўхтатиб бўлмаслигини рамз билан бирга маъно такрори (от боради) ва фаслларнинг умр босқичини рамзий ифодалаш орқали уқтиради.

Юрагимнинг ҳорғин вазни,
Дунёга сизга аён.
Баъзан баҳор, баъзан ҳазин
Куз бағирида намоён²⁹⁵.

Юракнинг “ҳорғин вазни” метафорасида шоир лирик қаҳрамоннинг ички ҳолати, унинг қалб дардларини ифодалаётган бўлса, параллелизм асосидаги “баъзан баҳор” “баъзан ҳазин куз” шоирнинг кўнгил оламидаги шиддатли, жўшқин ва ғамгин кайфиятини акс эттиради. Демак, ҳар бир инсон кўнгил оламидаги шодлик ва қайғу, севинч ва ўкинч, нафрат ва

²⁹⁴ Кўрсатилган манба, – Б. 405.

²⁹⁵ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 47.

муҳаббат – баҳор ва куз фаслини ёнма-ён келтириш – паралалезм орқали қиёсланади.

Гулхан жунунвар ёғду –

Тун ичра ажиб раққос.

Шамол томонга оғиб.

Учмасдан айлар парвоз²⁹⁶.

Ушбу мисраларда ўхшатиш санъатининг гўзал намунаси билан бир вақтда ташхис (жонлантириш) ва муболаға қўлланилган.

Мен ўнгда кун кўрмоқнинг

Тополмадим имконин.

Тушимда яшай десам...

Умр тушдан ҳам қисқа²⁹⁷.

Зид маъноли сўзлар ўнг ва туш асосида юзага чиқаётган қарама-қаршилиқ тазод воситасида ифодаланиб, шоир яшаш фалсафаси ҳақида ёзаркан, ҳаёт машаққати ва синовларида имкон тополмаган лирик қаҳрамон иқрорини муболағанинг литота (кичрайтириш) тури ёрдамида ўзига хос теран маъносини яратган: **“Умр тушдан ҳам қисқа”**. Усмон Азим халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган “Алпомиш” достони мотивларидан кўп фойдаланган. Достон бадииятининг асоси бўлган муболаға унинг шеърларида кенг қўлланилган. Маълумки, муболаға бадиий асарда тасвирланаётган образнинг поэтик ифодасини бўрттириш ҳамда кучайтиришга хизмат қилади. Муболағанинг моҳияти ва имкониятлари шарқ шеърлятида “Балоғат илми”да атрофлича ўрганилиб, унинг поэтикасига оид қуйидаги фикрлар айтилади. “мумтоз адабиётдаги шеърый санъат, нарса-ҳодисалар, инсонлар ва бошқа мавжудотларга хос хусусиятни табиий ҳолига нисбатан бўрттириб катталаштириб ёки кичрайтириб тасвирлаш усули”²⁹⁸ тушунилади. Маълумки, муболаға икки хил бўлади: улканлаштириш ва кичрайтиш. Биринчиси, ифрот-катталаштириш,

²⁹⁶ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2001. – Б. 223.

²⁹⁷ Усмон Азим. Коллаж: Назм, бахшиёналар, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 237.

²⁹⁸ Қуроно Д., Мамажонов М., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр. 2013. – Б. 185.

иккинчиси, тафрит ўта кичрайтириш, кучсизлантиришдир. Юқоридаги парчада тафрит қўлланилган бўлиб, шоир умр ўтишини хаттоки тушдан ҳам қисқа, дейди. “Муболаға даражасига кўра тафовут ниҳоятда нозик ва анча ишонарли изоҳланган: таблиғ, иғроқ, ғулув”²⁹⁹. Муболағанинг мазкур уч тури ҳам шоирнинг шеърларида кенг қўлланилган. Юқорида шеъринг парчада таблиғ кузатилса, қуйида иғроқнинг гўзал намунасини кўрамиз.

Хиёбонлар, дарахтлар учди,
Иморатлар учди, кўчалар...
Тилинганча деразалари,
Ўзин отди кўкка кечалар³⁰⁰.

Ушбу шеъринг парчада таблиғ орқали фожиа кучайтирилиб, ўқувчи воқеани кўрмаса-да, уни тасаввурга сиғдира олади. Бироқ мазкур парчадаги бўрттиришни тасаввур қилиб бўлмайди. “Хиёбонлар, дарахтлар”, “иморатлар” “кўчалар”нинг учиши – онгимизда воқеаланса-да, ҳаётда уларнинг учиши мумкин эмас. Ушбу парчада иғроқ билан бирга яна таносиб санъати қўлланилаган: хиёбон, дарахт, кўча; иморат, дераза.

Ташқарида бир эрка зуғум –
Қор уради пастдан юксакка.
Биз осмонда яшадик бу тун –
Тонг отмоқда... Суян юракка³⁰¹.

Ушбу шеъринг парчада бир нечта бадий санъатлар бор. “Ташқарида бир эрка зуғум” – истоира, “Қор уради пастдан юксакка” – ғулув; паст ва юксак – параллелизм ҳосил бўлган. “Биз осмонда яшадик бу тун” – ғулув орқали ақлан ишониш ва тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳолат тасвирлаган. “Тонг отмоқда...” рамз.

Маълумки, шеърнинг таъсирчанлигини ошириш учун товушлар (фонетик усул) такрори асосида ўзига хос бадийлик таъминланади. Усмон

²⁹⁹ Кўрсатилган манба. – Б. 186.

³⁰⁰ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 131.

³⁰¹ Усмон Азим. Куз. – Тошкент: Фафур Фулом, 2001. – Б. 36.

Азим шеърларида товуш такрорига асосланган шеърлар кўп учрайди. Бундай шеърларда ҳам шоир таносиб санъатини унумли қўллайди:

Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Сени бир кўрсам эди,
Хуш кетиб турсам эди,
Хуснингга тоқат қилолмай,
Хўнграиб юрсам эди.
Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Ой юзинг армоним-а,
Тоғларга исмингни айтсам,
Тошлари бўстоним-а.
Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Дилимда пинҳоним-а,
Ерга туш, кўкларда учма,
Сўнгги йўқ достоним-а.³⁰²

Метафора қўлланилган икки бандда “ж” ва сўз охирида “а” товуши такрорланган. Биринчи бандда тўртинчи мисрадан банднинг охиригача “х” товуши, банднинг тўлиқ ўзида “м” товуши такрори шеърнинг жозибадорлигини оширган. Учинчи бандда сўзларнинг охирида фақатгина бир хил “а” унлисининг такрори кузатилиб, бу ассонанс (мумтоз шеърятимизда тазмим-и муздаваж)ни вужудга келтирган. Шеърнинг иккинчи бандида тоғ, тош сўзлари таносибни, “Ерга туш, кўкларда учма” мисрасида эса тазод қўлланилган.

На такаллуф,
На таассуф,
На “оҳ”, на “уф” –


³⁰² Усмон Азим. Жимлик: назм, наслр, драматургия. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – Б. 29.

Билмагайсан.
 Бетакрорсан,
 Бекарорсан,
 Бебаҳорсан –
 Умринг – кузак.
 На таҳрирга,
 На тасвирга,
 На тақдирга
 Сигмагайсан³⁰³.

Ушбу шеърнинг биринчи бандидаги сўзларнинг охирида “ф” ундоши, иккинчи бандда мисралар бошидаги сўзларда “б”, сўз ўртасида “р”, учинчи бандда иккинчи сўзнинг бошида “т” ундоши такрори вужудга келган. Шоирнинг мазкур шеъри аллитерация (тавзеъ) билан бирга таносиб (таассуф, оҳ, уф; таҳрир, тасвир), ташбеҳ (умринг кузак), сифатлаш (Бетакрорсан, Бекарорсан, Бебаҳорсан) бадий воситалари қўлланилган.

Усмон Азим шеъриятидаги метафорик образларда бир нечта бадий санъатлар бир вақтда қўлланилиши жиҳатдан алоҳидалиқ касб этади.

Шоирнинг метафорик образларда фойдаланган бадий тасвир воситаларининг қўлланиш даражаларини қуйидаги жадвалда келтириб ўтдик:



Бу ўринда таносибнинг кўп қўлланилиши ва бошқа бадий тасвир воситалари учун асос бўлиши кузатилади.

Усмон Азим шеърларида ҳар бир бадий тасвир воситалари ўзига хос аҳамият касб этади. Юқорида шоир шеърларини таҳлил қилиш асосида

³⁰³ Усмон Азим. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – Б. 63.

айтиш мумкинки, улардаги бирдан ортиқ бир нечта бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши қуйидаги бадиий-эстетик функцияларни бажаришга хизмат қилади.

- 1) шеър маъносини кучайтириш,
- 2) таъкид ва эстетик таъсирчанликни ошириш,
- 3) фикр қамровини кенгайтириш,
- 4) ўқувчига эстетик завқ уйғотиш ва унинг бадиий дидини ўстириш

Биз шоирнинг “Куз” (2001), “Жимлик” (2012), “Кўнгил” (2019) шеъррий китобларидаги айрим шеърларида бирдан ортиқ бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳоратини кўриб ўтдик. Унинг туғма истеъдоди ва поэтик маҳоратини очишда, албатта, бадиий тасвир воситалари муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан шоирнинг шеърларидаги бадиият асослари бўлган шеъррий санъатларни алоҳида тадқиқ этиш мумкин. Шоирнинг ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, ўзига хос дунёқараши, теран мулоҳазавий идроки, табиатдаги бошқалар кўра олмаган рангларни нозик ҳис этиши ҳамда уни гўзал шаклда ўқувчига етказиб бера олиши, унинг шеъриятининг бадиий гўзаллиги ва жозибадорлигини ташкил қилиш билан бирга шоирлик маҳоратини белгилайди. Ижодкорнинг халқ тилини чуқур билиши, чексиз сўз бойлигига эга бўлиши, сўзнинг таъсир кудратини ҳис эта олиши, ҳар бир сўзни маъно нозикларигача илғаб олиши, сўз ўйинларидан усталик билан фойдалана олиши муҳим ўрин тутди. Усмон Азимнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни беқиёсдир. Унинг шеърларида илгари сурилган ғоялар ва сўз қўллаш йўсинлари эътирофга сазовордир. Шоир ижодининг асоси бўлган метафорик образларни ўрганиш, нафақат унинг бадиий маҳоратини, балки ижод қирраларини очиш, таҳлил қилиш, унинг фикрларини илғашимизга, ижодкор шахсиятини англашимизга катта ёрдам беради.

Учинчи боб бўйича хулосалар:

Усмон Азимнинг метафорик образ яратиш маҳоратини ўрганиб, хулосалармизни қуйидагича умумлаштирдик.

1.Шоирнинг пейзаж лирикаси тасаввуфий, фалсафий, интим ва ижтимоий йўналишда бўлиб, унда рамзий ва метафорик образлар етакчилиги кузатилади. Унинг пейзаж лирикасида йил фасллари билан боғлиқ метафорик образларга кенгрок ўрин берилади. Инсон ва унинг ҳаёти, яшаш фалсафаси, умр босқичлари, Ўлим, Тириклик, мавзусида теран мулоҳазаларини ифодалашда Куз манзараси метафораларидан фойдаланади. Боғ, дархт, барг рамз-метафоралари орқали инсон ва унинг ҳаёти табиат унсурлари билан муқояса қилиб тасвирланади.

2.Шоирнинг инсон қалбидаги нозик туйғулар муҳаббат, айрилиқ, соғинч, изтироб ва хотиралар суратини баҳор манзаралари орқали ифодалайди. Биргина қизғалдоқзор метафорик образи шоирга инсон қалбдаги туйғулар ва Ҳаёт суратини ҳамда юртимиз тарихининг қонли саҳифаларини ёритишга имкон берган.

3.Инсон табиатнинг ажралмас бўлаги, инсон ва табиат уйғунлиги қиш ва у билан боғлиқ унсурларнинг метафорик ифодасида акс эттирилган. Ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритишда шоир Ёз метафорик образидан фойдаланади. Шунингдек, шоирнинг пейзаж лирикаси ниҳоятда гўзал тасвирларга бой бўлиб, унда лирик қаҳрамон яшаётган давр, макон ва унинг руҳияти тасвирига катта эътибор берилган.

4.Шоирнинг метафорик образ яратишда бир нечта бадиий тасвир воситалари бир вақтда қўлланилгани кенг кузатилди. Шоир метафорик образлар яратишда истиора (метафора), таносиб, ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш каби шеърий воситалардан маҳорат билан фойдаланган.

5.Кўчимлар, шеърий санъатлар, фонетик усул асосидаги бадиий тасвир воситалари шоирнинг ўзига хос бадиий маҳоратини намоён этиш билан

бирга шоирнинг она тилимиздаги маъно нозикликларига эга бўлган сўзлардан фойдаланишини ҳам кўрсатиб беради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот давомида чиқарилган илмий-назарий хулосаларимизни куйидагича умумлаштирдик:

1.Метафорик образ сўзни ўз маъносидан кўчма маънода ўхшашлик асосида қўлланилишига асосланади. Метафорик образ шеърятнинг асоси сифатида ҳар бир шоир индивидуал услубида ўзига хослик ва адабий-эстетик дунёқарашни акс эттиради. Усмон Азим шеъриятида метафорик образларнинг яратилишида халқ оғзаки ижоди асосий ўрин тутди.

2.Усмон Азим шеъриятида мумтоз адабиётимиздаги анъанавий образларга янгича поэтик вазифа юклаган. Чоҳ, тош, йўл, қилич, булут образлари метафорик табиатга эга: Тош – лоқайд инсон, қилич – истибдод зулми, тасаввуфий маънога эга йўл – инсон ва унинг умри каби. “Боғлардан келган шеърлар” туркумида шоир Алишер Навоий анъаналарни давом эттирилиб, йил фасллари образида инсон умри босқичлари метафорик ифодаланган.

3. Шоир шеърларида жонли ва жонсиз нарсаларнинг инсон ва унинг фаолиятига кўчирилиши, шахсларнинг ички дунёси рухияти, характери, унинг маънавий олами кўчим даражасидаги метафоралар орқали ифодаланган. Нарса-предмет билан боғлиқ метафорик образларда инсон ва унинг кечинмалари (чироқ, парда), шахс эрки (қафас), унинг тақдиридаги турли ҳодисалар, тўсиқлар ва курашларни (девор) ёритган бўлса, табиатдаги тўрт унсур билан боғлиқ метафорик образлар олов (ижодкор шахси), сув (эрк), тупроқ меҳр-муҳаббат, абадийлик, ҳаво (эрк-озодлик) каби умумбашарий ғояларини ифодалаган.

4.Ижровий лирикага мансуб шеърларида шоир антономазия метафоралардан фойдаланиб, улар орқали давр манзаралари ва инсонлар ҳаётини, шунингдек, тарих ҳақиқатларни беришда фойдаланади. Шоир

ижодида бундай метафоралар тарихий шахслар ва асар қаҳрамонлари номини келтириш асосида яратилган.

5.Инсон характерининг турли салбий хусусиятлари аллегорик-метафоралар (ит, бўри айиқ, қуён, чумоли, мусича, қарға) ва унинг ҳаётидаги фожиалар (қушлар) ҳаёти билан муқояса қилиниб, шоир шеърларининг бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

6.Табиатдаги ранглар шеърятда фаол қўлланилиб, шоир ранглар метафорасида нафақат табиат манзараларини яратиш, балки инсон руҳий оламидаги эврилишларни қизил (жигарранг), сарик, рангларни образ даражасида қўллаб, улар орқали инсон умри босқичидаги муҳаббат, айрилиқ, соғинч ва афсус туйғуларининг ифодасини беришда фойдаланган.

7.Куз метафорасини шоир юрт тақдири билан боғлиқ шеърларида ва инсон умр босқичини ифодалаш мақсадида қўллайди. Дашт – инсон ўзлиги, Тоғ – саботли инсон, Чироқ – шоир, Бахт – Она, Ёмғир – ошиқ тимсолидаги метафорик образлар шеърда “яширин ўхшатиш” бўлиб, бутун шеър даражасида воқеаланиб, образ-метафора яратилган.

8.Фольклоризм асосидаги метафорик образларда а) “Алпомиш” достонидаги – *Алпомиш, Барчин, гоз, Қоражон* образлари; б) халқ эртакларидаги *ойна, учинчи ўғил, “Борса келмас”, Гулпар, Қора ботир ва Ҳ.* образ ва мотивлари; в) теомифологик (диний тушунчалар билан боғлиқ) – *шайтон, фаришта, дўзах, жаннат*; г) мифологик – *дев, аждарҳо, юҳо, Семург* ва бошқа стилизацион фольклоризмларнинг метафориклашуви натижасида давр ва замондошлар қиёфаси, эрк-озодлик ғоялари, ижтимоий ҳаёт масалалари ва инсон умр босқичи ифодаланган.

9.Усмон Азимнинг пейзаж лирикаси тасаввуфий, фалсафий, интим ва ижтимоий йўналишда бўлиб, унда рамзий ва метафорик образлар етакчилиги кузатилади. Инсон ва унинг ҳаёти, яшаш фалсафаси, умр босқичлари, Ўлим, Тириклик, Ҳаёт – мавзусида теран мулоҳазаларини ифодалашда фасллар ва улар билан боғлиқ рамз-метафоралардан фойдаланади. Шоирнинг пейзаж лирикаси ниҳоятда гўзал тасвирларга бой

бўлиб, уларда лирик қаҳрамон яшаётган давр, макон ва унинг руҳияти тасвирига катта эътибор берилган.

10. Усмон Азим шеъриятидаги метафорик образларда бир нечта бадиий тасвир воситалари бир вақтда қўлланганлиги жиҳатдан алоҳидалик касб этади. Улар қўлланиш даражасига кўра таносиб, метафора, сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, такрор, параллелизм, муболаға, тазод, тавзеъ ва бошқа санъатлар ташкил қилади. Шоир шеърларида бадиий тасвир воситалари шеър маъносини кучайтириш, таъкид ва эстетик таъсирчанликни ошириш, фикр қамровини кенгайтириш ҳамда ўқувчига эстетик завқ уйғотиш ва унинг бадиий дидини ўстириш каби қатор бадиий-эстетик функцияларни бажаришга хизмат қилган.

11. Бугун учинчи Ренессансга қадам қўйган мамлакатимиз ҳаёти янгиланишида, ҳар томонлама баркамол ва бардавом инсонларни тарбиялаб вояга етказишда, уларни ватанпарварлик руҳида улғайтиришда, ҳаётимиздаги кекса-ю ёшни, катта-ю кичикни бирдай инсоф-у виждон, иймон-у эътиқод билан пок ва озода яшашга ундашда ўзбек адабиётининг забардаст вакили Усмон Азим шеъриятини ўрганиш ва ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ижтимоий-сиёсий ва методологик адабиётлар

- 1.1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. (Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси) / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 авг.
- 1.2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари. Халқаро конференцияга табриги // Халқ сўзи online. – Тошкент: 2018. 7 август.
- 1.3. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси // Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2021. 16 август.
- 1.4. Мирзиёев Ш.М. Ватанамиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. – Тошкент: 2021. 1 сентябрь.
- 1.5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
- 1.6. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Илмий-назарий адабиётлар:

- 2.1. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. / Танланган асарлар. Ж.IV. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – 336 б.
- 2.2. Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. I жилд (Адабий асар). – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б. Адабий-тарихий жараён. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Т. II. – 443 б.
- 2.3. Адабиёт назарияси. Дарслик: / И. Султон. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 270 б.
- 2.4. Адабиёт назарияси. Дарслик: / Ҳ. Умунов. – Тошкент: Шарқ, 2002.

– 251 б.

2.5. Адабиётшунослик луғати. /Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 397 б.

2.6. Акрамов Б. Шеърят гавҳари.(Лирикада образ муаммоси) – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 183 б.

2.7. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Фафур Гулом, 1980. – 149 б.

2.8. Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. – М.: Наследие, 2002. – 624 с.

2.9. Женетт Ж. Работы по поэтике: Фигуры: том 1-2. – М.:, Изд.-во им. Сабашников, 1998. – 472 с.;

2.10.Ж.Лакоффа., М.Джонсона. Метафоры, которыми мы живем. Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.

2.11. Жўраев М., Расулова З. Миф. маросим ва эртак. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – 308 б.

2.12. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 126 б.

2.13. Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б.

2.14. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 364 б.

2.15. Каримов Н. Уч буюк сиймо. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2019. –428 б.

2.16. Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994.– 72 б.;

2.17. Матёқубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат. – Тошкент: Фан ва технология, 2011. – 172 б.

2.18. Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. –Тошкент: Чўлпон, 2018. – 100 б.

2.19. Мирҳайдаров Ҳ. Тафаккур гавҳари. – Хўжанд: Нури маърифат, 2009. – 278 б.

2.19. Назаров Б. Ҳаётгийлик – безавол мезон: Адабий ўйлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 224 б.

- 2.20. Назар Эшонкул. Мендан “мен”гача. /Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2014. – 512 б.
- 2.22. Норбоев Б. Истиклол ва истеъдод тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 47.
- 2.23. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси (рисола). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003. – 72 б.
- 2.24. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007. – 260 б.
- 2.25. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. – 128 б.
- 2.26. Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт: адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар. Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. – 148 б.
- 2.27. Теория метафоры: Сборник: Пер. С англ., фр., нем., исп., польск. яз./Общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. – М.: Прогресс, 1990. – 512 с.
- 2.28. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: G’afur G’ulom nomidagi NMIU, 2017. – 308 б.
- 2.29. Умуркулов Б. Бадиий наср жозибаси. –Тошкент:Муҳаррир, 2021. –300 б.
- 2.30. Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. –161 б.
- 2.31. Шарқ мумтоз поэтикаси. / Нашрга тайёр: Ҳ. Болтабоев.– Тошкент: O’zbekiston milliy ensklopediyasi, 2006. – 430 б.
- 2.32. Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб... – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 256 б.
- 2.33. Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999. –172 б.
- 2.34. Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. –208 б.

- 2.34. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 475 б.
- 2.35. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Адабий ўйлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 224 б.
- 2.36. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърияси. – Тошкент: Адиб, 2012. – 300 б.
- 2.34. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 299 б.
- 2.35. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 224 б.
- 2.36. Ҳаққулов И. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – 256 б.
- 2.37. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 40.
- 2.38. Ҳожааҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.
- 2.39. Ҳусайний А. Бадойиёу-с-санойиё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1981. – 172 б.
- 2.40. Парандовский Я. Сўз кимёси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 464 б.
- 2.41. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Ж.7. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.

III. Тўплам, газета ва журналлардаги мақолалар

- 3.1. Абдуллаев А. “Шеъримда узоқ бир ишқнинг шарҳи бор” (Усмон Азим шеъриятига чизгилар) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2010. – №1. – Б.172-177.
- 3.2. Абдурахмонов А. Усмон Азим ижодида ранглар поэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №3. – Б. 66-68.
- 3.3. Аҳмедов К. Бағишлов асарлар моҳияти // Ёшлик. – Тошкент, 2011. – 4№.
- 3.4. Имомов К. Зардуштийлик ва эпик мотивлар генезисига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – № 6. – Б. 57.
- Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №1. – Б. 57.

- 3.4. Каримов Н. Некбин рух, ҳаётсевар ғоя //ЎзАС., 2010 йил, 19 ноябрь. №47.
- 3.5.Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2014, – №-8. – Б. 187-191.
- 3.6. Кўнгилга сайр (Адабий-ижодий мавзудаги суҳбатлар.) // Шоир армондан туғилади. Суҳбатдош: Умид Али. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 212 б.
- 3.7. Муллаҳўжаева К. Юракнинг аъмоли. // Азим У. Танланган асарлар1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 480 б.
- 3.8. Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида метафора (Ўзбек тили теоморфик метафораси материаллари асосида) – Тошкент: Нодирабегим, 2019. – 128 б.
- 3.9. Тимсоллар тилсими (Рамз, белги ва тимсоллар тасвири). / Тузувчи Д. Мингбоева. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 170 б.
- 3.10. Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида инсон ва табиат талқини. – Тошкент: Akademnashr. 2016. – 95 б.
- 3.11. Йўлдошев Қ. Кўнгил юксакликларида//ЎзАС., 2020 йил, 9 октябрь. №39.
- 3.12. Йўлдошев Қ. Ижодкор оламига сафар // Ёшлик. – Тошкент, 2019. – №3. – Б. 34-40.
- 3.13. Сувонова Ж. Усмон Азим шеъриятида бадиий тафаккур теранлиги. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2012. – 96 б.
- 3.14. Тошбоев О. “Шоирлари ёлғон айтса ўлади эл” /Азим У. Кўнгил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 3-23.
- 3.15. Fazliddinov B. Rauf Parfi va Abdulla Oripov she'riyatida shamol obrazi // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2018. – №2. – Б. 36-38.
- 3.16. Хожиева Ш. Чўлпоннинг пейзаж яратиш маҳорати // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2019. – №4. – Б. 34-37.

- 3.17. Қурбонбоев И. Метафоранинг ғоявий-бадий вазифалари // Тил ва адабиёт. – Тошкент, 2005. – №1. – Б. 66-71.
- 3.18. Қуронов С. Эгиз санъатлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 144 б.
- 3.19. Қўшшаева И. Ерга қўнмайдиган қушлар бормикан? // Ижод олами. – Тошкент, 2018. №3.
- 3.21. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – №-5. – Б. 68.
- 3.22. Шермуродов Т., Исмоил И. Усмон Азим ижодиёти. –Тошкент: ТДПУ, 2011. – 203 б.
- 3.23. Ғафуров И. Салом Чирок! Салом Усмон!// Ёш куч, 2010 йил, 27 апрел.
- 3.24. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърлятида поэтик образ ва унинг тадрижи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б. 3-8.
- 3.24. Ҳаққулов И. Ғуссали юрак – ёлқинли юрак. // ЎЗАС., 1996 йил, 11 октябрь.

IV. Диссертация ва авторефератлар

- 4.1. Абдурахмонов А. Ўзбек шеърлятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси (анъана ва новаторлик асосида): Филол. фан...фалс.докт... автореф. – Фарғона, 2018. – 53 б.
- 4.2. Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеърлятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърляти мисолида): Филол. фан. док. дисс... автореф. – Самарқанд, 2019. – 68 б.
- 4.3. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1999. – 48 б.
- 4.4. Каримов О. Абдулла Орипов шеърлятида метафорик образлар тизими: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2012. – 140 б.
- 4.5. Мирзаева Н. XX аср шеърлятида метафорик образ муаммоси (Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърляти мисолида): Филол. фанлари номзоди дисс... – Тошкент, 2006. – 132 б.
- 4.6. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари д-ри дисс... автореф. – Тошкент, 1994. – 57 б.

- 4.7. Пардаев З. Истиқлол даври шеърлятида халқона пафоснинг янгиланиши: Филол. фан. б-ча фалс. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2017. – 148 б.
- 4.8. Суяров М. Пейзаж тасвирида психологик тасвир яратиш маҳорати: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 24 б.
- 4.9. Курбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеърлятида образлилик: Филол. фанлари номзоди ...дисс. – Тошкент, 2005. – 133 б.
- 4.10. Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърлятининг медитатив табиати: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 88 б.
- 4.11. Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим ижоди мисолида): Филол. фан. б-ча фалс. д-ри ... дис. автореф. – Самарқанд: 2019. – 48 б.
- 4.12. Шаропова Л. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърляти бадиий таракқиетида фольклор: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Бухоро, 2019. – 48 б.
- 4.13. Хожиева Ш. Чўлпон шеърлятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари. Филол. фан. б-ча фалс. д-ри ...дисс. – Қарши, 2019. – 136 б.
- 4.14. Холова М. Ўзбек модерн шеърляти поэтикаси: Филол. фан. б-ча фалс. д. дис. автореф. – Самарқанд, 2018. – 51 б.
- 4.15. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърляти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2017. – 252 б.

V. Адабий манбалар

- 5.1. Қуръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси.// Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Муҳаммадjon мулло Рустам ўғли. – Тошкент: Мунир, 2022. – 829 б.
- 5.2. А. Навоий. МАТ. 20-том. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002. – 568 б.
- 5.3. А. Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Ҳикоятлар ва ҳидоятлар. /А. Навоий; О. Давлатов насрий баёни. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 232 б.
- 5.4. А. Навоий. Бир парипайкар ғами. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 176 б.
- 5.5. Алпомиш. Халқ достони. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 336 б.

- 5.6. Азимов У. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 432 б.
- 5.7. Азимов У. Куз. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 448 б.
- 5.8. Азимов У. Соғинч. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2007. – 200 б.
- 5.9. Азимов У. Юрак. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2009. – 348 б.
- 5.10. Азимов У. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 160 б. Азим У. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт манба ижодий уйи, 2012. – 320 б.
- 5.11. Азимов У. Коллаж. назм, наср, драматургия. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 464 б.
- 5.12. Азимов У. Кўнгил. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2019. – 320 б.
- 5.13. Азимов У. Сўнгсўзлар. – Тошкент: Илм зиё-заковат, 2020. – 512 б.
- 5.14. Воҳидов Э. Сайланма. 3-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 520 б.
- 5.15. Классик адабиёт жанрлари серияси. “Ғазал бўстони”. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 347 б.
- 5.16. Муҳаммад Ризо Огаҳий. Девон. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”, 2014. I Ж. – 560 б.
- 5.17. Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 578 б.
- 5.18. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 224 б.
- 5.19. Чўлпон. Асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 384 б.
- 5.20. Рауф Парфи. Сакина: (шеърлар). – Тошкент: Muharrir, 2013. – 376 б.
- 5.21. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994. – 142 б.
- 5.22. Шерозий Ҳ. Ишқ гавҳари. – Тошкент. Шарқ. 2006. – 224 б.
- 5.23. Шавкат Раҳмон. Гуллаётган тош. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 84 б.

VI. Интернет сайтлари:

- 6.1. <https://natlib.uz>
- 6.2. <https://ru.wikipedia.org>

- 6.3. <https://ziyonet.uz>
- 6.4. <https://kh-davron.uz>
- 6.5. <https://telegraph.uz>
- 6.6. <https://saviya.uz>